

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўзиева Дильноз, Мелибоева Роза, Шарипова Сурайё

ПЕДАГОГИКА

(Маъруза матни)

**Бакалавриатнинг 5220100 – филология (инглиз, немис, француз ва испан
тиллари) таълим йўналиши учун**

Тошкент-2006

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2006
йил «-----»августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.
Баённома №

Такризчилар:

Педагогика фанлари доктори, профессор Мусурмонова О.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Мадьярова С.

Педагогика фанидан маъруза матнлари филология факультетларининг
инглиз, француз, немис, испан тиллари бўлимлари учун ёзилди.

МУНДАРИЖА

1-мавзу: Ўзбекистонда таълим тизими

2-мавзу: Тарбиянинг келиб чиқиши

3-мавзу: Педагогика шахсни тарбиялаш ва такомиллаштириш тўғрисидаги фан сифатида

4-мавзу: Тарбия жараёнининг моҳияти, унинг асосий қонуниятлари. Тарбиянинг тамойиллари ва методлари

5-мавзу: Таълим-тарбия жараёнида мустақил фикрлаш ва илмий дунёқарашни шакллантириш

6-мавзу: “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўқитувчи шахсига талаблар

7-мавзу: Синф раҳбари – ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар ташкилотчиси сифатида

8-мавзу: Дидактика-ўқитиш жараёни тўғрисидаги фан сифатида

9-мавзу: Ўқитишнинг қонуният ва тамойиллари

10-мавзу: Ўқитишнинг методлари ва воситалари

11-мавзу: Ўқитиш жараёнини муаммоли ташкил этиш

12-мавзу: Таълимнинг ташкилий шакллари. Дарс-таълимни ташкил этишнинг асосий шакли

13-мавзу: Ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолашнинг рейтинг усули

Кириш

Бизга маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг истиқболи фан-техника, илм-маориф тараққиёти ҳамда баркамол миллий кадрларни тарбиялаб вояга етказиш билан боғлиқдир. Шу боис ҳам давлатимиз илм-фан ҳамда маориф ривожига, салоҳиятли миллий кадрлар етиштиришга жиддий эътибор бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилиши маросимида сўзлаган нутқида биз бутун дунёдаги барча халқлар билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилар эканмиз, айтиш пайтда, юртимиз ёшлари қадимий илм-фанимизни, аждодларимизнинг ким эканлигини, улар жаҳон тамаддуни тараққиётига қандай бебаҳо ҳисса қўшганини асло эсдан чиқармасликлари лозимлигини таъкидлади. “Ўлмас ва ноёб асарлари билан башарият илм-фани ва маданияти тарихидан муносиб ўрин олган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир зотлар бизнинг буюк аждодларимиз экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга, биз ана шу беқиёс маънавиятимизнинг инсоният қўлга киритган илғор билим ва тажрибалар билан уйғун ҳолда ривож топишини истаймиз ва айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг олға боришимизда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилажак”,¹ - деди.

XX асрга қадар бўлган даврлардаги ижтимоий ва маданий ҳаёт тарихидан шу нарса аёнки, маънавиятли, маърифатли баркамол ёшларни тарбиялаб етиштириш халқ педагогикасининг моҳияти бўлган ва у минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб, миллий педагогика тарихининг замини ҳисобланган.

Ислом Каримов XX1 асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни аниқ кўрсатиб берар экан, асосий йўналиш жамият маънавиятини янада ривожлантиришдан иборат эканлигини айтиб: «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан. Эркин фуқаро маънавияти, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтиш замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»²лигини таъкидлади.

¹ Халқ сўзи, 2003 йил, 7 май

² Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000й.

Ана шу талаб, кўрсатмаларга биноан ҳамда ўқитувчи ва педагог олимлар билдирган фикр мулоҳазаларни, талабаларнинг ихтисослиги ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда, ушбу маърузалар матнини яратдик.

1-Мавзу: Ўзбекистонда таълим тизими.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва таълим турлари.
2. Таълим тизимини бошқариш.
3. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар:

Таълим соҳасидаги давлат сиёсати тамойиллари, таълим тизими, таълим муассасаси, таълим турлари, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, бакалавриат магистратура олий ўқув юртидан кейинги таълим, аспирантура, докторантура, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълими, мактабдан ташқари таълим, мактабдан ташқари таълим муассасалари, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кадрлар тайёрлаш миллий модели, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари, "портлаш эффекти", ўқитувчи, ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва таълим турлари.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардаёқ республикада таълимни ташкил этиш соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш, уни юксак даражада такомиллаштириш ва жаҳон таълими даражасига кўтариш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу эътиборнинг ёрқин исботи таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳамда таълимнинг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасидаги устувор йўналиши деб эълон қилинганлиги билиб белгиланади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсати тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
2. Таълимнинг узлуксиз ва изчиллиги;
3. Умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини;
5. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
7. Таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув
8. Билимли бўлишни ва истъодни рағбатлантириш.
9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Таълим тизими деб муайян жамиятда ижтимоий-тарихий жараёнда таркиб топган маълум тамойиллар асосида бошқариладиган ҳамда бир-бири

билан боғланган барча типдаги ўқув-тарбия муассасаларининг йиғиндисига айтилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият олиб боради.

Таълим тизими ижтимоий-тарихий характерга эга бўлиб, у муайян жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти даражаси ҳамда сиёсати мазмуни билан боғлиқ ҳолда таркиб топади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 август) қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунида кўрсатиб ўтилганидек, республика таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

б) таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

в) таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар, ва ташкилотлар. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва узлуксиз бўлиб, мазкур тизим доирасида фаолият юритувчи муассасалар таълимнинг босқичма-босқич амалга оширилиши учун хизмат қиладилар. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими қуйидаги турларда амалга оширилади.




Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрлик даражасида шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Ушбу таълим боланинг олти-етти ёшга тўлгунга қадар оилада, мактабгача тарбия муассасалари (яслилар-3 ёшгача бўлган болалар учун; болалар боғчалари-3 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган бола учун) ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар ҳар томонлама ривожланидилар ва таълим-тарбия оладилар. Уларнинг соғлиги мустаҳкамланади, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини ҳосил қилнади. Уларда меҳнатга муҳаббат уйғонади, катталарга ҳурмат, ватанпарварлик туйғулари тарбияланади. Болалар мактаб таълими учун тайёргарлик кўрадилар,

мактабгача таълим муассасалари умумий ўрта таълим мактабининг бошлагич синфлари билан узлуксиз алоқани амалга оширишлари лозим.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим мактабларда амалга оширилади. Умумий ўрта таълим мактабларининг иш мазмуни ва вазифаси ўқувчиларга фан асосларини ўргатиш, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимига уларни тайёрлашдан иборатдир. Умумий ўрта таълим қуйидаги босқичлардан иборат.



Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинадилар. Бошланғич таълимнинг асосий вазифаси ва иш мазмуни умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришдан иборат.

Умумий ўрта таълим бошланғич таълим негизида ташкил этилиб, ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажмини беради (умумий ўрта таълим ДТСда белгиланган) уларда мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Умумий ўрта таълим доирасида болаларнинг қобилият ва истеъдодини ривожлантириш мақсадида муайян йўналишдаги ихтисослаштирилган, махсус таълим муассасалар (мактаб-интернатлар, мусиқа, спорт, хореография ҳамда тасвирий санъат, шунингдек, ижтимоий, гуманитар ва тарбиявий фан йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган билим берувчи мактаблар ва бошқалар) ни ташкил этиш мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлиб, унинг вазифаси ва иш мазмуни ўқувчиларга муайян йўналишда мутахассислик ёки касб-хунар маълимотини бериш ва уларда бу борадаги амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришдан иборат. Ўқувчилар тўққиз йиллик умумий-мажбурий таълимни тугатганларидан кейин яна уч йил ўрта махсус, касб-хунар таълимини мажбурий ихтиёрий тарзда ўзлаштирадилар. Ўрта махсус, касб-хунар таълими академик лицей ва касб-хунар коллежларида олиб борилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари эгаллаган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган, шунингдек, ихтисослик фаолияти ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўлувчи ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини жадал ўстириш, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва муайян мутахассисликка йўналтирилган билим олишларини таъминлайди. Академик лицей уч йиллик

ўрта махсус ўқув юрти ҳисобланади. Ушбу ўқув юртида ўқувчилар ўзлари танланган йўналиш бўйича билимларини ошириш ва муайян фанлар асосларини чуқур, мукамал ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Инсоннинг тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий бойлик ҳисобланади. Улар ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилайдиган омиллардир. Шундай ўқувчилар борки, улар умумий ўрта таълим жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидорларини, истеъдодларини намоён этадилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни туғри йўналтириш катта аҳамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъдодли болаларни тарбиялашга ҳизмат қилади.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг муайян касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касб-хунар йўналиши бўйича бир ёки бир неча ихтисослик маълумотини олишни таъминловчи ҳамда уч йил давомида ташкил этилувчи касб-хунар таълимини йўлга қўядиган ўқув юртидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун қоғазларига кура академик лицей ва касб-хунар коллежининг мақоми тенгдир. Мазкур турдаги ўқув юртларида таҳсил олган ўқувчилар олий ўқув юртига киришда ёки танланган йўналиш бўйича фаолият кўрсатишда, конституциявий ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқлидир. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари юқорида қайд этилгандек, ўз олдиларига қўйган мақсадлари билангина бир-биридан маълум маънода фарқ қилади.

Касб-хунар коллежлари ишлаб турган хунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари негизида турли йўналишларда ташкил этилади. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, янгидан ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари айтилган вақтда ишлаб турган билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилади.

Бу фарқлар нималарда кўринади?

Янги типдаги касб-хунар коллежларининг фаолияти ўқув жараёнини самарали техника ва технология ютуқлари ёрдамида ташкил этиб, юксак малакали-уста, кичик мутахассис тайёрлашдан иборатдир. Таълим жараёни жаҳон талабларига жавоб берувчи, истиқболни кўзлаб ишлаб чиқарилган ўқув режаси ва дастурлари асосида ташкил этилади. Касб-хунар коллежлари учун ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ўзидан олдинги таълим босқичи-умумий ўрта таълим мактаблари ва ўзидан кейинги босқичда турган олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари билан ўзаро мутаносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва изчиллик тамойилига тўла мос келади.

Касб-хунар коллежларида замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қуруллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланиши билан ҳам тубдан фарқ қилади. Ўқув бинолари, устахоналарнинг замонавийлиги билан ажралиб туради. Шунини алоҳида

таъкидлаб ўтиш жоизки, касб-хунар коллежларида ишчи кадрлар эмас балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Яна бир афзаллиги-бундай ўқув юртларида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жуғрофий ва демократик шарт-шароитлари ва мутахассисларга эга бўлган маҳаллий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрланади.

Коллежларда кадрлар тайёрлаш жараёни икки ёқлама тизим асосида амалга оширилади. Ўқувчиларга бериладиган ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасасининг устахоналарида ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Умумий ўрта таълим мактабларнинг 9-синфни тугатганлар якуний давлат аттестацияси натижаси, ўқувчи томонидан йиғилган рейтинг кўрсаткичлари ҳамда педагогик-психологик ташхис марказларининг тавсияларига асосан академик лицей ва касб-хунар коллежларида муайян йўналиш бўйича ўқишни давом эттирадилар.

Олий таълимни ташкил этишдан мақсад жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга хисса қўшувчи, танланган мутахассислиги бўйича бозор муносабатлари, шароитида мустақил ишлаш лаёқатига эга, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юртлари (университетлар, институтлар, академиялар ҳамда олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари)да ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичда: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратура таълимини бериш асосида ташкил этилади.

Бакалаврият- мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалиёт билими берадиган, таълим олиш муддати камида турт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугагандан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва ҳукумат тасдиқлаган намунадаги диплом берилади.

Бакалавр даражасига эга бўлган шахс олий таълим йўналишидаги танланган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис саналади ва давлат классифик қаторда белгиланган лавозимда ишдаш ҳуқуқига эга бўлади. Бироқ бакалавр илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият курсата олмайди.


Магистратура-аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган бакалавр негизида камида икки йил муддатда ташкил этиладиган олий таълимдир. Магистратурадаги таълим якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини химоя қилиш билан ниятига етказилади. Магистратура таълимини тугатганларга “магистр” даражаси ҳамда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади.

Магистр-бакалаврдан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, у илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсатади. У аспирантурага кириш ҳуқуқига эга.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга ва узлуксиз таълим тизимини таъминлашга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари (аспирантура, докторантура, адъюнктура ва мустақил тадқиқотчилик асосида) да йўлга қўйилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим икки босқичда амалга оширилади.



“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига асосан, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга, уларни замон талабларига жавоб берадиган даражага етказишга қаратилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни оқилona қондириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини табақалаштириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш натажалари асосида ходимларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, мазкур жараёнларни ташкил этишнинг давлат, жамият ва нодавлат шакллариини бирга қўшиб олиб бориш кабилар қайта тайёрлаш таълимининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш университетларида, малака ошириш институларида ва касбий қайта тайёрлаш

хуқуқига эга бўлган ўқув марказларида амалга оширилади. Ушбу жараён ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этилади. Унинг шакли малака ошириш таълим муассасаси томонидан таълим дастурининг мураккаблиги эътиборга олинган ҳолда ва буюртмачининг у билан тузилган шартномасига мувофиқ равишда белгиланади.

Кадрларни касбий қайта тайёрлаш жараёни якуний давлат аттестацияси билан якунланади. Аттестацияни ўтказиш тартиби таълимни бошқариш бўйича тегишли давлат органлари томонидан белгиланади.

Ўқув режасининг барча талабларини бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган тингловчилар қайта тайёргарлик ва малака оширишдан ўтганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги диплом ёки сертификат оладилар.

Болалар ва ўсмирларнинг шахсий эҳтиёжларини кондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

2. Таълим тизимини бошқариш.

Таълим тизимини бошқариш педагогика фанининг муҳим тармоғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими органлари ва уларнинг вазибалари, иш фаолиятининг мазмуни ва методларини белгилаб беради, шунингдек, таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш тизимини асослайди.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқаришга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим тизимини бошқариш бўйича қуйидаги ваколатларга эгадир:

- 1) таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- 2) таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- 3) таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- 4) таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- 5) таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- 6) давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- 7) давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

- 8) давлат грандлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- 9) давлат олий таълим муассасаларининг ректорини тайинлаш;
- 10) таълим олувчиларнинг аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш; шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қақолатлар.

Республика таълим тизимини бошқаришда бир қатор давлат органлари-тегишли вазирликлар чунончи, халқ таълими вазирлиги ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, шунингдек, марказлар, хусусан, Республика таълим Маркази, академик лицей ва касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Марказ, вилоят шаҳар ва халқ туман халқ таълими бўлимлари ҳам иштирок этадилар. Таълимни бошқариш бўйича вақолатли давлат органларининг ҳуқуқлари доирасига қуйидагилар қиради.

- 1) таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- 2) таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- 3) ДТС, мутахассисларнинг билим савияси ва тайёргарлигига бўлган талабларнинг бақарилишини таъминлаш;
- 4) ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- 5) ўқув ва ўқув услубий адабиётларни яратиш ва нашр қилиш ва ташкил этиш;
- 6) таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 7) давлат олий таълим муассасаларининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- 8) Педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрдашни ташкил этиш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вақолатлар.

Республика таълим тизимини бошқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам иштирок этади. Уларнинг республика таълим тизимини бошқаришдаги ўрни ва роли қуйидагилар билан белгиланади.

- 1) таълим муассасалари фаолиятининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;
- 2) таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар
- 3) ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини вақолат доирасида молиялаш миқдорини ва имтиёзларни белгилайди.
- 4) таълим сифати ва даражасига, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вақолатларни ҳам амалга оширадилар.

Таълим тизимини бошқариш соҳасида таълим муассасаси фаолиятини бошқариш ишларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Таълим муассасаси унинг раҳбари (директор ёки ректор) томонидан бошқарилади.

Ташкилотчи, олий маълумотли, камида 3 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган энг яхши ўқитувчи туман халқ таълими бўлими тавсиясига биноан

вилоят халк таълими (Тошкент шаҳрида-шаҳар халк таълими) бўлими томонидан директор этиб тайинланади. Вилоят халк таълими бўлими бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси ХТВ га маълум қилади.

Мактаб директори ўқитувчи ва ёрдамчи ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, ходимлар, ўқитувчиларни рағбатлантиради, шунингдек, ўринли ҳолатларда уларни жазолайди, алоҳида ўрнатилган кўрсатган ўқитувчи ва ходимларни давлат муковотларига тавсия этади.

Таълим муассасасининг педагогик кенгаши (олий ўқув юртларида илмий кенгаш) таълим муассаси раҳбари ҳузуридаги маслаҳат органи бўлиб, унинг қарорлари жамоатнинг ягона ва умумий фикрини акс эттиради. Педагогик кенгаш (Илмий Кенгаш) қабул қилган айрим қарорлар таълим муассасаси жамоаси учун ҳам раҳбар учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Таълим муассасаларида методик ишлар таълим тарбия ишларининг сифатини оширувчи энг муҳим воситалардан бири саналади. Методик ишларни ташкил этишдан кўзланган мақсад: ўқитувчиларнинг ижтимоий-ғоявий дунёқарашини кенгайтириш ва педагогик, услубий маҳоратини оширишдан иборатдир. Таълим муассасаларида қуйидаги метод бирлашмалар фаолият олиб борилади.



3. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳатлар амалга оширила бошлади. Бу борадаги саъи-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июль ойида Мустақил Ўзбекистоннинг илк “ Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалар, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди.

1997 йил январ ойига келиб, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва унда илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиғи, мавжуд аҳвол, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди. Ўтказилган таҳлил натижаларга кўра таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосга эга бўлмаганлиги маълум бўлди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни ишлаб чиқувчи махсус комиссия таркиби тайинланди. 1997 йилнинг июль ойида ҳар икки меъёрий ҳужжат мазмуни ўрганиб чиқиш учун умумхалқ эътиборига ҳавола этилди. Муҳокама жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар масъул комиссия тамонидан ўрганилди. Умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида қабул қилинди.

Резюме

Юқоридаги фикрларга таяниб қуйдаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни Республика таълим тараққиётини юқори босқичларга кўтариш, уни энг илғор хорижий мамлакатлар тизими даражасига, жаҳон таълими стандартлари даражасига кўтариш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш асосида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Ушбу мазмун таълим

соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларида янада ёрқин намоён бўлади.

2.Таълим тизими деб муайян жамиятда ижтимоий-тарихий жараёнда таркиб топган, маълум тамойиллар асосида бошқариладиган ҳамда бир-бири билан боғланган барча типдаги ўқув-тарбия муассасалари йиғиндисига айтилади. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими доирасида давлат ва нодавлат муассасалари, илмий-педагогик муассасалар ҳамда таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассаса ва ташкилотлар фаолият олиб борадилар.Республикада таълим жадвалда кўрсатилган босқичларда олиб борилади.

3.Таълим тизимини бошқариш педагогика фанининг муҳим тармоғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизими органлари ва уларнинг вазифалари, иш фаолияти мазмуни ва методларини белгилаб беради, шунингдек, таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш тизимини асослайди.

4.Ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, такрорланмас буюк тарихимиз анъаналарига асосланган ва шу билан бирга ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган Кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди.

Назорат учун саволлар.

1. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини айтинг.
2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими доирасида фаолият кўрсатувчи муассасаларни кўрсатинг.
3. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг қандай турлари мавжуд?
4. “Таълим тизимини бошқариш” тушунчасини сиз қандай тушунасиз?

Глоссарий

Бакалаврият- мутахассислар йўналиши бўйича фундаментал ва амалиёт билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура-аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган бакалавр негизида камида икки йил муддатда ташкил этиладиган олий таълимдир.

Аспирантура- олий ўқув юртидан кейинги магистрлик негизидаги илмий тадқиқот босқичи, таълим муддати уч йил.

Докторантура- фан номзоди илмий даражаси негизидаги босқич, таълим муддати уч йил.

Адабиётлар.

1. И. А. Каримов “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. Шарқ. 1997й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Маърифат, 1997 й. 30 сентябр.

3. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (“Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”) китоби Т. Шарқ 1997й.
 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Маърифат. 1999й 16 август.
 5. Педагогика А. Қ. Мунаввапов таҳрири остида Т. Ўқитувчи 1996й.
 6. Р. Усмонов “Саодатнома” тўпланган асарлар, (тўплам нашрга тайёр. С. Хасанов).Т. Ўқитувчи 1995й.
- М. Очилов, М. Очилова “Ўқитувчининг одоби” Т. Ўқитувчи. 1998й.

2-маъруза: Тарбиянинг келиб чиқиши.

Режа:

1. Тарбиянинг пайдо бўлиши ва тарихий ривожланиши.
2. Қадимги юнон олимлари илмий ишларида таълим ва тарбия борасидаги ғоялар.
3. Халқ оғзаки ижодиётида тарбия.
4. Шарқ мамлакатларида мактаб ва педогогик фикрларнинг ривожланиши.

Таянч тушунчалар

Тарбия, тарбия-ижтимоий ходиса, шарқ ва ғарб мутафаккирларининг тарбия борасидаги ғоялари, тарбияда халқ оғзаки ижодиётини тутган ўрни.

Тарбиянинг пайдо бўлиши ва тарихий ривожланиши.

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим-тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика фанидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда атрофлича ўрганишни тавозо этади.

Тарбия-ижтимоий ходиса. У кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида, яъни ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар инсоннинг камолоти тўғрисидаги ғояларини жуда кўп ривоятлардан фойдаланиб бахшилик йўли орқали авлоддан-авлодларга етказганлар,

Е. Э. Бертельс мазкур ривоятларда, кишиларни тарбиялаш, ахлоқий баркамоллик, шахснинг маънавий юксаклиги масалалари асосий ўрин олганини таъкидлаган.

Шунингдек, айрим тадқиқотларда ибтидоий даврда инсонлар тарбиянинг таъсир кучи орқали тўғри ҳаёт кечирганлиги маданият ва санъат соҳасида ҳам мисли кўрилмаган кашфиётлар юзага келгани қайд этилган.

Грек тарихчиси Геродот (эр. Ав. V аср) “Тарих” китобида ёзишича, Марказий Осиёнинг ибтидоий жамоа тузуми шароитида яшаган халқлари асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Уларда никоҳ муносабатларининг умумий (тартибсиз) шакли ҳукмрон бўлган. Оиланинг гуруҳли шаклларида боланинг отаси номаълум бўлса ҳам, лекин онасининг ким эканлиги маълум бўлган ва шу сабабдан боланинг тарбияси она зиммасига юклатилган. Аста-секин одамларнинг ижтимоий онг фаолиятининг такомиллашуви, хусусий мулкнинг дастлабки куртакларининг пайдо бўлиши-якка тартибдаги оилаларни вужудга келтирган.

Якка оила пайдо бўлгандан сўнг меҳнат тарбиянинг энг асосий кууролига айланган. Қадимги Эрон қабилаларида мис ва темирдан уй-рўзғор буюмлари ясала бошланган. Ана шу меҳнат жараёнида болалар ҳам иштирок этарди. Ибтидоий даврдаги тарбия асосан оилада, жамоа ва меҳнат масканларида кишилар ортирган тажрибаларни болаларга ўргатишдан иборат бўларди. Болаларга ўргатиладиган кундалик меҳнат малакалари уларни яшаш учун курашишга тайёрлар, ақл-идрокли, одобли бўлиб ўсишларига хизмат қиларди. Минг йиллар мобайнида моддий неъматлар яратиш учун ҳамкорликда қилинган меҳнат кишилар ўртасидаги ахлоқ-одоб муносабатларининг меъёрини келтириб чиқарди. Қадимги одамлар тафаккурининг ожизлиги сабабли ўз ақл-идрокларига ишонч ҳосил қилиш учун самога сиғина бошлаганлар.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги кишилар меҳнат жараёнида, борлиқдаги нарсалар ва ходисаларга муносабатлари асосида ўз

дунёқарашлари ва ақидаларига таяниб халқ оғзаки ижоди асарларни яратганлар. Уларнинг бир-бирига, атроф-муҳитга, касб-корига муносабат борасидаги илк фикр ва тасаввурлар, мифологик асарлар тимсоли бўлмиш-“Авесто”да ифодаланган Митра, Анахита, Ардивиссура, Варахрана, Йима сингари маъбуда ва маъбудлар сиймоси орқали аجدодларимиз инсонларга яхшилик қилиш, ерларни обод ва серҳосил қилиш, экин экиш, дарахтларни ўстириш учун жамоа ҳаракати хусусидаги мулоҳазаларни мужассамлаштирганлар.

Қулдорлик тузуми даврида ва феодализмнинг бошларида яратилган “Тўмарис”, “Широқ”, “Эр ҳубби”, “Чистонияли бекк”, “Гершасб”, “Сиёвуш”, “Рустам” сингари қатор афсона ва қаҳрамонлик дostonларида меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, мустаҳкам эътиқодлилиқ, эл-юрт манфаати учун фидойилиқ каби ижобий фазилатлар тараннум этилган ва ана шундай фазилатларга эга бўлиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар тарғиб ва ташвиқ қилинган. Муҳими шуки, мазкур асарларда инсонни ёшлигидан ақлий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаб, сабот-матонатли, халқ удумларига, аждодлар анъанасига бўй сунадиган, ахлоқан пок қилиб камол топтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналарининг, шу жумладан “Сиёвуш”, “Зарина ва Стрингей”, “Спарстра” дostonларининг қиммати, тарбиявий аҳамиятини машҳур шарқшунослардан Е. Э. Бертельс, С. П. Толстов, И. С. Барагинский, В. Снесарев, профессор Н. М. Маллаев ва бошқаларнинг асарларида алоҳида таърифланган. Ҳақиқатдан, ўзбек халқ педагогикасининг илк куртаклари мазкур манбаларда кўзга ташланади. Халқ педагогикасидаги таълим ва тарбияга доир фикрлар Марказий Осиёдаги барча туркий халқлар учун муштарак лирик шеърлар ва кўшиқларда яхши ифодаланган.

Қадимги Юнонистонда мифология ва халқ оғзаки ижодиёти ниҳоятда ривожланган. Бахшилар қадимги грек анъаналарини узлуксиз давом эттирганлар, турли афсоналарга куйлар басталаб баҳодир ва қаҳрамонларнинг мадҳини куйлар эдилар. Гомер қадимги грек афсоналари асосида иккита дoston яратган. “Илиада”, “Одессея” деб номланган ўша дostonларда грекларнинг жанглардаги жасоратлари, қаҳрамонликлари, ватанпарварлиги, жисмоний чиниққанлиги, мардлик фазилатлари шеъри мисраларда теран ифодаланган.

Қадимий Юнонистоннинг илк қулдорлик даврида иккита катта давлат-Афина ва Спарта пайдо бўлди, уларда ўзига хос таълим-тарбия тизими ҳам вужудга келди. Масалан, Афинада мактаб тизими уч типдаги мактаблардан, яъни мусиқа мактаби, гимнастика мактаб ва гимназия мактабларидан иборат эди.

Мусиқа мактаби хусусий мактаб бўлиб, унда пул тўлаб ўқитилар эди. Мусиқа мактабларида фақат 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган бой қулдорларнинг ўғил болалари ўқирдилар. Бу типдаги мактабда мусикий тарбия ҳам бериларди (“миза” сўзидан олинган, қадимги Юнонистонда “музи”-санъат, адабиёт ва фан худоси ва хомийси) мусикий таълимотнинг мазмуни хат-

савод, адабиёт, ҳисоб, декламация, ашула ва мусиқа дарсларини ўқитишдан иборат эди.

Гимнастик мактаби-палестра (кураш мактаби) дейиларди.бу ҳам маълум бир тоифадаги кишиларга қарашли мактаб бўлиб, унда 12 ёшга кирган ва айна вақтда мусиқа мактабида ўқиётган ўғил болалар пул тўлаб ўқир эдилар. Бу типдаги мактабда ўсмирлар югуриш, сакраш, диск иргитиш, найза санчиш ва кураш машқини бажарардилар. Шу билан бирга сузиш машқларини ҳам ўтказар эдилар.

Гимназий давлатга қарашли мактаб бўлиб, унда асосан Афинадаги катта ер эгалари-киборларга мансуб номдор оилалардан чиққан, мусиқа ва гимнастик мактабини тамомлаган аслзода ёшлар ўқирдилар. Бунда улар 16 ёшдан 18 ёшгача жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия олишларини давом эттирар эдилар. Бундан ташқари, аслзодаларни давлатни идора қилишга лаёқатли қилиб тайёрлаш мақсадида уларга фалсафий таълим ва сиёсий тарбия берилар, ҳамда нотиклик санъати ўргатилар эди. 18 ёшга тўлган аслзодалар эфеблар гуруҳига мансуб бўлиб, улар 20 ёшгача махсус ҳарбий тайёргарлик кўрар, айна вақтда ижтимоий-сиёсий тарбия ҳам олар эдилар. Мана шу таълим-тарбия тизими фақат ўғил болаларгагина тегишли эди. Қизлар эса ёшлигиданоқ уй-рўзғор ишлари билан шуғулланар эди.

Спарта давлатида жисмоний камолотга катта эътибор берилиб, аёллар ҳам бу ишга жалб этилган. Чунки соғлом, бақувват аёлларгина соғлом авлодни вужудга келтириши мумкин эди. Кулларнинг болаларига эса, ота-оналарининг касб-хунарлари ўргатилган.

Қадимги юнон олимлари илмий ишларида таълим ва тарбия борасидаги ғоялар.

Қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит ва бошқалар ўз фаолиятларида ёшларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш вазифаларига ҳам жиддий эътибор берганлар. Бу олим ва мутафаккирлар таълим-тарбия назариясини ишлаб чиқдилар. Юнонистонда педагогиканинг ривожига улкан хисса қўшдилар.

Сукротнинг фалсафий ва педогогик қарашларида тарбиядан кутилган мақсад инсонни билимларни билиб олишга эришиш, уни юксак ахлоқли қилиб камол топтиришдир. У ўз таълимотида мардлик, донолик, мўътадиллик, адолатлилик тушунчаларини белгилаб беради. Унинг фикрича, мардлик кўрқувни даф қилиш, донолик-жамият қонунларига риоя қилиш, мўътадиллик-ўз хиссиётларига эрк бермаслик, адолат-яхшилиқни амалга ошириш йўллариини ўргатишдир.

Сукротнинг таълимотича, инсон энг аввало, умумий ахлоқ мезонларини, инсон учун муқаддас бўлган фазилатларни эгаллаб олиши керак. Инсоний фазилат эгаси яхши фазилатларни намоён эта олади. Инсон ахлоқий фазилатларини илм-фан, таълим орқали эгаллайди, ахлоқнинг ягона соҳиби бўлади. Ақл билан ахлоқ ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас. Хунардан яхшироқ, илмдан улуғроқ нарса йўқ. Шарму ҳаёдан яхшироқ безак, зебу зийнат йўқ, батфеълликдан ёмонроқ душман йўқдир.

Сукротнинг ахлоқ хусусидаги таълимотига кўра, эзгулик-билим, донишмандлик-яхшиликни билувчига яхшилик қилишдир. Ёмонлик қилувчи яхшиликни ё билмайди, ёки пировардида, яхшиликнинг тантана қилишига қаршилик қилади.

Сукрот тадбиркорликни улуғлаб, уни энг гўзал инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, гўзал тадбир ишлатиб, душманни дўст этиш, нодон ва жоҳил одамни таълим ва тарбия қилиб, донолар даврасига, бадохлоқ фосиқларни панд-насиҳат билан ислоҳ этиб яхшилар қаторига қўшиш энг афзал амаллардан саналади.

Сукрот ўзининг педогогик қарашларида меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор беради, меҳнатни ахлоқий гўзаллик деб билади.

Сукротнинг таълим-тарбия ҳақидаги таълимоти қадимги Юнонистонда фалсафий-педогогик фикрлар ривожига улкан хисса бўлиб қўшилган.

Аристотел-қадимги юнон фалсафаси ва фани тараққиётида янги давр яратган буюк мутаффақирдир. Аристотел ўзининг ахлоққа оид “Никомах этикаси”, “Эндем этикаси” асарларида тарбиянинг мақсади табиат билан боғлиқ бўлган инсонни тадрижий ривожлантиришдан иборатлигини, ақл ва идрокни ривожлантириш муҳим эканлигини айтади. Унинг таълимотига кўра, болаларнинг ёш хусусияти ҳисобга олинган ҳолда, жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия узвий бирликда амалга оширилиши керак. Фуқаро фақат ўз шахсий иши билан шуғулланмай, халқнинг тинчликда яшаши, фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатиши, гўзаллик яратиши керак. Аристотел тарбия муддатини 21 йил: бола туғилгандан 7 ёшгача, 7 ёшдан 14 ёшгача, 14 ёшдан 21 ёшгача деб белгилади. У боланинг ҳар бир ўзига хос хусусиятларини кўрсатди, ҳар бир даврда амалга оширадиган тарбиянинг мақсади, мазмуни ва усуллари баён этди.

Аристотел ҳам Плотон каби болаларни мактабгача ёшдан тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Унинг фикрича, болани ўргатиш мумкин бўлган барча нарсага гўдаклигидан ўргатиш керак. Бола 7 ёшгача оилада тарбияланиши лозим. 7 ёшгача давр ўсиш даври ҳисобланади. Шунга кўра биринчи навбатда уларнинг жисмонан ривожланишига эътибор берилади. Шу ёшдаги болаларни ўз вақтида овқатлантириш, ҳаракатда бўлишларига эътибор бериш, чиниқтириш зарур. Болалар ёшларига мос ўйинлар билан шуғулланиши керак. Уларга эртак ва хикоялар айтиб бериш орқали нутқларини ўстириш, 5 ёшдан бошлаб улар оилада мактабга тайёрланиши, 7 ёшдан бошлаб давлат ҳузуридаги мактабларда ўқиши кераклигини таъкидлаган.

Аристотел бола тарбияси давлат ихтиёрида ва барча фуқаролар учун бир хилда бўлишини ҳимоя қилади. Чунки, давлат тарбияда ўз олдида аниқ бир мақсадни қўяди. Шунинг учун ҳам тарбияга ўз хоҳишига кўра ўқитиш ва тарбиялашни истаган ота-оналар эмас, давлат раҳбарлик қилиши керак. Ҳар бир фуқаро ўз-ўзича яшамайди, у барча фуқаролар каби давлатга мансубдир, давлатнинг узвий бўлагидир. Давлат у ҳақида ғамхўрлик қилади.

Аристотелнинг таъкидлашича, бола 5 ёшидан бошлаб 7 ёшгача келгусида ўрганиши зарур бўлган фанлар бўйича дарсларга қатнаши керак.

Бу ўқув предметлари она тили, гимнастика, мусиқа ва расмдир. Тарбия гимнастикага боғлиқ ҳолда бошланади. Аммо бунда жисмоний тарбияга ҳаддан ташқари берилиб кетмаслиги керак. Тарбиянинг мақсади болани ўз бўш вақтини онгли равишда ўтказишга ўргатишдир.

Аристотел дўст орттириш, дўстларга нисбатан шавқатли, марҳаматли бўлишга даъват этади. Унинг таъкидлашича, киши иложи борида ўзига душман орттирмаслиги керак. Душманлик кўрсатганга раҳмат назари билан қараш, дилнавоз бўлиши керак. Шундагина у дўстлари қаторидан жой олади.

Юнонистонда педагогикани ривожланишига улкан хисса қўшган мутаффақир олимлардан бири Демокритдир. У фалсафа, математика, физика, биология, тиббиёт, руҳият, санъатга доир асарлар яратиб, инсон шахсини қарор топишини унинг табиати ва тарбиясига боғлиқ деб ҳисоблади. У агар инсон ўқимаса маҳорат ва донишмандликка эриша олмайди деб ҳисоблаган. Демокрит ёшларга ақл-идроқлилик, кексаларга донолик хослигини, ақл-идроқни тегишли тарбия ва табиат бахш этишини олға сурган.

Демокрит болаларга намуна бўлиш, сўз орқали таъсир кўрсатиш, ишонтириш ва далиллар билан тарбиялашга, уларни меҳнат қилишга одатлантиришга алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, меҳнат қилишга одатлантириш орқалигина болаларни ёзувга, мусиқага, жисмоний машққа ўргатиш мумкин. Демокрит жамият олдидаги бурчига садоқатли, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этувчи кишини ахлоқли инсон деб ҳисоблаган.

Халқ оғзаки ижодиётида тарбия.

Халқимиз ўз тарихий ижтимоий тараққиёти мобайнида бой оғзаки ижодий мерос яратган. Халқ оғзаки ижодиётида таълим-тарбияга оид илғор педогогик фикрлар илгари сурилган.

Халқ оғзаки ижодиёти асрлар бўйи меҳнат жараёнида инсонни орзуси негизида шаклланиб борган баркамол инсонга қаратилган халқ оғзаки ва ёзма ёдгорликларида, яъни эртақ, дoston, қўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, масал, матал, мақол, ривоят ва хикоятларида ўз аксини топган.

Халқ оғзаки ижодиёти аста секин кенг тус олиб, ривожланиб борган. Бу заилда инсонларда педогогик маданият ва меросга ихлос ва интилиш вужудга келган ва унга амал қилина бошланган.

Халқ оғзаки ижодиётида аввало баркамол инсон учун илм ва ҳунар зарурлиги таъкидланади. Халқ яратган хикояларда донишмандлик, ақл ва заковат алоҳида ўрин эгаллаган. Маълумки, ота-боболаримиз қадим замонлардан яхшиликни ёмонликка, маърифатни жаҳолатга, нурни зулматга қарама-қарши қўйиб, ҳамиша маърифату зиёни, адолату эзгуликни олқишлаб келган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” китобида бахиллик, мол-дунёга хирс қўйиш, ўзи оч бўла туриб, сахийлик қиламан, дейиш, фирромлик ва бошқалар қаттиқ қораланган, ота-она, қўни-қўшниларнинг панду насихатларига қулоқ солиш, оғздан ёмон сўзлар чиқармаслик, доимо камтар, ғамгинларнинг дардига малҳам бўлишга ундаган. Бу китобда ота-боболаримизнинг инсон хулқи, одоби, хатти-ҳаракати, турмушдаги

уринишларига доир жуда кўп панд насиҳатлар, маърифий фикрлар мужассамланган.

Ўрта Осиё халқларининг дастлабки ёзма ёдгорликлари, масалан, “Авесто”да аجدодларимизнинг ахлоқий-дидактик қарашлари, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари у ёки бу даражада ўз аксини топган. Авесто таълимотига кўра икки куч: яхшилик Ахура Мазда ва ёмонлик Ангра Манью мавжуд бўлиб, улар бир бирларига абадий муросасиздирлар. Яхшилик кучларига инсонларни юксак фазилатларига асосланиб доимо инсонга жисмоний, ахлоқий, ақлий, табиатни химоя қилиш, гўзалликка доир жуда кўп муаммолар мужассамлашган. Жумладан, зардушт муножотларида Яздондан ерда деҳқончилигу чорвачиликни ривожлантириш учун бандаларининг соғлом, бақувват бўлишини таъминлаши илтижо қилинган, яхши иш, яхши хулқ, яхши одат уларда барқарор бўлишини тилаган.

“Авесто”да оила гигиенаси, атроф-муҳитни, аҳоли яшайдиган жойларни тоза тутиш, кўча, ховли, сув ҳавзалари, ариқ ва чашмаларни ифлос қилмаслик ҳақида махсус боблар мавжуд. Чунончи, кўча эшиги ёнига ахлат тўплаб қўйган хонадон соҳибига жамоанинг ҳукми билан 25 дарра, ховуз ёки чашмадан нопок кўза ёки челақда сув олган шахсга 5 дарра урилган. Сувнинг устига уч марта ёмғир ёғиб ўтгач, у олдингидек одам ва ҳайвонлар ичадиган сувга айланади, деб ҳисобланган. Ерни ифлос қилган, уни асраш қоидаларини бузган шахслар 400 қамчи уриш жазосига маҳкум этилган.

“Авесто”да беморларни даволашнинг икки усули кўрсатилган. Ундаги оила, шахсий гигиена ҳамда қиз ва ўғил болаларни парваришлаш, тарбиялаш қоидалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шарқ мамлакатларида мактаб ва педогогик фикрларни ривожланиши.

Инсон ер юзидаги мукамал зот бўлиши учун аввало тарбияланиши лозим. Абу Лайс Самарқандий “Бўстонул-орифин” асарида тарбия ва тарбиялашнинг маъносини таърифлаб: “Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан олдин ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади”, деган эди. Ибн Сино ижодиётида ҳам бу ғоя алоҳида ўрин тутди. “Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил”, дейди аллома. Шарқ мутафаккирлари, педогог олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойиқ”, Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматлари, ибн Синонинг “Тадбир-ал-манозил”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқа асарларида фарзанд ота-онанинг бахти, унинг тўғри тарбияланиши эса ҳамманинг бахти, деган умумий хулоса чиқарилади.

Ўтмишдаги мутафаккирлар тарбия атамасининг маъносини, тарбиялашнинг мазмунини алоҳида баён қилмаган бўлсалар ҳам ўз асарларида тарбиянинг кирраларини ифодалаганлар. Масалан, ўз

замонасининг пешадам, билимдон алломаларидан бири Абу наср Фаробий тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг феъл-атвориға қараб “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усуллардан фойдаланиш керак, деб ҳисоблаган. У ахлоқни 2 гуруҳга бўлган: эзгулик-яхши ва ёвузлик ёки ёмон сифатларга ажратган. Абу Али Ибн Сино эса ўз асарларида ахлоқнинг муҳим масалаларини талқин этиб берган. Ўзбек халқининг улуғ мутафаккири Алишер Навоий тарбиянинг мақсади-ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга, хунарли киши қилиб етиштириш эканлигини илгари суради.

Резюме

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келамиз:
Тарбия-ижтимоий ходиса. У кишилиқ жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд.

Қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит ва бошқалар ўз фаолиятларида ёшларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш вазифаларига ҳам жиддий эътибор берганлар. Бу олим ва мутафаккирлар таълим-тарбия назариясини ишлаб чиқдилар. Юнонистонда педагогиканинг ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Халқимиз ўз тарихий ижтимоий тараққиёти мобайнида бой оғзаки ижодий мерос яратган. Халқ оғзаки ижодиётида таълим-тарбияга оид илғор педогогик фикрлар илгари сурилган.

Шарқ мутафаккирлари, педогог олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Уларнинг бу борадаги таълимотларидан бугунги кунда ҳам ёш авлодни тарбиялашдек маъсулиятли ва мураккаб жараёнда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Нима учун тарбия ижтимоий ходиса ҳисобланади?
2. Қадимги Юнонистоннинг илк кулдорлик тузуми даврида таълим-тарбия тизими қандай йўлга қўйилган?
3. Қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит ва бошқалар ўз таълимотларида ёшларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш масалаларига қандай эътибор берганлар?
4. Халқ оғзаки ижодиётида тарбия масалаларини қўйилиш тартиби.
5. Шарқ мутафаккирларининг педогогик фикрлари.

Глоссарий

1. Мусиқа мактаби - хусусий мактаб бўлиб, миза” сўзидан олинган, қадимги Юнонистонда “музи” - санъат, адабиёт ва фан худоси маъносида.
2. Гимнастик мактаби - палестра (кураш мактаби).
3. Гимназий мактаби - давлатга қарашли мактаб.
4. халқ оғзаки ижодиёти – ўтмишда ота-боболаримиз томонидан яратилган оғзаки мерос.

Адабиётлар

1.О. Ҳасанбоева, Ж. Ҳасанбоев, Ҳ. Ҳамидов. Педагогика тарихи. Т. Ўқитувчи. 1997.

1. А.Зуннунов, М. Хайруллаев, Б. Тўхлиев, н. Холматов. Педагогика тарихи. Т. Шарқ. 2000.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т. Ўқитувчи.1999.
3. И. Жумабоев. Ўрта Осиё этикаси тарихий очерклари. Т. 1980.
4. Ж. Ҳасанбоев, М. Усмонбоева педагогика назарияси. Т. 2002.

3-мавзу: Педагогика шахсни тарбиялаш ва такомиллаштириш тўғрисидаги фан сифатида.

Режа:

1. Педагогика тарбияшунослик фани эканлиги.
2. Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари.
3. Педагогиканинг методологик асоси.
4. Педагогик тушунчалар.
5. Педагогика фанининг тизими.
6. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари.

Таянч тушунчалар

Педагогика, педагогиканинг мақсади ва вазифаси, педагогиканинг методологик асослари, педагогик категориялар, педагогика фанлар тизими, педагогиканинг илмий тадқиқот методлари.

Педагогика тарбияшунослик фани эканлиги.

Инсонни ҳар тамонлама тарбиялаш инсониятни азалий орзуси бўлиб, аجدодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат инсонинг маърифатли ва маънавий комиллигига эришиш педагогика фанинг етакчилигида амалга оширилади.

Педагогика тарбия ҳақидаги фандир. “Педагогика” грекча сўз бўлиб, “пейдогогос”- “бола етакловчи” маъносини англатади. Инсонларни маънавий ва маърифий баркамолликка муносабатларининг ўзгариб бориши натижасида педагогика фани халқ орасида ўз мавқеига эга бўлди. Шу тариқа инсонни тарбияловчи-фан сифатида педагогика дунё фанлари тизими қаторида алоҳида ўрин эгаллади.

Педагогиканинг бош масаласи-тарбиядир. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни вояга етказишдир.

Педагогика комил инсонни тарбиялашда ҳаётий тажрибаларга суянган ҳолда юксак маънавий мафкурани шакллантирувчи қонун-қоида, тамойил ва усулларини ўргатувчи ходисалар доирасидаги фандир.

Педагогика фани ижтимоий фанлар тизимига кириб, ўзининг назарий, миллий ва амалий асосларига эга.

Педагогиканинг назарий асослари инсон камолотига қаратилган, халқ яратган бой тажриба, илмий тадқиқотга доир назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон маърифатпарвар мутафаккир олимларининг асарларига суянган ҳолда комил инсонни тарбиялаш, ўқитишнинг қонун-қоида ва тамойилларининг умумий қонуниятларига асосланади

Педагогиканинг миллий асоси таълим-тарбия муаммоларини ҳар бир миллатнинг миллий мероси билан бирга умумбашарий, умуминсоний қадриятлар билан боғланган ҳолда амалга оширишдир.

Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари.

Келажак бугундан бошланади – дейди доно халқимиз. Ёш авлодни келгуси ҳаёти уни инсон қилиб кўрсатувчи руҳий ва маънавий жараённинг қай мақсадга йўналтириб, келиб чиқадиган муҳим вазифаларни бажаришга боғлиқ. Педагогика фанининг мақсади тарбиячи-ўқитувчиларнинг онгли фаолиятида ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унинг ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, танланган восита ва усулларнинг қўлланиши натижасини кўра билиш каби тарбиячилик санъатини ўргатишга қаратилган.

Педагогика фанининг мақсад:

- Республикаимизда комил инсонни вояга етказишнинг бир бутун ҳолатдаги муаммоларини ҳал этиш;
- таълим-тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндошиш;
- умуминсоний қадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафкурани шакллантириб бориш имконини яратиш;

- педагогика - тарбияшунослик қоида-қонунларини илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва янги иш шакллари излашга тадбирлар белгилаш;
- бўлажак ўқитувчи ва тарбиячиларни вояга етказиш масалалари;
- узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш.

Педагогика фанининг вазифалари:

- Шарқ ва Ғарб халқ яратган халқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар, педогог ва олимларнинг тарбияшуносликка доир илғор ғояларини ўрганиб, таҳлил қилиб комил инсон тарбиялаш жараёнини ўрганиш;
- комил инсон таркиб топтиришнинг қонуният-қоида ва зарур сифатларини аниқлаш;
- педагогика – тарбияшуносликдаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги давр хусусий методикаси билан узвий муаммоларини ишлаб чиқиш ва янги педогогик технология қонунларига амал қилиш;
- таълим-тарбия назариясидаги қоида, қонун, тамойил, метод ва усулларни мактаб амалий ҳаёти билан боғлаб бўлажак ўқитувчиларга ўргатиш;
- халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур ўрганиб-бўлажак ўқитувчиларни қайта тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш.

Педагогиканинг методологик асоси.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб бориши ижтимоий-иқтисодий зарурият маҳсули сифатида турли фанлар билан қадим-қадим замонлардан боғлиқлигидир. Оллоҳ еру осмонни яратиб инсонни ер юзига ўзидан халифа этиб яратди. Ўзининг мавжудлиги ҳар бир ишга қодирлигини, илмда тенгсизлигини, меҳру-мурувватда бекиёслигини

31

билдирди. Исломда илм беришда бир бирига боғлиқ бўлган дин ва дунё ҳақида тушунча мавжуд, улар алоҳида тушунчалар эмаслиги исботланган. Дунёвий деб аталадиган илмларнинг барчаси Қуръони Карим таълимоти билан боғлиқдир. Шунини таъкидламоқ керакки педагогика фанининг методологик асоси диний ва дунёвий фанлар таркибида ривожланган. Қуръонда “Илм” сўзи турли ҳолларда 765 марта такрорланади. Ғарб файласуф олимлари ҳам Ислом фалсафасига суянган ҳолда ижод этганлар.

Қадимги Юнонистонда Сукрот, Аристотель, Платонлар идеяга асосланган ўзларининг инсон камолоти ва тарбия масалаларининг фалсафий негизини яратган.

Педагогика илмининг асосини яратишда Ҳадис, Қуръони Карим, яъни Ислом таълимоти катта роль ўйнайди.

Халқ оғзаки ва ёзма ижодиёти, халқ ёдгорлик обидалари, насихатнома, панднома ва васиятномаларда комил инсон тарбиялаш қонун-қоида ва усуллари акс этган.

Педагогика фанининг методологиясини яратишда қомусий мутафаккир ва педагогларнинг ўрни диққатга сазовардир. Ал-хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Рудакий, Фирдавсий, Алишер Навоий, чех олими Ян Амос Каменский, швейцариялик педагог Иоганн Генрих Песталоцци, немис педагоги Адольф Дистерверг, рус педагоги К. Д. Ушинский кабилар ўз

ижодиётларида педагогиканинг методологик асосини яратиб, комил инсон тарбиялашдаги қонуниятларни асосладилар. Янгича шарқона педагогиканинг методологияси ўтмиш аждодларимизнинг баркамол инсон тарбиясидаги ғоя ва таълимотларини ўрганиб, унга суянган ҳолда миллий истиқлол мафкурасини мустаҳкамлаш ва унга амал қилишдир. Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил усул ва воситалари, умуман, ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар янгича асосга эга бўлиши керак.

Президентимиз И. А. Каримов бу борада шундай деган эди:

“Ўзбекистоннинг янгиланиш ва ривожланиш йўли тўртта асосий негизга асосланади: - умуминсоний қадриятларга содиқли

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик.”

Ўзбекистонда мустақилликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашда педагогика фани методология асослари унга бевосита боғланган ҳолда ҳар бир педагогик масалаларга ижодий, ривожлантирувчи нуқтаи назардан ёндашиш зарурдир.

Педагогик тушунчалар.

Педагогика фанида бир бирига узвий боғланган қуйидаги тушунчалар мавжуд: Тарбия, таълим, маълумот. Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ҳодисадир. Тарбия жисмоний баркамоллик, яхшини ёмондан фарқлаш, юксак инсоний фазилатларни шакллантириш қудратига эгадир. Тарбия кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида ривожланиб, ўсиб авлоддан авлодга ворислик вазифасини бажарган, лекин ҳар бир жамиятда тарбиянинг мақсади, вазифаси, мазмуни ўзига хослиги билан фарқ қилади.

Халқ иқтисодий, сиёсий ва маънавий заруриятидан келиб чиқиб ёш авлодни тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, ёзма ёдгорликлари, пандномаларда, маърифатпарварларнинг асарларида бош мавзу бўлиб комил инсон учун зарурий ҳодиса сифатида талқин этилган. Халқ оғзаки ижодиётида тарбия бош масала сифатида тавсифланган. Тарбия ва одоб, ватанга чексиз муҳаббат, адолат, инсоф, адолатсизлик, ботирлик, кўрқоқлик, меҳнатсеварлик, билимдонлик каби ғоялар тарбия воситаси ҳамдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллий педагогика фанида тарбия-инсон муаммолари, аждодларимиз ғояларига суяниб, қуйидаги қонунларга асосланиши зарур деб ҳисобланади:

- тарбия инсон фаолияти жараёнида тартибли таъсир этувчи маҳсул бўлиб, натижасини инсоннинг яшаб турган ижтимоий шароити белгилайди;
- инсон камолотининг характерловчи куч ўртасидаги қарама-қаршиликларни мавжудлиги унинг шахсий ҳаётида намоён бўлади;
- инсон фаолияти жараёнида атрофдаги нарса ва ҳодисаларга қизиқишини уйғотиш ва уни эътиқодга айлантириш;
- тарбия жараёни ёшларни катталар билан, катталарни ёшлар билан қонуний муносабати натижасида амалга оширилади.

Таълим тарбия бир бирига узвий боғланган жараён бўлганлиги сабабли тарбияланган комил инсоннинг ақлий камолотига тартибли таъсир кўрсатиш орқали билимли, баркамол инсон бўлиб вояга етади. Таълим инсон ақлий камолотини юзага чиқарувчи педагогика-тарбияшуносликнинг бир қисмидир. Педагогиканинг дидактика қисми уни атрофлича ўрганади.

Педагогик маълумот ўрта ва олий даражали бўлиб, ўрта маълумот махсус академик лицей педагогик коллежларда босқичли шаклда берилади. Натижада ўрта маълумот ҳақидаги ўқиш даврида олган мутахассислиги ҳақида гувоҳнома берилади. Олий педагогик маълумотли мутахассислар университетларда, педагогика институтларида, бакалаврият ва магистратура босқичларида тайёрланади.

Педагогика фанининг тизими.

Педагогика фани комил инсонда жаҳон тажрибаларида синалган тизим бўлган бозор муносабатларини шакллантириш, миллий мерос, анъаналар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бой манбаалари бўлган маънавий-маърифий тушунчалар ҳақида билим, малака ҳосил қилишда педагогиканинг кўп фанлар билан алоқадорлиги билан улуғдир.

Педагогика фанлар тизимида этнопедагогика, мактабгача таълим педагогикаси, мактаб педагогикаси, ахлоқ тузатиш ва меҳнат педагогикаси, жисмоний камолот педагогикаси, харбий педагогика, махсус педагогика, кар, соқов (сурдо) педагогика, кўрлар (тифло) педагогика, ақлий жиҳатдан орқада қолган (олигофрено) педагогика, педагогик

махорат киради.

Педагогика фани инсон тарбияси билан шуғулланганлаги сабабли унга ҳамма фанлар кўмаклашиши табиийдир. Инсон тарбиясининг қайси соҳасини олиб кўрсангиз, у қайсидир фан билан алоқадорликда амалга оширилади, ўша фanning қонуниятларига суянади.

Педагогиканинг методик асоси, билим назарияси ва тарбиядаги қонуниятлари бевосита фалсафа фанининг таъсирида амалга оширилади. Бундан ташқари этика, эстетика, экология фанлари билан чамбарчас боғлиқдир. Педагогика фанидаги халқ таълими ва болаларни даврларга бўлиш тизимини асослашда анатомия, физиология, мактаб гигиенаси, каби фанларнинг ўрни каттадир. Педагогика илмий тадқиқот методларини такомиллаштиришда математика, физика, ЭҲМ каби фанлар билан боғланади.

Мустақил Ўзбекистонда миллий педагогика бевосита иқтисод фани билан боғланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини, иқтисодий тарбия масалаларини узвийлик билан амалга оширилади.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари.

Педагогика фанининг тарихий тараққиёти ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантирувчи ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор. Педагогик муаммоларни ҳал қилишда турли-туман тадқиқот методлари мавжуд. Метод латинча-mitodos-йўл сўзидан олинган. Илмий тадқиқот эса шу метод орқали назарий, сиёсий, илмий, миллий ва ижтимоий ҳаёт ходисаларини билиш мақсадида хизмат қилади. Илмий-педагогик тадқиқот

методларидан бирор педагогик муаммони ҳал қилиш мақсадида талаба, ўқитувчи-тарбиячи, аспирант-тадқиқотчи ва илмий ходимлар фойдаланадилар. Илмий изланишнинг дастлабки дебочаси адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилишдан бошланади.

Адабиётларни ўрганиш методи. Адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний кадриятларни акс эттирувчи, мутафаккир ва маърифатпарвар педагог олимларнинг асарлари, Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маънавиятига доир адабиётлар, Ўзбекистон юртбошиси И. А. Каримов асарлари, тадқиқот мавзусига доир дарслик, монография, рисола ва мақолалар, тадқиқот мавзусига доир педагогик-психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади.

Кузатиш методи. Кузатиш адабиётларни ўрганишдан кейин бошланади. Кузатишда тадқиқотчи бирор мақсадни кўзда тутиб ташкил этади. Кузатиш режалаштирилади, унинг дастури тузилади. Бунда кузатиш тезлиги, сони, манзили, вақти, вазиятни кузатиш, материалларни қайд қилиш муддати белгиланади. Кузатиш муддатига кўра икки турга ажратилади: қисқа ва узок муддатли кузатиш. Қисқа кузатиш объектнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришлардан маълум хулосага келиш. Узок муддатли кузатиш қўйилган мақсад, режа ва дастур асосида олиб борилиб, маълум илмий, якуний хулосага келинади. Кузатишнинг якуний қайд қилишда киносьёмка, видео ёзуви, телевидения ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Суҳбат методи. Тадқиқот мавзусининг бирор томони ёки ходисалари ҳақида билиб олиш мақсадида маълум маъсул шахслар билан оғзаки саволлар бериб, улардан ахборот олиш жараёнидир. Сўроқлар мавзу доирасида, мантиқан, мазмунли, тартибли, аниқ ифодасига эга бўлиши лозим ва уни тўғри ёки нотўғрилигига қараб жадвал тузиб натижаси аниқланади. Суҳбат методи жараёнида интервью олиш ҳам мумкин. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит ленталарига ёзиб борилади ва таҳлил этилади. Ёзма жавобларни оммавий равишда йиғиб олиш методи анкета методи деб аталади. Тадқиқот натижаларини ишончилиги анкеталар мазмунига, берилган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади.

Педагогик эксперимент. Бу метод ёрдамида илмий гипотезаларнинг ишончилиги текширилади, педагогика тизимларининг айрим элементлари ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатлар аниқланади. Табиий эксперимент ва лаборатория эксперименти педагогик экспериментнинг асосий турлари ҳисобланиб, улар кўпгина турларга бўлинади.

Табиий эксперимент шароитида янги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар ва бошқалар одатдаги ўқув режимини бузмай туриб текширилади. Педагогик эксперимент бу ҳам кузатиш, лекин у педагогик жараёнинг ўтиш шароитларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан махсус ташкил этилган бўлади. Педагогик жараёни аниқроқ ўрганиш учун экспериментатор ўзи ташкил этган жараёни кузатади. У педагогик жараёнга аралашади, тарбияланувчилар билан тарбиячи фаолиятининг муайян шароитларини яратади. Педагогик эксперимент дастлабки

маълумотларини, аниқ шароитларни ва ўқитиш усулларини ёки тадқиқ қилинадиган материалларни аниқ белгилашни, шунингдек эксперимент натижаларини ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб этади.

Лаборатория педагогик эксперимент илмий тадқиқотнинг анча қатъий шаклидир. Жуда кенг педагогик контекстдан унинг муайян томони ажратиб олинади, натижаларни аниқ текшириб боришга ва ўзгарувчан катталиклар ўрнини алмаштиришга имкон берадиган сунъий шароит яратилади.

Қуйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари ҳисобланади: Экспериментни ривожлантириш, эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш.

Ривожлантириш эксперимент мақсади ва вазифасини белгилаш, эксперимент натижасига таъсир этувчи омиллар ва улар даражасининг миқдорини аниқлашни, керакли кузатишлар сони, эксперимент ўтказиш тартиби, олинган натижаларни текшириш методларини ўз ичига олади.

Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган режага қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши керак. Шарҳлаш босқичида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади. Эксперимент ўтказиш ишончлилик тамойилига жавоб бериши учун қуйидаги шартларга риоя қилиши керак:

1. Текширувчилар сони ва миқдорининг оптимал бўлиши;
2. Тадқиқот методларини ишончли бўлиши;
3. Фарқларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини ҳисобга олиш.

Турли методларнинг ўзаро қўшиб олиб борилиши педагогик тадқиқотларнинг самарадорлигини ва сифатини оширишга имкон беради. Бунга математика методларининг ҳамда ҳисоблаш-ечиш қурилмалари ёрдамида эксперимент натижаларининг педагогикага кириб келиши ҳам ёрдамлашади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш методи – педагогика ходисалари ва фактларини текширишда мактаб ҳужжатларини мукаммал ва чуқур ўрганмоқ лозим. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда таълим қонунига амал қилинмоғи лозим. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги ва мустақиллигини, иқтидорлилигини ҳамда илғор педагогик тажрибаларнинг умумлаштирилиши ва жорий этилишини кўрсатган тақдирдагина тўлиқ қийматга эга бўлади.

Болалар ижодини ўрганиш методи – мактаб ўқувчилари ижодини ҳамда уларнинг турли туман ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали методларидан биридир. Иқтидорли ўқувчилар ақлий қобилиятлари, олижаноб ахлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва қизиқувчанликлари билан ажралиб туради. Таълим қонунига ва миллий дастурида педагогика фани болалар ижодининг манбаалари ва факторларини чуқур билишга ҳамда уларни янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб беришга қаратилган.

Статистика маълумотларини анализ ва синтез қилиш методи – педагогик тадқиқотга керакли статистика маълумотларини маълум бир

мақсад билан системали ўрганиш мустақил Ўзбекистонда фан, маданият, таълим-тарбияни тараққий этишига салмоқли хисса қўшади.

Анкета методи – ўқувчилардан сўраш усули бўлиб, у ўқувчилар жамоасининг маълумотлари тўғрисидаги керакли маълумотларни олиш учун уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш учун ва касбга йўллашни белгилаш учун махсус формада ишланган бўлмоғи лозим. Анкетада кўзланган мақсадга мувофиқ саволлари бўлиб, уларни жавобларидан педагогик натижалар келиб чиқмоғи лозим.

Ҳисоблаш математикаси ва кибернетика методлари – ҳозирги замон саноат ишлаб чиқариши фани ва техникасининг талаб ҳамда манфаатлари турмушда синалган техника воситаларини, ҳисоблаш математикаси ва кибернетика усуллари мақтаб ишида ва педагогикада қўлланишини талаб қилади. Педагогик кибернетика ўқув процесидида ўқитиш, билим бериш жараёнини бошқаришнинг алоҳида формаси сифатида ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун педагогик жараён билан ишлаб чиқиш жараёнларини автоматлаштириш ўртасида катта фарқ бор.

Педагогик тадқиқотлардан кино, овоз техникаси, фото, телевидение сингари техника воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Улар ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини активлаштиришга ёрдам беради. Болалар учун қўшимча рағбатлантириш омилларини ҳосил қилади. Булар ўқитувчилар меҳнатини маълум мақсадда енгиллаштиради. Кўрсатилган воситаларнинг ҳар бири болаларнинг ёшини, ўқув фани ва педагогик жараёни мукамаллаштиради.

Миллий дастурни мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичларида янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимни талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиш ва барқарор ривожлантиришининг кафолатларини устиворлигини таъминловчи норматив, моддий техника ва ахборот базасини яратиш педагогик тадқиқотни асосини ташкил этади.

Резюме

Келажак бугундан бошланади – дейди доно халқимиз. Ёш авлодни келгуси ҳаёти уни инсон қилиб кўрсатувчи руҳий ва маънавий жараённинг қай мақсадга йўналтириб, келиб чиқадиган муҳим вазифаларни бажаришга боғлиқ. Педагогика фанининг мақсади тарбиячи-ўқитувчиларнинг онгли фаолиятида ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унинг ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, танланган восита ва усулларнинг қўлланиши натижасини кўра билиш каби тарбиячилик санъатини ўргатишга қаратилган.

Педагогика фанида бир бирига узвий боғланган қуйидаги тушунчалар мавжуд: Тарбия, таълим, маълумот. Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ходисадир.

Педагогика фанининг тарихий тараққиёти ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантирувчи ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор. Педагогик муаммоларни ҳал қилишда турли-туман тадқиқот методлари мавжуд. Илмий тадқиқот эса шу метод орқали назарий, сиёсий, илмий, миллий ва ижтимоий ҳаёт ходисаларини билиш мақсадида хизмат қилади. Илмий-педагогик тадқиқот методларидан бирор педагогик муаммони ҳал қилиш мақсадида талаба, ўқитувчи-тарбиячи, аспирант-тадқиқотчи ва илмий ходимлар фойдаланадилар.

Назорат учун саволлар.

1. Педагогика фани яратилишидаги зарурият, сабаблар қайсилар?
2. Педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини шарҳлаб беринг?
3. Педагогик тушунчалар, уларни моҳияти нимада?
4. Педагогик тадқиқотнинг асосий методларини айтиб беринг?
5. Педагогикага доир адабиётлар рўйхатини тузинг?

Глоссарий

“Педагогика” грекча сўз бўлиб, “пейдогогос”- “бола етакловчи” маъносини англатади.

Метод латинча-mitodos-йўл сўзидан олинган.

Адабиётлар

1. И. А. Каримов “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. “Шарқ” 1998й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим” Қонуни. Т. 1997й.
3. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т. 1997й.
4. Педагогика. Проф. А. Мунавваровнинг “Педагогика курси”. Дарслик. “Ўқитувчи” 1996й.
5. И. Турсунов, У. Нишоналиев “Педагогика курси” Дарслик. “Ўқитувчи” 1996й.
6. О. Хасанбоева ва бошқалар. “Педагогика тарихи” ўқув қўлланма. “Ўқитувчи” 1997й.

4-МАВЗУ: Тарбия жараёнининг моҳияти, унинг асосий қонуниятлари. Тарбиянинг тамойиллари ва методлари

Режа:

1. Тарбия шахсни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос жараён сифатидаги моҳияти, хусусиятлари ва қонуниятлари.
2. Тарбиянинг асосий босқичлари ва тамойиллари.
3. Тарбия методлари ва воситалари ҳақидаги тушунчалар.
4. Педагогика фанида тарбия методларининг классификацияси.
5. Тарбияловчи жамоа тушунчаси, жамоа тузилиши ва унинг ривожланишининг асосий босқичлари.

Таянч тушунчалар:

Тарбия жараёни, тарбия қонуниятлари, тарбия тамойиллари, тарбия усуллари.

Тарбия жараёнининг моҳияти нимадан иборат? Бу оддий савол бўлибгина қолмай, педагогика ривожланиши шу вақтга қадар ушбу муаммони ечиш юзасидан кўпгина қийинчиликларни юзага келтирди. Аввало

шу нарсани билиб олиш лозимки, тарбия тушунчаси ҳар хил мавзуда қўлланиши лозим. Масалан тарбия деганда, ёш авлоднинг келажак ҳаётга тайёрлаш деб тушунилади. лекин, бу тайёрлаш махсус ташкил қилинган тарбия фаолиятлари билан амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга улар ўз тажрибаларини катталар билан бўлган мулоқатлари давомида ошириб боришлари мумкин. Тарбия тушунчаси ҳар хил маънода қўлланиши мумкин. Бу ҳар хиллик ҳақида гапирилганда аниқ билинади: Атроф – муҳит тарбияси, маиший тарбия ва мактаб тарбияси.

Тарбияни моҳияти нимадан иборатки, агар моҳиятини алоҳида ташкил этилган ва ақлий ташкил этилган педагогик фаолиятдан иборат бўлса. қачонки гап махсус ташкил этилган тарбия тўғрисида борганда бу тарбия фаолияти маълум таъсирларни бирлаштиради, қайсики инсон шаклланишига таъсир этади.

Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ ташкиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёнида онги шаклланади, ҳис ва туйғулар ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарар бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган ҳулкий одатларни ҳосил қиладди.

Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолияти педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнда бола ташқаридан келадиган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёжи ва ҳоҳишларини ифода қилади. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотларига қараганда шахсга ташқи омиллар ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий таъсир, боланинг уларга муносабати боғлиқлигини кўрсатади. Боланинг шахсий тажрибаси ва эҳтиёжлари ташқи таъсирга муносабати белгилаб беради ва унинг ҳулкига таъсир этади. Шунинг учун бола фаолиятини уюштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Тўғри тарбиялаш учун тарбияланувчининг бу фаолиятига нисбатан қалбидан пайдо бўладиган муносабатни, турли хил кечинмаларни қандай англашни, баҳолашни, ҳис қилишни ҳамда улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олганлигини билиш зарур. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, буларнинг барчаси турли кишилар билан бу ҳил алоқа ва муносабатлар мураккаблашиб боради ва бола шахсини камолатга етишида ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган ҳулкий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига (таълим жараёни асосида), ҳиссиётига (дарсда ва турли синфдан ташқари ишларда) ва иродасига (фаолиятни уюштириш, ҳулкини идора қилиш жараёнида) системали ва мунтазаам таъсир этиб борилади. Ўқувчини тарбиялашда буларнинг биронтаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) эътибордан четда қолса мақсадга эришиш қийинлашади. Шунинг учун тарбия жараёни кўп қиррали ва мураккаб жараён деб юритилади.

Мактабдаги тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга ўқитувчи, тарбиячи раҳнамалик қиладди ва тарбиянинг

айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Ўқувчиларнинг ушбу фаолиятга жамоа ва ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратди.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш шва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборатдир.

Масалан, ўқувчининг баодоблиги, етуклиги билан унга қўйиладиган талаб ўртасидаги фарқ тарбиячи ва жамоа таъсирига шахснинг ўз позицияси, яъни муносабатти тарбия жараёнининг ички қарама-қаршиликдир. Яна шуни эътиборга олиш керакки, тарбияда тарбияланувчининг тарбияланган даражасини ҳам эътироф этиш лозим. Бордию, бу масала унутилиб қўйилса, тарбия жараёнида Яна қарама-қаршиликлар вужудга келади. Масалан, болаларнинг фаолиятида актив иштирок этишларини таъминлаш учун шу фаолият нима учун, қайси мақсада, қанча муддатда бажарилишини уларнинг онгига етказиш, бажариш усули ва натижасини ҳисобга олишда эса ўзларига ҳавола қилиш маъқулроқ. Бордию, яхши фаолият тури тавсия қилинганда уларнинг онглилийлик ва ишни бажаришга тайёргарлик даражаси ҳисобга олинмаса, уни бажариш истаги ўйғотилмаса, тарбиячининг уринишлари бефойда бўлади, ўқувчилар пассив, беҳафсала бўлиб қолаверадилар.

Тарбия усулларида ҳар томонлама шахсни шакллантириш мақсадида бола онги, хис туйғулари, иродаси ва муносабатлар системасига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак.

Тарбия усуллари ҳам маълум бир элементларга бўлиниб тарбия усуллари деб юритилади. Масалан, ўқитувчи ўқувчига бирон бир вазифани топширди. Ўз навбатида бу вазифани бажариш учун кўрсатмалар беради. Бу кўрсатмалар ва тушунтириш махсус ҳолда методик усул сифатида намоён бўлади. Тарбия усуллари ва воситалари ўзаро мустаҳкам боғлиқдир. Тарбия усуллари болага таъсир кўрсатишдан иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб ўқитувчи тарбиячи фаолияти билан ўқувчи фаолиятини бирлаштиради.

Боланинг тарбиявий таъсирига актив тайёр бўлишига эришиш учун буни муайян шароитга қўйиш, унинг актив фаолиятини ташкил этиш лозим. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мувофиқ ташкил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб юритилади. Болалар билан тарбиявий ишда фойдаланилган воситалар бунда телевидение, радио, китоблар болалар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади.

Ўқитувчининг жонли нутқи, болаларнинг ўйинлари, жамоатчилик, ҳавоскорлик тўғараклари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун уларни албатта мураббий ўқитувчи ишининг муайян системасига киритиш керак. Тарбия натижасида тарбиявий жараёни ташкил этиш усуллари воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқ. Тарбия усулларида қўллаш самарадорлиги шунингдек, тарбиячи тарбиянинг қонуниятлари ва ҳаракатланувчи кучлари билан боланинг шахсий

хусусиятлари ва тарбияланганлик даражаси билан бола яшаётган конкрет педагогик вазиятнинг табиати билан қанчалик ҳисобланишга боғлиқ. Тарбия усулини тадбиқ этиш муайян ёшдаги бола фаолиятига мос келса мувоффақиятли бўлади.

Тарбиянинг умумий усуллари асосан 4 гуруҳга бўлинади.

1. Ижтимоий онгни шакллантириш усули.
2. Ижтимоий ахлоқни шакиллантириш усули.
3. Рағбатлантириш усули.
4. Ўз-ўзини тарбиялаш.

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари ўқувчиларнинг лонгли, ҳис туйғуси ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усулларини ўз ичига олади. Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари тушунтириш, ҳикоя ва суҳбат, суҳбат ва ўрнатқисмлардан иборатдир.

Тушунтириш – бу қуйи синф ўқувчиларида эътиқот ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган усулидир. Тушунтириш усулидан кўзланган мақсад болага ҳатти ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга у ёки бу талабаларнинг маънавий, эстетик, мазмунини очиб бериш, унга ҳулқ атворга ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборатдир.

Ҳикоя ва суҳбат ўқитувчининг жонли сўзи асосида бола шахсини ғоявий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан усули бўлиши керак ва шундай бўлиб қолади. Ҳикоя қилинадиган мавзу синф ўқувчилари учун актуал, болаларни маънавий ишонч, ижтимоий ҳис туйғулар вужудга келтиришга олиб келиши керак. Масалан, ўқитувчи бошқа синф жамоаси металл йиғишда ёрдам берганлигимароқ билан гапириб берса, бунинг самарадорлиги болаларнинг қандай қулоқ солишига қараб тешириш мумкин. Агар болалар «Биз ҳам металл теришда ёрдам берамиз»-деган умумий истак билдирса, демак, ўқитувчининг ҳикояси болалар онгига етиб борган ва бунга жавобан бирон мақсад йўлида фаолият кўрсатишга тайёргарлик туйғусини келтириб чиқаради.

Суҳбат ҳилма-ҳил мавзуларда олиб борилади, этик, яъни инсонни турмиш-йориши, эстетик, атрофдаги воқеалар, ҳулқ атвор гўзаллиги, сиёсий давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, билим берувчи ўқитувчи ўқувчиларни билим доирасини кенгайтириш ва бошқа мавзуларда олиб борилади. Суҳбат вақтида ўқитувчилар пассив тингловчилар эмас, балки муҳокама қилаётган актив иштирокчиларга айланади. Суҳбат вақтида ўқитувчи, тарбиячилар ўқитувчиларни тажрибасига, уларнинг билимига таяниши лозим. Ўтказилаётган суҳбат шахс учун аҳамиятини ҳисобга олиш зарурдир. Янги материалларни танлаш, ўқувчиларни ўйлашга, мазкур масала бўйича ўз билимларини оширишга ёрдам беради. Ўқитувчининг ўзи қанчалик кам гапирса, болалар дунёсига шунчалик яхшироқ кириб бориши, улар билан ажабланиши, қувониши лозим, шунда суҳбат мувоффақиятли олиб борилади.

Суҳбат натижасида қабул қилинган ахлоқий норма кейинчалик болалар ҳулқ-атвори ва фаолиятида амалга оширилиши лозим. Масалан, халқ бойлигини сақлаш мавзусидаги суҳбатдан сўнг синфни тозалаш, китобларни

ямаш, ёш болаларга муносабатлар тўғрисидаги суҳбатдан сўнг боғча болалари учун ҳар хил ўйинчоқлар тайёрлаш тўғрисида топшириқ берилади ва кейинги даврга мўлжалланган топшириқлар бериш имконияти туғилади.

Кичик ўқувчи катта бўлишга интилар экан, катталар ҳурмат қиладиган кишилардан ўзига наъмуна қилиб олади, уларга таклиф қиладди. Таклиф қилишга мойиллик кўп сабаблар билан изоҳланади. Чунончи болаларнинг ҳаётий тажрибаси ҳали кам, барқарор ҳулқ атвор кўникмасийўқлигидадир. Болаларнинг активлиги тақлид характериға эға. Бола катталар тажрибасини ўзлаштира борар экан, кўпинча ўзи ҳурмат қиладиган, ўзига ёқтирадиган кишиларнинг ҳулқ атвори образларида фойдаланади, улардан нусха кўчиради. Тақлид ўсмирларда бир мунча танлаш характериға эға. Уларни бошқа кишиларнинг характеридаги маълум ҳислатлар жалб қиладди.

Ёшликдаги тақлид ва иштиёқ доираси наъмуналар ёрдамида кенгайиб боради. Тақлид қилиш учун ижобий наъмуналар танлашда ахлоқий, ғоявий, сиёсий омилларнинг аҳамияти каттадир. Болалар ва ўсмирларнинг тақлид қилишга мойиллиги кўпинча бўлмағир одатларни ҳам ўзлаштириш имкониятини беради. Баъзан болаларни мактаб тартибини бузувчилар, уларнинг кўполлиги, соҳта жасурлигини жалб қиладди. Бундай ўқувчилар интизомсиз ва яхши уюштирилган синфда йўлбошчи ролини ўйнашади. Болани бўлмағир, ёмон наъмунадан ажратиб қўйиш, ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Бундай тарбия билан кўпинча мақсадға эришиб бўлмайди. Ота оналар ва ўқитувчилар болага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўртоқлари билан алоқа қилишни тақиқласа бу аксинча боланинг ҳалиги болалар бирға бўлиш истагини янада кучайтиради. Ёнг муҳими ёмон таъсирға ижобий наъмунани қарама-қарши қўйиш, оилада ва мактабда болалар турмуш унга зерикарли, мазмунсиз, мажбурий бир нарса бўлиб туюлмасин.

Тарбияланувчининг бўладиган муҳитға ҳам имкони борища ижобий таъсир кўрсатмоғи лозим. Тарбияда бола тақлид қилиши ап нусха кўчириш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ҳар бир шахсинг ўзига хос тарзда алоҳида такрорланмайдиган шахс бўли буйғонишға эришмоқ керак. Наъмуна онглийликни, ижобий фаоллик ва мустақилликни рағбатлантириб тургандагина бунға эришса бўлади. Кичик ёшдаги ўқувчилар учун оилада ота-она, ака-ука, севимли ўқитувчи наъмуна бўла олиши мумкин.

Рағбатлантириш услуги бирион-бир омилнинг болага таъсирини кучайтириш ҳамда тарбияланувчининг шахсини, хатти-ҳаракатларини активлаштириш мақсадида қўлланади. Рағбатлантириш ҳаракат қилиш, илҳомлаштиришдан иборатдир. Тарбиячининг талаби рағбат ролини ўйнаши мумкин. Тарбиявий ишларнинг формаси ҳар қайси боланинг хусусиятиға қараб ўзгаради. Бола эслатиш ишора қилишғагина кифоя бўлади. Бошқачасиға эса кескинроқ талаб қўймоқ лозим. Истиқболға доир талаблар бола фаолиятини активлаштиради, бундай талаб шод хуррамлик билан кутиш кайфиятини туғдиради. Рағбатлантириш усуллари орасида мусобақа ката ўрин тутади. Мактаб ҳаётида мусобақа ишларини оммавийлаштириш муҳимдир. Мусобақанинг моҳияти қоқоқлари илғорлар даражасиға етказиш,

ишнинг умумий юксалишига эришишдир. Мусобақа ҳар бир боланинг имкониятларини кўра олиш ва баҳолашда, олға ҳаракат қилишда, куч етадиган истиқболни белгилашда ирода ва характерни тарбиялашда тарбиячи ёрдам беради.

Бошланғич синф ўқитувчиси учун мактабда ўқувчилар ишининг қайси йўналишлари бўйича мусобақалашиш ва қайсилари бўйича мусобақалашмаслик лозим деган масала муҳимдир.

Рағбатлантириш болага шундай таъсир кўрсатишки, бунда тарбиячи алоҳида бир ўқувчининг хатти-ҳаракатига, ҳулқ-атвориға эътибор ижобий баҳо беришдир. Жамоа талабларининг бажарилишини Рағбатлантириш учу насос деб ҳисоблаш керак. Рағбатлантириш бола яшаётган ва ишлаётган жамовнинг ундан мазмунлигини кўрсатади.

Жамоа тўғри ҳулқ атвор кўникмаларини мустаҳкамлаши ва салбий кўникмаларға барҳам бериши мумкин. Рағбатлантириш боланинг такомиллашувига, ҳулқ атвор ва хатти-ҳаракат бобида қандай йўл тутиш кераклигини англаб олишға имкон беради. Ўқувчини қандай ва нима билан рағбатлантиришни ўқитувчи билмоғи лозим.

Масалан, ўқув йили охирида яқун ясалди. Бу баҳолаш нимаға асосланиши керак, ўқиш натижасиға ёки ўқувчининг ўқув меҳнатға муносабатими? Бир ўқувчида ўқиш натижаси қунт ва қўнимсизлик оқибати эмас, балки қобилият туфайли бўлиши мумкин, бошқасида эса юқори кўрсаткичларға эмас, аммо у ишға яхши муносабатлари, қўнимлилиги, ишни пишиқ қилиши, интизомлилиги ва уюшқоқлиги билан бошқаларға наъмуна бўлади. Истиқболни тасвирлаш бола фаолиятини яратиб, қўйган мақсадға эришиш учун бутун қучни сарфлашға ёрдам беради.

Истиқболни тасвирлаш ҳар бир боланинг ривожланиши учун ҳам, жамоа учун ҳам зарур.

Рағбатлантириш усуллари орасида мусобақа ката ўрин тутати. Мусобақани асосий вазифаси қолоқларни фаоллаштириш, ишнинг умумий юксалишини ташкил этиш. Мусобақа тарбиячи ўқитувчи ҳар бир боланинг имкониятларини кўриш ва баҳолаш имкониятини беради. Ўқиш фаолиятидан ташқари мактабда фаолиятнинг барча турлари бўйича мусобақалашиши керак. Чунки ўқиш натижалари болаларнинг қуч-ғайрат сарфланишиға имкон беради.

Мақтов.

Мақтов ва жазо рағбатлантириш усулидир. Мақтов тарбиянинг алоҳида олинган шахс ҳулқ-атвориға ижобий баҳо беришидир. Бола тарбияланишида мақтовнинг ўрни муҳумдир. Жамоа ўзининг у ёки бу аъзосини рағбатлантириш боланинг ижобий ҳулқ атворини ёки айрим хатти – ҳаракатларни мустаҳкамлайди. Мақтов болани ижобий ҳислатларини таркиб топтиришда ёрдам беради. Лекин мақтов ҳам бола ҳиссий ривожланишини тезлаштириб юборади, унда манманлик, хотиржамлик туйғуларини келтирб чиқаради.

Жазолаш.

Жамоа боланинг ахлоқидан унинг ишга муносабатидан муомиласидан мамнун бўлмаса, болага ўз хулқини тузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун жазолаш усулларида фойдаланади. Мақтов сингари жазо ҳам боланинг хулқ атворини йўлга солиб туради, ҳамда унинг ўзини ноқулай сезишга, уялишга мажбур қилади.

Бошланғия синф ўқувчисининг хулқ-атвори ва характерини йўлга солиб туриш Айниқса муҳимдир. Бунда бевосита дарсда ёки жамоатчилик топшириқларини бажариш вақтида маъқуллаш ёки танбеҳ бериш йўли билан эришиш мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари.

Тарбия жараёнида бола ўз-ўзини тарбиялаш, яъни ўз устида ишлаш, онгли иш олиб боргандагина тарбияни самарали деб айтиш мумкин.

Бола ўз-ўзини тарбиялаш белгилари у истикболиги яратишга интилиши, ҳаётда маълум бир мустақиллика интилишида намоён бўлади. Ўз – ўзини тарбиялаш кичик ёшдаги болаларда активроқ амалга ошириш мумкин. Улар ўзида ирода, тиришқоқлик, интизомни тарбиялайди. Ўз-ўзини тарбиялаш болаларнинг ўз олдига муайян вазифани қўя олишини, уни бажаришга ички иштиёқ бўлишини, бажариш жараёнида шу вазифани бажариш зарурлигини англашни, нима қилганлиги ва нималар қилинмаганлиги ёки ёмон қилинганлиги ҳақида ҳисобот беришни, ўзи назорат қилишни ва қўйилган вазифаларни бажариш натижаларига баҳо беришни ўз ичига олади. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсий мажбурият, ўз иши ҳақи ҳисобот, ўз ҳаракатини таҳлил қилиш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзига ўзи баҳо бериш усулларида бўйсунди.

Резюме:

Ўқитиш - тизимли таълим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Ўқитишга педагогик жараённинг характерли хусусияти сифатида икки томонлилик (ўқитиш ва ўргатиш) , шахсни баркамол ривожлантиришга йўналтириш ва бошқалар хосдир. Бироқ, ўқитишгагина хос хусусиятлар борки, бу – ўқитиш ўқитувчи томонидан бошқарилувчи ўзига хос англаш жараёнидир. Ўқитувчининг айнан йўналтирувчилик роли ўқувчилар томонидан уларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштиришларида ифодаланади.

Бироқ, уларга билим, кўникма ва малакаларни жисмоний буюм орқали оддийгина етказиб бўлмайди. Уларнинг ўқувчи миёсида вужудга келиши фақат инсоннинг фаоллиги натижасида юз беради. Уларни тайёр қабул қилиб бўлмайди, балки ўқувчилар томонидан тафаккури ривожланиши орқали юзага келтирамиз.

Демак, «ўқувчи-ўқитувчи» муносабати “узатувчи-қабул қилувчи” механик муносабати каби вужудга келтириб бўлмайди. Таълим яхлит тизимга асосланиб амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбия жараёни нима.
2. Тарбия жараёнининг мураккаблиги нимада.
3. Тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучларини айтиб Беринг.
4. Тарбия тамойиллари.
5. Уларнинг тавсифи
6. Тарбия усуллари турларини санаб беринг.
7. Онгли интизомни шакллантирувчи усуллар қайсилар.
8. Рағбатлантирувчи усуллар қандай вазифани бажаради.

Глоссарий:

Тарбия - шахсни мақсадга мувофиқ ташкиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради.

Тарбия жараёнида- онг шаклланади, ҳис ва туйғулар ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарар бўлган ва ижтимоий алоқаларга ҳизмат қиладиган ҳулқий одатларни ҳосил қилади.

Адабиётлар.

1. И.Каримов «Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий сиёсий ривожланишининг асосий принциплари. Т., «Ўзбекистон» 1995 й.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси Т., «Ўқитувчи» 1995 й.
3. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. «Фан» 1996 й.
4. И.Каримов «Баркамол авлод орзуси»
5. И.Каримов «Юксак маънавиятли шахслар-Ўзбекистон тараққиёти омили».
6. Ўзбекистон кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
7. Мунавваров. «Педагогика» Т., 1998 й.
8. К.Ю.Бабанский «Педагогика» М., 1997 й.
9. Педагогика энциклопедияси
10. Ўзбекистоннинг таълими тўғрисидаги қонуни.
11. Сластенин, Баранов, Болотина. «Педагогика» 1994 йил
12. Халқ таълими журнали № 2;3; 1999й.

**5-мавзу: Таълим – тарбия жараёнида мустақил фикрлаш
ва илмий дунёқарашни шакллантириш.**

Режа

1. Илмий дунёқараш тушунчаси, унинг вазифалари.
2. Дунёқарашнинг шаклланганлик мезонлари.
3. Меҳнат тарбиясининг етакчи вазифалари.
4. Эстетик тарбия – ўқувчилар дунёқарашининг бир қисми сифатида
5. Жисмоний тарбиянинг асосий таркибий қисмлари.

Таянч тушунчалар:

**Илмий дунёқараш, яхлит ўқув – тарбия жараёни, ватанпарварлик,
эстетик, ахлоқий, жисмоний, иқтисодий, экологик, меҳнат тарбияси.**

Ёш авлодларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамма даврларда миллатнинг илғор кишилари диққат марказида бўлиб келган. Эксплуатацияга асосланган кулдорлик, феодализм каби синфий жамиятларда даврнинг ўқимишли, зиёли, билимдон кишилари илм фанга, умум инсоний маданиятга салмоқли ҳисаларини қўшганлар. Гиппократ, Гераклит, Гегель, Платон, Архимед, Шунт, Шарқ мусулмон дунёси алломалари Ал-Киндий, Ар-Розий, /аззолий, Фаробий, Беруний, Хоразмий, Ибн-Сино, Ибр-Рушт (Аверроэс), Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмитдин Кубро, Аҳмад Яссавий шулар жумласидандир.

Кайқовуснинг «Қобуснома», тўртинчи асрда яшаб ўтган хинд файласуфи Бейдабонинг «Калила ва Димна» асарлари, «Рамаяна», «Махабхорат» достони, Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутағду билиг», Носир Хисрафнинг «Саодатнома» Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон» Навоийнинг «Маҳбубул қулб» Аҳмад Донишнинг «Ўғилларга насиҳат», бундан ташқари «қуръони Карим», «Хадиси Шариф», «Чор дарвеш», «Минг бир кеча» китоблари ҳам қимматбаҳо маънавий – маданий мерос бўлиб, шарқу ғарб халқлари минг йиллар давомида булардан баҳраманд бўлганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистон рус муштамлакачилари томонидан босиб олинди. Бу даврда миллий маънавий меросга, маданиятга паст назар билан қаровчи шовинистик сиёсат ҳукмрон эди. Шундай бўлсада, бу даврда Саид Аҳмад, Сиддиқий, Фурқат, Муқумий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар ўғли, Хамза, Абдулла Авлоний, Иброт, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, қори Ниёзий ва бошқалар бола тарбиясига, педагогикани илм-маърифатли қилишга интилдилар.

Айниқса, Абдулла Авлонийнинг 1913 ва 1917 йилда қайта иккинчи марта нашр қилинган «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX - аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга моликдир.

Асарнинг «Яхши хулқлар» бобининг I қисми, «Фатанат» аталиб Авлоний Фатанатни «Ақл эгаси бўлиб демакдир» деб таърифлайди, Айни замонда Фирдавсий, Носир Хисрав, Рудакий, Навоий каби Авлоний ҳам ақлга катта аҳамият беради. У: Ҳукамолардан бири «Ақлнинг қўли нафснинг жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга киришдан сақлар» деб уқтиради. Буни рационалист Р.Декар тасдиқлаб «Ҳиссиёт бизни алдайди, фақат ақл орқалигина мавжудлигини фаҳмлаймиз» деган эди.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм маърифатга эга бўлиши учун баданни тарбиялаш зарур. Бадани соғлом ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли касалсиз вужуд лозимдир. «Ақл, - дейди упири комилий, муршиди ягонасий дур. Рух ишловчи ақл, бошловчидир. Инсон ақл ва идроки соҳасида ўзига келадиган зарар ва залқумлардан сақланур, ер юзидаги ҳайвонларни аср қилиб, бўйнидан ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур».

Қанча-қанча қувғинлар, қатоғонлар босқину ёнғинларга қарамай, аждодларимиздан бизга абадий, илмий, фалсафий, педагогик ва бошқа соҳадаги минг-минглаб ноёб китоб ва қўлёзмаларда битилган маънавий меросимиз етиб келган. Анна шу дурдона манбаларда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз, маданиятимиз, қўйингки, ўзлимиз муҷассам.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган ҳозирги шароитда қадриятларимизни тиклашга, тарихимизни ўрганишга, ўзлимизни англаб етишга аҳд қилган авлод учун ҳудди мана шу дурдона асарлар қўл келиши муқаррардир.

Дунёқараш.

Дунёқараш фақат инсонгагина хос хусусият бўлиб, ҳайвонат дунёси, бошқа нарса, буюмлар ва мавжудотлар учун бу ҳол ётдир, уларда ҳам дунёқараш бўлади, деб ўйлаш беъманилик бўлар эди.

Аввало таъкидлаш лозимки, илмий дунёқараш турли касб эгаларида турлича – тўлароқ, мукамалроқ, чуқурроқ ёки юзакироқ, чалароқ, саёз ва ҳамроҳ бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги муҳим долзарб халқнинг онгидаги эскича дунёқарашни ўзгартириш, иқтисод, сиёсат, маданият жабҳаларида янгича фикрлашни ўргатиш, мустақилликни мустаҳкамлаш шароитида ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш ва ноҳуш ҳолатларни ҳаётга кириб қолмаслигига, унга қарши курашишга ундашдан иборат. Бу эса илмий дунёқарашнинг таркибий қисмларидандир.

Ақл ҳар бир инсонга хос туғма бўлиб, мия соғ бўлса, ақл ҳам яхши ишлайди, аксинча мия касалланган бўлса ақл паст, заиф бўлади. У дунёни билишда, олдинги авлодлар томонидан яратилган илмларни ва мавжуд билимларни ўзиникига айлантириб ўзлаштира олишда қийналади. Чунки илм

ва билим бир ҳил нарса эмас. Илм мавжуд, бор, яратилган нарса, билим эса киши томонидан билиб олинадиган ўзиники қилиб олинадиган нарсадир.

Ақл, дид ва илм назарига

Фаросат билим амалиётига тажрибага таълуқлидир. Шунинг англамоқ зарурки, тафаккур ва тил ҳақидаги муаммо билиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб тасаввур, тушунча, ақл, идрок, тафаккур жами бир бўлиб англаган фалсафий тушунчани беради.

Сезги

Кишини ўраб олган моддий дунё предмет ва ходисаларнинг онгимизда акс этишидир. Шундай қилиб, билиш, илмий дунёқарашни жонли кузатишдан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтиш орқали амалга ошади. Илмий дунёқараш ижтимоий, тарихий ходиса сифатида доим ворислик асосида ривожланади. Ўтмиш дунёқарашлари янги давр дунёқарашининг илдизини ташкил этиб уни ҳаётбахш озиқа билан таъминлаб туради. Ҳар бир даврнинг дунёқарашини ўзига ҳос бўлиб, мавжуд тарихий даврда у ёки бу таълимотни нима учун ҳукмрон бўлганлигини билиш учун олдинги давр дунёқарашининг тарихини ўрганмоқ зарур.

Жамиятда янгича тафаккур юритмоқ учун албатта ўтмишни билиш даркор, чунки янгича тафаккур осмондан тушмайди, балки аجدодлар маънавий мерос асосида вужудга келади. Бу борада диний дунёқарашга муроҷат этмоқ зарур. Диний дунёқарашнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ходисалар моҳиятини уларнинг ўзида эмас, балки табиатдан ташқари Оллоҳнинг қудратига боғлаб, ҳамма нарсада ва ҳар ерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий кучи бор дейилади.

Фалсафий дунёқарашнинг ўзига ҳос хусусияти у дунёни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ёт нарсани аралаштирмай маболағасиз тушунтиради, фалсафий дунёқараш кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонуниятлари ҳақида бир бутун, яхлит маълумот бериб, мифологиядан фарқли равишда инсонни қуршаб олган моддий оламни адабийлигини ўзини ҳос хусусиятларини қонуниятларини илмий асосда тушунтириб беради. Фалсафий дунёқараш бутун мавжудод - органик ва аорганик дунё, инсоният ва ўсимликлар дунёси ўзгармас, қотиб қолган эмас, балки доим ўсиш, ўзгаришда, ривожланишда, ҳаракатда дейилади.

Фалсафий дунёқараш кишиларда олам ҳақида бир бутун, тўғри, яхлит дунёқарашни шакллантиришдан ташқари барча фанлар учун дунёни билишдаги методологик қурол ҳамдир. Шунинг учун дунёни ҳам бошқа фанларни фалсафадан ва фалсафани бошқа фанлардан ажратиш мумкин эмасдир. Билимни эгаллаш мураккаб жараён бўлиб у инсондан энг аввало физиологик жиҳатдан баркамолликни талаб этади. Илмий дунёқарашни шакллантиришда бадиий адабиётни, халқ оғзаки ижодини, эртақларни ҳикоя ва қиссаларни аҳамияти бекиёсдир.

Ҳиссий ва мантикий билимга кўпгина ҳикоялар мавжуд бўла олади.

Дунёқараш инсонда маълум маъсулият ҳиссий бўлишни ҳам талаб қилади. Масалан, кўзини еб қўйганлиги учун бўрини қор курсига ўтказиб суд қилиб ўтирмайди, тўғридан – тўғри бўрини отиб ташлана беради, чунки унинг онги йўқлиги туфайли маъсулияти ҳам йўқдир. Нюринберг жараёнида жаҳон жамоатчилиги гитлерчи фашистларни суд қилганларида тамомила ҳақли эди. Чунки улар маъсулиятни ўйламай инсоният бошига ката кулфат соладилар.

Илмий дунёқарашни амалга оширишда киши нарса ва буюмларнинг, воқеа ва ҳодисаларнинг кўриниб турган ифодасига, шаклига қараб эмас, балки уларнинг ички моҳиятига, мазмунига қараб баҳо бериши керак.

Шундай қилиб, илмий дунёқарашни шакллантириш бир, икки, уч киши ёки бир неча гуруҳ томонидан бўлмай, балки кўпчилик, ижтимоий фикр томонидан бажариладиган ижтимоий-тарихий ҳарактердаги ходисадир.

Демак, илмий дунёқарашни шакллантириш кишидан кўп меҳнат, малака талаб қиладиган мураккаб, сермашаққат фаолият соҳасидир. Билим илмий дунёқарашнинг асосидир.

Ахлоқий ва эстетик тарбия.

«Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» сўзлари арабча сўз бўлиб улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Айрим одатларда «ахлоқ - кишиларнинг ҳар бир жамиятга ҳос хулқ нормалари мажмуи» деса, бошқалар эса «ахлоқ - ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини бажаради» дейишади.

Ахлоқ нормалари хулқ атворнинг регулятори сифатида одат нормаларига зид ҳатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса, ахлоқ ихтиёрийдир. Ахлоқий тарбия одамларни номусли, виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатиш билан профилактика ишларини ҳам олиб боради. Ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади. Халқ таълими тизимини ўқитиш ўқувчиларни ахлоқий мукаммаллашиш билан боғлиқ олиб боради. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамоат ва ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларни қуйидагича теширишимиз мумкин:

- а) жамиятга, ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш;
- б) меҳнатга ахлоқий муносабатини тарбиялаш;
- в) атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат;
- г) шахснинг ўзига, ўз хулқига, ахлоқий муносабатни тарбиялаш.

Дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнини Алпомиш, Тўмарис, Широқ каби халқ қахрамоналри А.Темур, Улуғбек, Бобур сингари давлат арбоблари ва саркардаларимиз, Ибн Сино, Беруний каби олиму фузалоларимиз қарашларига тез-тез мурожат қилишимиз, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишнинг асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда тарбиялаш борасидаги жаҳон стандартига ҳам эътиборни қаратмоқ лозим. Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади.

Меҳнат тарбияси ёш авлодни тарбиялашда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Мактаб ривожланишининг асосий вазифаларидан бири меҳнат тарбияси ва таълим самарадорлигини умумий таълим мактаб ўқувчиларини касб танлаш, мустақил ҳаётга амалий ва техника революцияси ва ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароити ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва таълими анна шу талаблар даражасига кўпроқ мувофиқ бўлишини талаб қилаётир. Нега деганда ўқувчилар мактабни тамомлагандан кейин ишлаб чиқаришнинг бутун системасини бемалол билишлари ва унда рўй бераётган ўзгаришларни тезда пайқаб олишлари керак.

«Умумий таълим ва хунар мактабни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиш-лари»да таъкидланадики, меҳнат тарбиясини шахсни шакллантиришнинг энг муҳим омили ва халқ ҳўжалигининг меҳнат ресурсларига талабни қондириш воситаси деб билиш керак.

Меҳнат фаолияти жараёнида инсон табиатни ўзгартирибгина қолмай у билан бирга ўзи ҳам ўзгаради. Меҳнат фаолияти шахснинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга, унинг табиат ва жамиятга қарашли системасига жиддий таъсир кўрсатади. Меҳнат инсон ақлий қобилияти жараёнини ўз ижодий активлигини намоён қилиб ижодий қобилиятларини ривожлантиради ва такомиллаштиради. Меҳнат туфайли инсоннинг маънавий муносабатлари шаклланади. Жисмоний жихатдан камол топиб ўз меҳнат кўникмалари ва малакаларини ривожлантира боради.

Аммо ҳар қандай меҳнат ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва камол топтириш омили бўлавермайди. Эксплуатация ва зўравонликдан ҳоли бўлган меҳнатгагина инсонга ҳал қилувчи ва тарбияловчи таъсир кўрсатади. Агар инсон мажбуран меҳнат қилса бу жараён маънавий ривожланишга ҳалақит берадиган ва маънавий мамнуният келтирмайдиган меҳнатга айланади.

Мактабларда меҳнат тарбиясини ривожлантириш йўллари ижодий ишлаб чиқаришга, болалар меҳнатини ташкил этиш методикасига жиддий эътибор бериш керак. Меҳнатдан мақсадга мувофиқ - фойдалансагина у болалар маънавий камолни омили бўлиб қолиши мумкин. Бунинг учун болани қизиқтириш, жисмоний меҳнатгагина эмас, балки ақлий меҳнат ҳам бўлиши лозим. Бола меҳнат натижасини тушуниши керак. Бола фақат мактабда эмас, ундан ташқарида ҳам меҳнат қилиши керак. Меҳнат болалар учун уларнинг қурби етадиган ижодий фаолият бўлиши лозим. Оғир меҳнат дангасаларни ўз меҳнатига ҳафсиласизлик билан қарайдиган кишиларни тарбиялайди. Меҳнат тарбиясини бир қатор етакчи вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Умумфойдаси учун меҳнат қилиш зарурлиги;
- Ўқувчиларда жамоа меҳнат фаолиятида иштирок этиш учун зарур бўлган барқарор маънавий ва иродавий хислатларни тарбиялаш;
- Ўқувчиларни умумий билим ва политехник билимлар системаси билан ҳозирги замон ишлаб чиқаришда қатнашиш учун зарур бўлган махсус меҳнат кўникмалари ва малакалари билан қуроллантириш.

- Ўқувчиларга бўлажак касбни онгли танлашда ёрдам бериш;
- Меҳнат маданияти асосларини тарбиялаш, ўқувчиларнинг иқтисодий тарбияси.

Меҳнат тарбиясининг воситалари қуйидагилар:

1. Ижтимоий фойдали меҳнат;
2. Оилавий меҳнат;
3. Меҳнат фахрийлари ва турли меҳнат вакиллари билан учрашув;

Меҳнат икки ҳил бўлади:

1. Ақлий меҳнат;
2. Жисмоний меҳнат;

Ақлий меҳнат

Бола учун энг оғир меҳнатдир. Бу меҳнат ақлий зўр беришни талаб қилади, узоқ вақт давом этади ва кунт билан шуғулланишни талаб қилади. Бу меҳнатнинг мураккаблиги яна шундаки, бундаги натижаларнинг намоён бўлиши қийинроқ бўлади, бу натижаларни бола деярли тушунмайди.

Ўқув меҳнати жараёнида ўқувчиларнинг онгли замонавий ишлаб чиқариш ва иқтисод асослари билан бойиб боради. Бунда ўқув меҳнат жараёнида ўқувчилар замонавий ишлаб чиқаришдаги меҳнатда қатнашиш учун чуқур умумий маълумот зарурлигини англаб оладилар.

Ўқув меҳнати жараёнида ўқувчилар турли даражада мураккабликка эга бўлган ва мустақилликни турли даражада талаб қиладиган бир қатор ақлий, ҳамда амалий характерларни эгаллайдилар. Бу эса уларда билмга қизиқишни, ақлий фаолиятининг самарали турларини шакллантиради.

Ўқув меҳнати ўқувчиларнинг курби етадиган даражада бўлиши керак. Ўқувчиларнинг курби етмайдиган меҳнат болалар организмга зиён етказди. Ўқишдан кўнгли совиши мумкин. Шу сабабли ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ёш ҳусусиятини ва таълим олишга индивидуал тайёргарлигини аниқлаш, боланинг эътибори ва тафаккуридаги ҳусусиятларини билиши, меҳнат ва дам олиш режимида риоя қилиши муҳимдир. Ўқув меҳнатнинг бош вазифаси – болани ўқишга ўргатишдан, уни ўқув меҳнати методикаси ва техникасини беришдан иборат. Ўқув меҳнати жараёнида таъсир қиладиган кўникма ва малакалар ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали унумли меҳнатда қатнашишга тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун яхши пойдевор бўлади. Ўқитувчининг мактаб ўқувчиларида дарсликлар, справка адабиётлари, компьютер техникаси билан ишлаш кўникмасини шакллантиришда меҳнат тарбиясига доир иши айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ўқув меҳнати жараёнида ақлий меҳнат маданияти ҳосил қилинади. Ўртоқлик, хайрихоҳлик, интизомийлик, уюшқоқлик сингари фазилатлар тарбияланади. Бинобарин, буларнинг бари меҳнат тарбиясини энг самарали ҳал қилиш учун ҳизмат қилади.

Жисмоний тарбия - деб ёш авлоднинг жисмонан соғлом, қувват ҳамда кучли қилиб тарбиялашга айтилади. Жисмоний тарбия икки вазифаси амалга оширади.

1. Ривожланувчи.

2. Соғломлаштирувчи.

Соғломлаштириш икки йўлда амалга оширилади:

1. Бемор болаларни соғломлаштириш.
2. Соғломларини соғломлаштириш.

Жисмоний тарбиянинг воситалари қуйидагилар:

1. Жисмоний машқ.
2. Спорт турлари бўйича мусобақалар.
3. Бошқа соғломлаштириш тадбирлари.

Ижтимоий фойдали меҳнат ижтимоий аҳамиятда аниқ ифодаланган, бир мақсадга қаратилган, режали, онгли ихтиёрий фаолиятдир. Ўқувчиларнинг бажариши албатта шарт бўлган бундай меҳнат ўқувчилар билан синфдан ташқари иш жараёнида ҳам ташкил этилади. Ижтимоий фойдали меҳнат жуда ҳилма-ҳил шаклларда мактаб, синф, ўқувчилари коллективи доирасида ўтказилади. Ижтимоий фойдали меҳнатнинг ўзига ҳос энг муҳим хусусияти шундан иборатки бу шунчалик қилинадиган меҳнат эмас, балки меҳнат фаолиятининг ҳар бир қатнашчиси атрофидаги ишлар ҳақида, мактаб ҳақида, оталиқдаги ташкилот ва шу сингари ғамхўрлик қилишда намоён бўлган меҳнатдир.

Ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этиш формалари жуда ҳилма-ҳил бўлиши ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида ўқувчилар ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланадилар.

Ижтимоий фойдали меҳнат мунтазам бўлиши керак. Бу нарсани ишни танлаш билангина эмас, балки пухта режалаштириш билан ҳам таъминланади.

Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ижтимоий фойдали меҳнатнинг энг оддий ва оммабоп туридир. Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш бўйича уйда ва мактабда бажариладиган меҳнатга бўлинади. Мактаб ислохатида ижтимоий фойдали меҳнатнинг бу турига жиддий эътибор берилган. Барча ўқувчилар ўз ёшларига тарбия гигиена ва соғлиқни сақлаш номалари, ҳамда талабларига риоя қилган ҳолда синф ва кабинетларни йиғиштиришда қатнашишлари, мактаб ҳовлиси, спорт майдончалари ва шу сингари жойларнинг озодалиги, ободончилигини кузатишлари керак. Ота-оналар болаларнинг оиладаги меҳнатини хонадонда тартиб ўрнатиш, овқат пишириш, кир ювиш, ямоқ солиш, рўзгор приборлари ва ашёлари ремонт қилиш бўйича меҳнат ташкил қиладилар.

Педагогика фани ва оилада болаларни тарбиялаш тажрибаси шундан далолат берадики, ўқувчиларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат мажбуриятларини ўз-ўзига, шунингдек, укалари, сингиллари, ота-оналари ва оила аъзоларига хизмат кўрсатишга қаратилиши мумкин.

Ўқувчининг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўйича меҳнатга ва синф бўйича навбатчиликка жалб қилинишни, ҳамиша болаларга уларнинг вазифаларини тушунтиришдан бошлаш, бу ишни аста – секин мураккаблаштириб бориш керак.

Меҳнатда тарбиялаш тўлақонлик бўлиш учун у бир қатор шартларга жавоб бериши керак:

Бола меҳнатга қанчалик барвақт жалб этилса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик мувоффақиятли ўтади.

2. Болаларнинг меҳнат фаолияти ижтимоий аҳамиятга ва чуқур ғоявий – маънавий асосга эга бўлиши керак.
3. Чарчаш ва ҳориш хиссини туғдирувчи меҳнатгина қувонч бағишлади. На жисмоний, на ақлий, на иродавий кучни талаб қиладиган енгил меҳнат ижобий тарбиявий самара кўрсатмайди.
4. Катталарнинг болалар меҳнатини назорат қилиш, одоб доирасида бўлиши, боладаги ўз кучига ишончни қўллаб қувватлаш керак. Агар бола меҳнат топшириғини бажаргандан кейин, мувоффақиятдан қувонса, қилган иши билан фахрланса, у баркамол инсон сифатида камол топиб боради. Ўзини бахтиёр киши деб ҳис қила бошлайди.
5. Меҳнат дам олиш билан алмашиб туриши керак.
6. Ҳар қандай меҳнат топшириғи фойдали ва имкон борида яққол натижа билан шуғулланиши лозим.
7. Унумли меҳнатда боланинг шахсий, моддий манфаатдорлигини рад этиш керак эмас.
8. Меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ғоявий ва ахлоқий тарбия билан мустаҳкам боғланган бўлиши лозим.
9. Меҳнат болаларнинг ёш, психологик хусусиятларига монанд бўлиши керак.

Болалар меҳнатини ташкил қилиш методикаси юқорида кўрсатилган педагогик шарт шароитларга жавоб бериши керак. Аввало ўқитувчилар ва синф раҳбарлар болаларни меҳнат объектини белгилашга жалб қиладилар, болаларни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва улар бажара оладиган ишларни топширишга ўргатадилар. Шу мақсадда синфда меҳнат тўғрисидаги суҳбатлар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ташкил қилинади, экскурсиялар ўтказилади. Шу тарзда ўқувчиларда умумфойдаси учун меҳнат қилишнинг мазмуни ҳақида тасаввур кенгайиб боради.

Резюме:

Мустақил Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғоялари фуқароларни Республика Конституциясида эътироф этилган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдек мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир фуқаронинг ижтимоий – сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини юзага келтириш, мустақил фикрлайдиган ва илмий дунёқарашни шакллантириш – фуқаролик жамиятининг ва ҳозирги кун педагогикасининг асосий талабидир.

Глоссарий:

Дунёқараш - фақат инсонгагина хос хусусият бўлиб, хайвонат дунёси, бошқа нарса, буюмлар ва мавжудотлар учун бу ҳол ётдир.

«Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» -сўзлари арабча сўз бўлиб улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Айрим одатларда «ахлоқ - кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи» деса, бошқалар эса «ахлоқ - ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини бажаради» дейишади.

Назорат учун саволлар:

1. Тафаккур, идрок, илмий дунёқараш деганда нимани тушунасиш?
2. Дунёқарашнинг ижтимоий вазифалари нима?
3. Миллий қадриятларнинг аҳамияти ахлоқий тарбияда қай даражада намоён бўлади.
4. Ватанпарварлик нима?
5. Эстетик, жисмоний, меҳнат иқтисодий, экологик тарбиявий вазифалари нима? Уларнинг ўзаро боғлигига мисоллар келтиринг.
6. Қайси фазилатларни ўз фарзандингиз, ўқувчиларингизда тарбиялашни хоҳлар эдингиз.

Адабиётлар:

1. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси.
2. Педагогика энциклопедияси.
3. А.Авлоний. Тарбия тўғрисида. Т. 1996.
4. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-Муфрад. Т. 1997.
5. У.Маҳкамов. Маънавият асослари. Т. 1998.

6-мавзу: «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ўқитувчи шахсига талаблар

Режа:

1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» нинг мақсад ва вазифалари.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий таркибий қисмлари.
3. Бугунги кун ўқитувчиси шахсига қўйилаётган талаблар.

Таянч тушунчалар:

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, миллий модел, ўқитувчи шахси

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Тоталитар бошқарув усули асосида иш юритилаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси Республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий узгаришларни амалга

оширишга ундади. Бу борадаги саъи ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июл ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йуналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди.

1997 йил январ ойига келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиғи борасида мавжуд аҳвол, ютуқ. ва камчиликлар таҳлил этилди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кура, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият уринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги маълум бўлди. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармонида биноан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ишлаб чиқувчи махсус Комиссия таркиби тасдиқланди. 1997 йилнинг июл ойида ҳар икки меъёрий ҳужжатнинг мазмуни ўрганилиб чиқилиб, умумхалқ эътиборига ҳавола этилди. Муҳокама жараёнида билдирилган фикр — мулоҳазалар махсус Комиссия томонидан урганилди. Умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган Республика «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинди.

Хўш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қандай ҳужжат? Унинг мазмунида қандай ғоялар ифода этилган?

Ўзбекистон Республикаси истиқболини таълим муассасаларида халқ хужалигининг турли соҳалари учун тайёрланаётган кадрнинг касбий тайёргарлиги, ақлий салоҳияти ҳамда ижодий қобилияти белгилайди деган ғоя «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилиши учун асос бўлди. Мазкур ҳужжат Республика таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини очиқ берувчи муҳим

меъерий хужжатдир. Унда таълимий ислохотларнинг асосий мақсади «инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришнинг шароити ва таъсирчан механизмини яратиш, эскирган тафаккур ва ҳуққ - атворнинг андозаларини узгартириш»дан иборат эканлиги қайд этиб ўтилди.

1992 йилда Ўзбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан буён янги укув режалари, дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Замонавий дидактик талаблар таълимни ташкил этиш йуллари, метод ва воситаларини аниқлаш, ўқув юртлари фаолиятини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш ишлари амалга оширилди. Мазкур даврда Республика меҳнат бозори (энг аввало, кишлоқ шароитида)ни шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар — техника таълими қайта ташкил этилди.

Ушбу тизимда жами 221 минг нафар кишини камраб олган 442 та ўқув юрти, шу жумладан, 209 та касб—ҳунар мактаби, 180 та касб — ҳунар лицейи ва 53 та бизнес мактаб фаолият курсатди.

Бошлангич касб —ҳунар таълими укув юртларида қарийиб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ўқувчиларга касб — ҳунар сирларини ургатиб бормоқдалар.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилиб, бу борада 23 та институт, 16 та факультет, 4 та Марказ ва 14 та малака ошириш курслари педагог кадрлар малакасини ошириш, уларни фан ва техника ютуглари, таълим — тарбия соҳасидаги янгиликлардан бохабар этиб борди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар йулга қуйилди ҳамда бу борада муайян ютуглар қулга киритилди.

Шунга қарамай, содир этилган узгаришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий — иктисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ булишини таъминлай олмади.

Бу борада маълум камчиликларга йул қўйилди, чунончи, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик узгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ ҳамда ўқув жараёнининг моддий техник ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юкори малакали кадрларнинг етишмаслиги, сифатли укув — услубий ва илмий адабиет ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш уртасида пухта узаро фойдали интеграциянинг йуклиги ва бошқалар.

Мутахассислар тайёрлаш ҳамда таълим — тарбия тизими жамиятда олиб борилаётган ислохот, янгиланиш жараёни талаблари билан борланади.

Мажбурий туққиз йиллик таълимга асосланган ун бир йиллик урта таълим мазмуни илмий жихатдан тулақонли асосланмади, у ўқувчиларни касбга йуналтириш ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолиятини ташкил этиш куникмаларини шакллантиришни таъминлай олмади.

Ҳар йили таянч мактабларни 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳаси ёки касб —хунар таълимини давом эттириш жараёнига жалб этилмай қолаверди.

Х.унар — техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда булиб, амалда эса ижобий узгаришлар кўзга ташланмади, Уларда таълим эскириб қолган моддий — техник ва укув —услубий база негизида ташкил этилди.

Мазкур ўқув юртларида педагог кадрлар сафи тегишли кайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчилар билан тўлдирилиб борилди. Илмий ва илмий — педагогик кадрларнинг ўртача ёши улғайиб борди. Республика олий укув юртларида 40 га тулмаган фан докторлари бу борадаги умумий курсаткичнинг 0,9 фоизи, 50 ва ундан катта ёшдагилар эса 79,0 фоизини ташкил этиши аникланди.

Фан доктори илмий даражасида тасдиқланганларнинг уртача ёши 50 да булса, фан номзодларининг уртача ёши 36 ёшда эканлиги маълум булди.

Ушбу ҳолатлар мамлакат истикболи учун хизмат қилувчи «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни яратиш эҳтиёжини юзага келтирди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни мазмунига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсида қўлга киритилган ютуқларга таянган ҳолда тайёрланган ҳамда юксак умумий касб — ҳунар маданияти, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий — сиёсий ҳаётда мустақил равишда турли ҳаракат олиб бориш маҳоратига эга булган, истиклол вазифаларини ижобий ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йуналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини руёбга чиқариш, ҳар томонлама қамол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта узлаштириш учун ижтимоий — ғоявий, ҳуқуқий, психологик — педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, шунингдек, жамият, давлат ва оила олдида

уз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тула ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир.

Ушбу мақсадни руёбга чиқариш қуйидаги вазифаларнинг ижобий ҳал қилинишини талаб этади:

таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юкори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятининг нуфузи ва ижтимоий моқомини кутариш;

таълим олувчиларни маънавий ахлокий тарбиялаш, маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан утказиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш соҳасида узаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва хоказолар.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма — босқич амалга оширилиб боради. Ҳар бир босқич муайян вазифаларни ҳал этишни назарда тутди. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи босқич (1997 — 2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижодий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислох қилиш: ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий — услубий, молиявий шарт — шароитларни яратиш.

Иккинчи босқич (2001—2005 йиллар) Миллий дастурни тулик руёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий — иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ута аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тупланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш истикболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Ўзбекистан Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таркибии тузилмаси қуйидагича акс этади:

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури



Мақсад:

Комил инсон ва малакали мутахассисни
тайёрлаш

Вазифа

Омиллар

Босқичлар

Ташкилий
чоралар

Миллий модел

Шахс

Давлат,
жамия
т

Узлукси
з
таълим

Фан

Ишлаб
чиқари
ш

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг фукароларининг маънавий етуқлиги, интеллектуал салоҳиятга эғалиги билан белгиланади.

Фукароларнинг маънавий етуқлиги, интеллектуал салоҳияти эса таълим тизимининг мазмуни, шахснинг ҳар томонлама шаклланиши учун хизмат қилувчи моддий ва маънавий шарт — шароитларнинг мавжудлиги, жамиятда қарор топган ижтимоий соғлом муҳит даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, аҳолининг этнопсихологик хусусиятлари, ахлокий қарашлари ва ҳаётий эътиқодлари асосида шакллантирилади.


«Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилишида мазкур жиҳатлар тўла ўрганилди. Миллий дастур асосини Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлай оладиган, уни жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасига қутарилишига ҳисса қўшувчи дадил, мустақил фикрловчи, билимли, малакали мутахассис, шунингдек, ижобий сифатларга эга бўлган кадрларни тайёрлаб вояга етказиш жараёни ташкил этади.

Қомил инсон ва етук малакали мутахассисни тайёрлаш Миллий модел моҳиятини тулақонли ифода этади.

Қадрлар тайёрлаш Миллий модели фақат таълим — тарбиядангина иборат бўлиб қолмай, бир — бирига боғлиқ ҳаётий босқичларни ҳам ўз ичига олади. Миллий модел — бу шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг узаро ҳамкорлиги, уларнинг бир — бирига алоқасини акс эттиради:

Давлат, жамият

Узлуксиз
таълим



Фан

Ишл

аб

чикар

иш

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи.

Шахе узлуксиз таълим жараёнида дунёвий, илмий билимларни узлаштириб, фан асосларини пухта эгаллаб, ишлаб чиқариш соҳалари билан танишиб, шунингдек, ижтимоий — гуманитар фанларни урганиш ҳамда изчил, узлуксиз равишда ташкил этилувчи тарбиявий тадбирлар асосида ижобий сифатларни узлаштириб борар экан, йиллар давомида унда юксак маънавий салоҳият ва муайян йуналиш бўйича касбий маҳорат шаклланиб боради. Шахс, энг аввало, уз олдига муайян мақсадни қўя олиши ҳамда унга эришиш йулида тинимсиз изланиши, уқиб — урганиши лозим. Шу тариқагина у ижтимоий рақобатга чидамли кадр (мутахассис) сифатида камолга етади.

Шахснинг уз —узини англаш туйғусига эга бўлиши, таълим соҳасидаги хизматлардан тулақонли ва самарали фойдалана билиши илмий ва касбий билимларни пухта узлаштириши, етук мутахассис бўла олиши йулидаги муҳим омилдир. Инсон камолоти, энг аввало, унинг узига боғлиқдир. Шу боис миллий дастурда шахс ва унинг камолотини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2. Давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаб ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир.

Шахе камолоти нафақат ўзи учун, балки давлат ва жамият тараққиёти, равнаки учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқаролари комил инсонлар булган мамлакатнинг истиқболи порлоқ булади.

Шахс ва давлат (жамият) уртасидаги алоқа икки томонлама хусусиятга эга. Шу боис ҳар қандай давлат (жамият) уз фуқароларининг яшаши, меҳнат қилиши, шунингдек, иқтидори ва салоҳиятини руёбга чиқариши, уни намоён эта олиши учун етарли даражада шарт — шароит яратиб бера олиши лозим. Республика таълим тизимида давлат ва жамият шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, узлигини намоён эта олиши учун етарли даражада шарт — шароит яратиб бериш масъулиятини уз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён булади.

3. Узлуксиз таълим — малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси булиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият курсатиш мухитини уз ичига олади.

Узлуксиз таълим жараёни шахснинг ҳар томонлама қарор топиши учун энг қулай давр саналади. Мазкур даврда шахс фан асослари ҳамда касб —хунар маълумотларини узлаштиради, комил инсон ва малакали инсон киёфасида акс этиши лозим булган сифатларга эга булиб боради. Унда муайян дунёқараш шалланади. Бу эса шахе камолотида муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, узлуксиз таълим миллий моделнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унга кура мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб боришининг Давлат таълим стандартлари, турли даражадаги таълим дастурларининг изчиллиги

асосида таъминланади. Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини уз ичига олади:

мактабгача таълим;
умумий урта таълим;
урта махсус касб —хунар таълими;
олий таълим;
олий укув юртидан кейинги таълим;
кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим тизимининг хусусияти, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Мактабгача таълим болани мактабга тайёрлаш билан бирга, унинг соғлом булиб усишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда уқишга булган интилиш хиссини уйротади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормокда. Мисол тариқасида «Хонадон богчаси» ҳамда «Болалар богчаси — бошланғич мактаб» мажмуаларини келтириш мумкин. Болаларга география, тасвирий ва мусика санъати, компьютер саводхонлигини ургатувчи гурухлар сони кундан кунга купайиб бормокда. Буларнинг барчаси мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида маънавий-ахлокий жихатдан тарбиялаш учун зарур шарт — шароитларни яратмокда.

Умумий урта таълим — бу туккиз йиллик умумий ва уникки йиллик мажбурий — ихтиёрий таълим, яъни, уч йиллик таълим — урта махсус касб — хунар таълимини камраб олади.

Касб — хунарга йуналтириш кимнинг зиммасида? Бу вазифани ким бажаради?

Бу вазифалар мактаб жамоаси ва ота — оналар хамкорлигида укувчиларни касб — хунарга йуналтириш ва психологик — педагогик ташхис марказлари рахбарлигида амалга оширилади.

Академик лицей хамда касб — хунар коллежлари кандай укув муассасалари саналади?

Академик лицейлар — укувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини чуқурлаштирилган, ихтисослашган ҳолда ўқитишни таъминлайди.

Академик лицейларда укувчилар узлари танлаган йуналиш бўйича билимларни ошириш ва муайян фанлар асосларини чуқур, мукамал узлаштириш имкониятига эга буладилар.

Академик лицейлар асосан олий укув юртлири қошида ташкил этилади. Касб — хунар коллежлари эса укувчиларнинг муайян касб — хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва куникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танланган йуналишлар бўйича бир ёки бир неча замонавий касб сирларини эгаллаш имконини беради.

Касб — хунар коллежлари ишлаб турган хунар — техника билим юртлири ва бошқа таълим муассасалари негизида турли йуналишларда ташкил этилади.

Олий таълимга академик лицей ёки касб — хунар коллежларини тамомлаган шахсларгина қабул қилинади. Олий таълим икки босқич, яъни, бакалаврият ҳамда магистратурада йуналишида амалга оширилади.

Бакалаврият — мутахассисликлар йуналишлари буйича фундаментал ва амалии билим берадиган, таълим олиш муддати камида турт йил давом этадиган таянч олий таълим. Бакалавр даражасига эга булган шахе олий таълим тизими йуналишидаги узи танлаган соҳа буйича олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва давлат классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳукукига эга булади.

Магистратура — аник мутахассислик буйича фундаментал ва амалии билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. Ундаги таҳсил якуний классификацион давлат аттестациясига мувофик олиб борилади.

Магистр бакалавр даражасидаги мутахассисдан фарқли маълум ихтисослик буйича таълим олган юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, у илм —фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият курсатади. У аспирантурага кириш ҳукукига эга.

Олий уқув юртидан кейинги таълим икки даражада амалга оширилади:

Биринчи даража аспирантура булиб, магистрлик негизида уч йил (сиртки булимда турт йил) давом этади.

Иккинчи даража ҳисобланган докторантура ҳам уч йил давом этади.

Ҳар икки даражанинг ҳам мақсади — муайян мутахассисликлар буйича олий тоифали илмий педагогик кадрларни шакллантиришдан иборатдир.

4. Фан — юкори малакали мутахассисни тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илгор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи.

Фан — миллий моделнинг асосий таркибий қисмларидан бири булиб, у баркамол инсон ва етук мутахассисни шакллантиришнинг илмий — педагогик ва психологик асосларини яратиш, шунингдек, фан ҳамда мутахассислик йуналишлари ва тармоқлари буйича таълим концепциялари, ўқув дастурлари, режа ва дарсликлар (қулланмалар)ни яратиш, таълим жараёнини ташкил этишни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб — қувватлашни уз зиммасига олиши лозим.

5. Ишлаб чиқариш — кадрларга булган ижтимоий эҳтиёж, шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қуйиладиган талабларни белгиладиган асосий буюртмачи, шунингдек, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ҳамда моддий — техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Авваллари ишлаб чиқариш тайёр кадрлар кучи ва салоҳиятидан фойдаланувчи истеъмолчи сифатидагина фаолият олиб борган булса, бугунги кунда ушбу фаолиятнинг мазмуни тубдан узгарди. Эндиликда ишлаб чиқариш кадрларни тайёрлаш сифати ва савиясига нисбатан уз талабларини куя олади. Шу билан бирга сифатли ҳамда юксак савияли мутахассисни тайёрлаб етиштириш йулида узлуксиз таълим ҳамда фан тармоқларининг молиявий, моддий

— техник жихатдан куллаб — кувватлаш мажбуриятини уз зиммасига олади. Шу асосида кадрлар тайёрлаш тизимининг фаол иштирокчисига айланди.

Миллий модел Концепциясининг мазмуни узбек халкининг миллий турмуш тарзи ва маънавий — ахлоқий анъаналари билан ҳамнафасдир. Зеро, халк орасида кадимдан «маърифатли инсон» тушунчаси қулланилиб келинган булиб, у узида кенг маънони ифода этади. Билим олишга интилиш, маърифатли булиш узбек халки, миллатининг рухиятида устувор урин тутувчи омил саналади. Маърифатлилик — фақатгина билим ва малакага эга булиш эмас, айти вақтда чуқур маънавий ахлоқ ҳамдир. Билимли, комил инсон киёфасида ана шундай хислатларга эга шахслар намоён булади.

Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бутун моҳияти узбек халкининг миллий тарихи ва ҳаёт тарзи билан боғланиб кетган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида узига хос, такрорланмас, тарихий анъаналарга асосланган ҳамда бугунги кун талабларига тула жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди. Миллий дастур узида муайян миллий хусусиятларни ифода этади.

Шуниси диққатга сазоворки, илмий аҳамият ҳамда чуқур фалсафии маънога эга булган кадрлар тайёрлаш миллий модели халқаро миқёсда тан олинди ва обру топди.

Масалан, 1998 йил Австралияда келгуси аср таълими истиқболларига бағишланган «Осиё —Тинч океани минтақасида XXI асрда таълим муаммолари» деб номланган халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури

фақат икки мамлакат, яъни, АҚШ ва Ўзбекистон Республикасидагина мавжуд эканлиги алоҳида таъкидлаб утилди. Мазкур анжуманда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг тақдироти бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сузлаган нутқининг асосий мазмуни билан танишдилар. Қувончли жиҳати шундаки, анжуман иштирокчилари мамлакатда ишлаб чиқилган узлуксиз таълим тизимининг аниқ Концепцияси ҳар томонлама пухта асосланганлиги, ушбу дастур талабларининг тулақонли амалга оширилиши эса дунёнинг куплаб мамлакатларида кадрлар тайёрлаш соҳасида кечаётган узгаришларга янгиликлар қўша олишини эътироф этишди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни қабул қилишдан кузланган мақсад эзгудир. Аввало, бу мақсад ва вазифаларнинг тула амалга ошиши мамлакатдаги ижтимоий — сиёсий муҳитнинг янада яхшиланишига олиб келади, жамиятда янги шахс — комил инсон шаклланади.

Иккинчидан, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг тадбиғи шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир инсон мустақил ҳаёт оstonасида жамиятда ўз ўрнини топа олиши лозим.

1998 —1999 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида тажриба сифатида 35 та академик лицей ва 21 та касб — ҳунар коллежларининг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ўқув муассасаларини ўч йилдан кейин битириб чиқувчилар узлуксиз таълим тизимининг дастлабки битирувчилари бўдилар.

Учинчидан, кадрлар тайёрлаш миллий модели жамият аъзоларининг салоҳиятидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Табиийки, ҳар бир инсон узига хос салоҳиятга булади. Шахснинг ички имкониятларини тула намоён этиши учун зарур булган шарт — шароитлар яратилса, шахс уз имкониятлари ва истеъдодини эркин намоён эта олса, интеллектуал кучини жамият, халқ фаровонлиги йулида сарф этса муайян жамиятнинг нақадар юксак даражада тараққий этишини тасаввур қилиш ^кийин эмас.

Туртинчидан, миллий дастур талабларининг амалга оширилиши жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг купайиши жамиятда янги к. а. р. а. ш. л. а. р. н. и. н. г. қ. а. р. о. р. т. о. п. и. ш. и. н. и. таъминлайди.

Бешинчидан, Ўзбекистон халқи уз олдиға ҳуқуқий, демократик жамиятни барпо этиш мақсадини қўйган. Бу йулда биринчи ва муҳим қадамлар қўйилган. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларининг ҳаётға тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда уз урнини топа олиши ва обрусининг тобора ошишиға сабаб булди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахснинг шаклланиши, жамият ривожининг таъминланиши ҳамда «портлаш эффекти»нинг содир бўлишиға олиб келади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири билан булган суҳбатда шундай фикрларни баён этади: «Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини руёбға чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда

муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тулик юзага чиқиши учун зарур булган барча шарт — шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва акидалардан халос булади. Ва ҳар кайси инсон Оллоҳ Таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини, аввало, узи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт — саодати, манфаати учун тулик бахшида этса, бундай ҷамият шу қадар кучли таракқиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда ҷамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қушадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен портлаш эффекти деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман»¹.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» гоյларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган уқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий киёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга ҷамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Хусусан, Қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки, эрамиздан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси узининг маънавий киёфаси ва ақлий қобилияти билан ҷамият аъзолари уртасида юксак ҳурмат, эҳтиромга сазовор булган кишилар, донишмандлар зиммасига ишониб топширилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилши мазмуни нафакат шахе камолоти, балки ҷамият

тараккиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий кифоаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда- Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сузлаган нутқида билдирилган қуйидаги фикрларга диққатни қаратиш мақсадга мувофиқдир: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим —тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо, замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими, аминманки, ўргатилмайди. Мабодо, бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим — айтган, деганим — деган»¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Уқитувчи махсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумоти, касбий тайёргарлик, шунингдек, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонунининг 5 — моддаси 3 — бандига мувофиқ, таълим муассасаларида судданган шахсларнинг педагогик фаолият билан шугулланишларига йул қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида руй бераётган узгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга туғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм- фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Уқитувчи ўз мутахассислиги буйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, уз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Уқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим — тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган фаолият ташкил этиши керак.

5. Уқитувчи таълим — тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Уқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Уқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёкати, педагогик техника(нутк,юз,кул —оёк. ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур узлаштириб олишга эришишлари лозим.

8. Ўқитувчи нутк. маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни узида акс эттира олиши керак:

- а) нутк.нинг тугрилиги;
- б) нуткнинг аниқлиги;
- в) нуткнинг ифодавийлиги;

г) нуткнинг софлиги (унинг турли шева сузларидан холи бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сузлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда узга миллатларга асос сузларнинг ноўрин қулланилиши); вульгаризм (хақорат қилиш сўкишда қўлланиладиган сузлар) ҳамда концеляризм урни бўлмаган вазиятларда расмий сузлардан фойдаланиш) сузлардан холи бўлиши, уқитувчининг нутқи содда, раво ва тушунарли бўлиши керак;

- д) нуткнинг раволиги;

ж) нуткнинг бойлиги (хикматли сузлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кучирма гаплардан уринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Уқитувчининг қийиниш маданияти (содда, озода, бежириш қийиниши), таълим —тарбия жараёнида уқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклардан

фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, хатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни узлаштиришга эришиши.

10. Укитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга урнат була олиши лозим.

Укитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота — оналар уртасида обрў—эътибор қозонишини таъминлайди.

Хулоса урнида шуни қайд этиш жоизки, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ўзбекистон республикасида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини узида акс эттирган муҳим меъёрий ҳужжат бўлиб, истиқбол учун йўлланмадир.

Резюме:

1 “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Ўзбекистон Республикасида таълим тизимда амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ўзида акс эттирган муҳим меъёрий ҳужжат бўлиб, истиқбол учун йўлланмадир .

2 “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да алоҳида таъкидланган Миллий модел–Республикамизнинг Миллий ҳудудий хусусиятларни инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари

воситасида тайёрланган кадр (мутахассис) комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида акс этирувчи меъёрдир.

3 “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” Ҳоҷларнинг амалиётга тадбиқ этилиши Республика ижтимоий ҳаёти учун муҳум саналган бир қатор ҳолатларнинг қарор топишига олиб келади .

4 Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” ҳоҷларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар ўзига ҳос муҳум ролни бажарадилар. Баркамол инсон ва етук мутахассис шахси ўқитувчи (мураббий, тарбиячи) лар қўлида камолга етар экан, энг аввало, уларнинг шахси ҳам бир қатор ижобий сифатларни ўзида акс эттира олиши лозим. Шундагина биз ўзимиз орзу қилган шахсни мутахассисни тарбиялай олишга муяссар бўламиз.

Назорат учун саволлар:

1. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қандай ҳужжат ва у қачон қабул қилинган?

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
3. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да замонавий ўқитувчига қандай талабалар қўйилган?
4. Сиз, ўзингиз, ўқитувчилик касбини ва ўқитувчи шахсини қандай тушунасиз?

Глоссарий:

Бакалаврият- мутахассислар йўналиши бўйича фундаментал ва амалиёт билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура-аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган бакалавр негизида камида икки йил муддатда ташкил этиладиган олий таълимдир.

Аспирантура- олий ўқув юртидан кейинги магистрлик негизидаги илмий тадқиқот босқичи, таълим муддати уч йил.

Докторантура- фан номзоди илмий даражаси негизидаги босқич, таълим муддати уч йил.

Адабиётлар.

1. И. А. Каримов “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. Шарқ. 1997й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Маърифат, 1997 й. 30 сентябр.

3. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (“Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”) китоби Т. Шарқ 1997й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Маърифат. 1999й 16 август.
5. Педагогика А. Қ. Мунаввапов таҳрири остида Т. Ўқитувчи 1996й.
6. Р. Усмонов “Саодатнома” тўпланган асарлар, (тўплам нашрга тайёр. С. Хасанов). Т. Ўқитувчи 1995й.
7. М. Очилов, М. Очилова “Ўқитувчининг одоби” Т. Ўқитувчи. 1998й.

7-мавзу: Синф раҳбари – ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар ташкилотчиси сифатида.

Режа

1. Педагогик жараёнда онгли интизомни тарбиялаш.
2. Фаолият турлари, асосий иш шакллари.
3. Тарбиявий синф соатлари
4. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш.

Таянч тушунчалар:

Вазифалар, ўқувчига қўйиладиган талаблар, ўқитувчининг касбий салоҳияти, синф раҳбарининг вазифалари, тарбиявий ишларни режалаштириш, онгли интизом.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг асосий мазмуни ва формалари.

Синф жамоаси билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг ҳажми, асосий йўналишлари, мазмуни ҳар бир босқичда ўқувчиларнинг психик ривожланиш даражаси ва характериға мос келиши лозим.

Синф ўқувчилари жамоани ташкил этиш ва тарбиялаш.

Бошланғич синф ўқитувчиси ва раҳбари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг аҳил тарбиявий жамоасини ташкил этишдир. Бундай жамоани яратиш ўқувчилар ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши билан органик боғлиқдир.

Ўқитувчи ва синф раҳбари соғлом, аҳил болалар жамоасини шакллантириш билан бирға доимо болалар қизиқишларини қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини йўналтириб борадилар. Улар жамоа билан олиб бориладиган тарбиявий ишларида ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органларига таянадилар, сайлов органларининг таклифлари ва фикрларини ҳисобға оладилар, улар ишини йўналтирадилар.

Ўқувчи бошланғич синфиданоқ аҳил болалар жамоа яратиш асосида соғлом жамоатчилак фикрини яратади. Болаларнинг катта ишончи ўқитувчига улар ҳатти-ҳаракатидаги ҳатоларни тушунтиришға ёрдам беради, болалар қарашларини аниқлашға, уларға тўғри ахлоқий муҳокама юритиш ва мезонни тарбиялаш имконини яратади. Синфда жамоатчилик фикри мавжуд бўлса, болалар жамоаси шаклланиши фақат ўқитувчининг талаблари ҳисобға амалға ошмайди.

Кузатиш методи ўқувчиларнинг ижодий фаолияти (иншо, ўқилган китобга тақризлар, расмлар, тайёрланган моделлар, деворий матбуотга ёзилган лавҳалар) натижаларини ўрганиш билан тўлдирилади. Иншолар таҳлили боланинг ички дунёсига назар солиш учун қимматли материал беради. Бундай иншоларнинг тематикасини синф раҳбари предмет ўқитувчиси билан келишиб олади, улар биргаликда иншо плани учун саволлар ўйлаб топадилар. Тарбиячилар ижодий иншода ёзилганларни ўқувчининг ҳақиқий, ахлоқий сифатлари билан солиштириб, шаклланаётган шахс ҳақида тўғри фикр ҳосил қилишлари мумкин.

Кузатишлар, ўқувчилар ижодий фаолияти натижаларининг таҳлили албатта суҳбат билан тўлдирилади. Ўқувчилар билан қилинадиган суҳбатлар индивидуал гуруҳлараро, жамоа тарзида бўлади. Ўқувчилар билан қилинадиган суҳбат ота-оналар, предмет ўқитувчиларини, тўғарак раҳбарлари маълумотлари билан тўлдирилади.

Кейинги йилларда шахсни ўрганиш натижаларини текшириш ва боланинг хатти-ҳаракати асосларини чуқур тушуниш учун бошланғич синф раҳбарлари махсус педагогик вазиятлар ёки эркин танлаш вазиятларидан фойдаланмоқдалар.

Эркин танлаш вазияти ўқувчи ўй-фикрлари ва унинг ҳақиқий ҳулқи ўртасидаги бирлик ёки фарқни аниқлаш имконини беради. Бошланғич синф ўқитувчиси ёки синф раҳбари ўқувчиси ўз ҳулқи йўналишини ўзи танлай олиши мумкин бўлган пайтда худди шундай вазиятларни махсус танлайдилар. Масалан, ўқитувчи болалар ўйинчоғини яшани таклиф қилади. Ўйинчоқ ясайди. Иш тугагач, ўқитувчи ўқувчиларга ўни ўзларига олишлари ёки боғча болаларига

совға қилишлари мумкинлигини айтади. Юқори синфларда вазият танлаш кўпинча болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти, Махсус педагогик вазиятлар айрим ўқувчилар ва бутун жамоа ҳақида болаларнинг гапларига қараб эмас, балки конкрет ҳатти-ҳаракатларига кўра тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Танлаш вазиятни доимо жамоада фикрлар курашини келтириб чиқаради, экскурсиялар, походларда қатнашиши билан боғлиқдир.

Болага ўз ҳулқини шаклланган ахлоқий нормага асосан идора қилиш имконини беради. Тарбиячилар жамоадаги шахслараро муносабатларни ўрганиш учун социометрия методидан фойдаланадилар. Социометик методика жамоадаги ҳар бир боланинг аҳволини, унинг бошқалар олдида шуҳрат қозонган-қозонмаганлигини билиб олишга, жамоа ёки гуруҳ лидерини аниқлашга ёрдам беради.

Синфдан ташқари иш ўқувчиларга бирор мақсадга қаратилган педагогик таъсир вақтини узайтиради. У ўқувчиларнинг дарсларда эгаллаган билмларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, болаларнинг қобилиятини ривожлантириш, уларнинг ҳилма-хил қизиқишларини қондириш, дам олишларини уюштириш имконини беради. Синфдан ташқари иш болаларни жамият ҳаётига жалб қилишнинг катта имкониятларига эга.

Тарбиячиларнинг вазифаси ҳар бир ўқувчи синфдан ташқари фаолиятида активлигини ва мустақиллигини намоён қилишга имкон берувчи машғулотни топа олишни таъминлашдир. Синфдан ташқари ишда бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ҳилма-хил фаолияти турларининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконига эга бўладилар. Айнан фаолиятда тарбия томонларнинг узвий алоқаси содир бўлади, ҳамда,

шахсининг бир бутун камол топиши амалга ошади. Бошланғич синф ўқитувчиси ва синф раҳбарининг болалар жамоаси фаолиятининг ҳар хил турларини ташкил этиши уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларининг фаолиятини ташкил этишда бу ёшнинг ўзига хос хусусиятлари ҳаракатчанлик, тафаккурнинг аниқлиги, ўта таъсирчанлиги, тақлидга мойиллик, диққатни бирор нарсага узоқ бўлмаслик ҳисобга олиниши зарур. Кичик ёшдаги ўқувчиларни қандайдир эркин, қандайдир нооддий ўз қизиқиш истакларига мос келадиган ишлар билан жалб қилади. Бу ёшда тажриба тўпланиб борилади. Шунинг учун болалар ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатларига киришадиган фаолият турларини танлаш айниқса муҳимдир.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларини режалаштиришда ўқитувчи тарбиячи ва синф раҳбари ҳилма-ҳил фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Ўқувчилар билан ишлаш учун характерли бўлган фаолият турларини кўриб чиқамиз.

Билиш фаолияти.

У ёки бу билимларни эгаллаш ва намоён қилишга йўлланган билиш фаолиятининг тарбиявий қиймати индивидуал қизиқишларини шакллантириш ва болаларнинг индивидуал қибилиятларини ривожлантиришдан иборатдир. Синфдан ташқари ишларда ўқув программаларни асосланган билимлар доирасини кенгайтирадиган масалалар тилга олинади. Болаларнинг ҳаётга, фаннинг турли соҳаларига қизиқишлари ўстирилади.

Меҳнат фаолияти.

Ёш авлодга меҳнат таълими бериш ва уни касб танлашга йўллаш масаласини «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да илгари сурилаган вазифаларга мувофиқ амалга оширишда бошланғич синф ўқитувчиси ва синф раҳбарларининг ўқитувчиларнинг синфдан ташқари меҳнат фаолиятларини ташкил этишдаги роли ортади.

Ўйин фаолияти.

Болаларнинг биргаликдаги фаолиятининг бу тури бошланғич синфлар ўқувчилари учун кўпроқ характерлидир. Ўйин жамоа фаолиятининг махсус формаси сифатида ҳам намоён бўлади. Кичик ёшдаги ўқувчилар ўйинида ўқув, меҳнат, спорт фаолияти элементлари пайдо бўлади. Ўйин кўпинча кўп режали бўлади. Ўйиннинг турли классификацияси мавжуд. Аммо, асосан ҳаракатли дидактик ўйинлар спорт, драммалаштириш ўйинлари ижобий ёки ролли ўйин турлари билан фарқланади.

Жисмоний тарбия – спорт фаолияти.

Ўқувчилар фаолияти соғлиқни мустаҳкамлаш ва болалар организмининг чиниқтишга қаратилган бўлиб ўқувчиларнинг тўғри жисмоний ривожланиш-ларига ёрдам беради. Уларнинг ишчанлик фаолияти оширади. Бу фаолият турининг ўзига ҳос хусусияти унда ўқувчиларнинг барча ёш гуруҳларининг актив иштирок этишидадир.

Эстетик фаолият.

Мактаб болаларининг бадий эҳтиёжларини уларнинг амалий ва ижодий фаолиятлари орқали ривожлантира билиши ва такомиллаштира билиши керак. Бошланғич синф ўқитувчиси ва синф ўқитувчиси ва синф раҳбари болаларнинг эстетик эҳтиёжларини қондирш, уларда эстетик қараш, баҳолаш, дидни тарбиялаш ижодий қобилиятларини тарбиялашга ҳаракат қилаб ўқувчиларнинг эстетик фаолиятларини йўллаб боради. Фаолиятнинг бу тури синф раҳбарининг ишда алоҳида актуаллик касб этади.

Синф соати.

Бошланғич синф ўқитувчиси ва синф раҳбарининг ўқувчилар билан олиб борадиган иш формалари жуда ҳилма-ҳилдир. Сиёсий ахборатлар, оғзаки журналлар, викториналар, докладлар ва ҳакозолар. Синф раҳбарининг ишда синф билан ишлашнинг фақат унинг ўзигагина хос бўлган форамси мавжуд. Бу мактаб амалиётда синф соати деб аталидиган синф раҳбари соатидир. Ишнинг бундай формасини бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказиш назарда тутилмайди. Синф раҳбари синф соатлари системасини албатта режалаштиради. Уларнинг тематикасини белгилайди. Синфга бериладиган саволлар мантиқий ўқувчиларнинг фикрини аниқлашга йўналадиган педагогик вазиятни ўйлаб кўради. Назарий ҳолатларни исботловчи мисолларни танлайди. Синф раҳбари синф соатига тайёрлашда бўлажак суҳбатнинг бутун тасвирини ва ўқувчиларда маълум тушунча хулосаларини шакллантириш учун уларни қайси йўлдан бошланиши аниқ тасаввур қилиб кўради.

Синфдан ташқари ишлар мактаб таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри йўлга қўйиш формаларидан биридир. Мактаб билан бир қаторда болалар муассасалари, шунингдек даволаш ҳамда жамоа ташкилотлари ҳам болалар билан тарбиявий иш олиб борилади. Ҳар хил муассасалар ва ташкилотлар мактабдан ташқари ишлар номини олган. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар шахсий ҳар томонлама камол топтириш ва буни ҳаётда актив фаолиятга тайёрлаш учун кенг имкониятларга эга. Бу ишларнинг мақсади ҳам худди умумтаълим мактаби кабидир: яъни шахсни шакллантиришдан иборат. Бу ишлар болаларнинг хулқларига мувофиқ тарзда кўпчилик асосини ташкил қилади. Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўзларини қизиқтирадиган машғулотларини танлаб олишади ва улар мустақил ташаббускорлик билан иштирок этишади. Синфда-синфдан ва мактабдан ташқари ишлар қуйидаги вазифаларни ҳал этиш керак:

- а)** ўқувчиларнинг умумтаълим ва ғоявий айтиш доирасини кенгайтириш, уларнинг билаш маданиятини ҳамда эҳтиёжларини ўстириш;
- б)** ўқувчиларнинг сиёсий активлигини ва мустақиллигини ўстириш;
- в)** фан ва маданиятнинг турли соҳаларида болаларнинг ижодий қобилиятини ҳамда майилларини аниқлаш ва ривожлантириш;
- г)** ўқувчиларга бўш вақтларини муайян мақсадни қўллаган ҳамда маданий қилиб ўтказишни соғломлаштириш тадбирларида иштирок этишни ўргатиш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқув машғулотларига зарур қўшимча бўлиб муҳим таълим – тарбия аҳамиятга эга. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар нуқтаи назаридан мактабдан олинадиган

билмларни пухта ўзлаштириш ҳамда чуқурлаштириш ўқувчиларнинг билмга қизиқишларини ривожлантириш маънавий эҳтиёжларини қондириш ва ўстириш, уларда ҳар-ҳил кўникма ва малакалар ҳосил қилиш имкониятини беради. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар тарбиявий нуқтаи назардан ўқувчиларнинг мустақиллигини, ижодий активлигини ҳамда фаолиятини ўстириш ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини аниқлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш шахснинг юксак ахлоқий сифатларини таркиб топтириш имкониятларини беради. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга доир машғулотлар мазмуни мактаб ўқув режаси ҳамда дастурлари доирасидан ташқари чиқади ва болаларнинг қизиқиш ҳамда майилларини ҳисобга олиш асосида ўқитилади. Барча болалар ташкилотлари ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган ҳилма-ҳил машғулотларни ўқувчилар ёрдамида ташкил қилинади. Синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра жуда ҳилма-ҳил. Ижтимоий-сиёсий, илмий, ижтимоий-фойдали, бадантарбия ва бошқа турлари мавжуд. Синфдан ташқари ишлар 3 ҳил формада: оммавий, тўғарак ва шахсий формаларда ташкил қилинади.

Оммавий формалар.

Ҳар ҳил байрамлар, кўриклар, ҳар ҳил ташкилотлар, мактаб кечалари ва ҳаказо. Бошланғич мактабда энг кўп тарқалган форма болалар эракликларидир. Бошланғич мактабда ҳар ҳил байрамлар ўтказишга алоҳида эътибор берилади. Кўпчилик мактаблар анъанавий байрамларни нишонлашади. Болалардаги майилларни яхшилаб олиш ва қизиқишларини ривожлантириш мақсадида мактабда ҳар ҳил

предметлардан конкурслар ҳамда олимпиадалар ўтказилади. Одатда айрим ўқув предметларидан бадиий ёки техник ижодидан, ёки табиатшунослар иши ҳамда спортдан конкурслар ва олимпиадалар ўтказилади. Бошланғич синфлар билан синфдан ташқарида олиб бориладиган ишларда жонажон ўлкани ўрганиш алоҳида ўрин тутди.

Одатда бу иш экскурсиялар тарзида ўтказилади. Лекин у бошқача формалар касб этиши ҳам мумкин. Бир кунлик экскурсиялар мактаб ёшидаги кичик ёшдаги ўқувчилар учун жуда мос келадиган экскурсиялардир. Улар тарихий воқеалар қатнашчилари билан учрашув халқнинг муайян тарихий давридаги ҳаёти ва турмушига оид материаллар тўпламидан иборатдир. Кишиларнинг меҳнати жонажон ўлка ҳаётини қанчалик ўзгартириб юборганини болаларга кўрсатиш учун кўшни жамоаларга тарихий жойларга экскурсиялар ташкил қилиш мумкин. Ҳар ҳил оммавий тадбир тайёланаётганда унинг мақсади ва таълим тарбия вазифалари аниқ қилиб қўйилиши керак.

Тўғарак ишлар предмет, техника тўғаракларида, спорт секцияларида ва бошқаларда олиб бориладиган машғулотлар учун 5-10 болани бирлаштирилади. Тўғарак ишининг режаси одатда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ярим йил ёки бутун ўқув йили учун тузилади. Тўғаракларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ўстиришдир. Мактабдаги ҳар бир тўғарак ўзининг доимий иш кунлари ва соатларига эга бўлиши, тўғарак топшириқларини бажариш, тўғарак моддий бойликларини эҳтиёт қилишлари керак. Бу ишда синфдан ташқари шахсий иш ҳар бир ўқувчи майил муҳим роль ўйнайди. Ўқувчининг мустақил равишда билим олишга ўргатиш, уни китоб билан ишлаб, ўз билимларини бойитиш малакасини ҳосил қилишда мунтазам ўқиш одатини

тарбиялашдан бошланади. Мактабда ҳар бир синф учун синфдан ташқари ўқиш дастури мавжуд.

Синф раҳбарларининг иш методик хатда унинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Булар ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш, ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш, ўқувчиларнинг ғоявий сиёсий тарбиясига оид ишлар, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ўқувчиларда билим олишга оид маъсулиятли муносабатини шакллантириш, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнاتини самарали ташкиллаштиради.

Синф жамоаси билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг ҳажми асосий йўналишлари мазмуни ҳар бир ёш босқичда ўқувчиларнинг психик ривожланиш даражаси ва ҳарактерига мос келиши керак. Бошланғич синф ўқувчиси синф раҳбари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг аҳил тарбиявий жамоаси ташкил этишдир. Синф раҳбари ва ўқувчи аҳил болалар жамоасини шакллантириш билан бирга доимо болалар қизиқишларини қўллаб - қувватлайдилар. Уларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини йўналтириб борадилар. Улар жамоа билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органларига тайинлайдилар. Сайлов органларининг таклифлари ва фикрларини ҳисобга оладилар, улар ишни йўналтирадилар. Кичик ёшли ўқувчилар жуда актив ва ҳаракатчан бўладилар. Активликка интилиши ва ёшдаги болаларнинг органик эҳтиёжи, бироқ бунда болалар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмайди ва кундалик педагогик раҳбарликка эҳтиёж сезади. Бошланғич синф ўқитувчиси боланинг мактабдаги илк қадамиданок тарбиявий ишнинг чинаккам жамоа муносабатларини яратишга зўр имконият берадиган болаларда бир бирларига ғамхўр муносабатда

бўлишни тарбиялашадилар. Индивидуал қобилиятларни ривожлантириш учн қулай имкониятлар яратадиган усул ва методларни танлайди. Ўқувчи бошланғич синфларда болаларга ўзларини қизиқтирувчи фаолият турини танлашга ёрдам беради. Болаларнинг ўсиши, уларда ташкилотчилик, малака ва кўникмаларини шакллантириб бориши билан ўқитувчи тарбиячининг болалар жамоасига раҳбарлик қилишдаги позицияси ўзгариб боради. Ўқитувчи бошланғич синфлардаёқ аҳил болалар жамоасини яратиш асосида соғлом жамоатчилик фикрини яратади. Болаларнинг катта ишончи ўқитувчига улар хатти – ҳаракатидаги хатоларини тушунтиришларига ёрдам беради. Болалар қарашларини аниқлашга, уларга тўғри ахлоқий муҳокама юритиш ва меъзонини тарбиялаш имконини яратади. Синфда жамоатчилик фикри ўқитувчининг талаблари ҳисобига амалга ошмайди, Синф раҳбари ўқувчилар жамоасини мустаҳкамлаш асосида болалар фаолияти кўламини кенгайтиради. Синфда ҳамкорлик ва олийжаноблик руҳини ўстиради. Ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш функцияларини кенгайтиради. Ўрта синфларидаёқ синф раҳбари барча ишларни синф активи орқали амалга оширади. Синф раҳбари синф жамоаси билан иш олиб борганда ўқувчиларга сиёсий ва ахлоқий муаммоларга нисбатан шахсий муносабатларининг шакллантиришга ижтимоий сиёсий фаолияти кўникмаларининг шакллантиришга ва уларни тарбияланишига алоҳида эътибор берилади. Синф раҳбари турли иш формалари суҳбат, машҳур арбоблар билан учрашувлар конференциялар, мунозаралар ва ҳаказолар, ёрдамида ҳаётни тушунтиришга ёрдам беради. Уларда актив ҳаётий позицияни шакллантиради. Ўқувчилар жамоаси турили йўллар билан яратилади ва мустаҳкамланиб борилади. Бироқ бунда педагогик раҳбарликни

Ўқувчилар активлиги ва мустаҳкамлигининг ривожланиши билан моҳирона қўшиб олиб бориш муҳимдир. Бошланғич синф ўқувчиси ва синф раҳбарларининг болалар жамоасини яратиш ва раҳбарлик қилишдаги позицияси доимо ўзгариб боради. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам улар болалар учун обрўли, катта ёшдаги ўртоқ бўлиб қоллади. Биргаликда фаолият соғлом кайфиятдаги ўқувчилар жамоаси билан тарбиявий иш олиб боришнинг форма ва методларини тайинлашда сессия материаллари ва ўқувчиларни тарбиялашнинг таҳлилий мазмунидаги тавсияларига амал қиладилар. Синф раҳбари ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар режасини тузишда тарбиянинг мақсад ва вазифаларига асосланадилар.

Умуммактаб режасини назарда тутадилар. Режалаштиришнинг асосий вазифаси тарбия жараёнига илмий ёндошишни, ҳамда унинг ўқувчилар жамоаси ва унинг ҳар бир аъзосига педагогик таъсир этишнинг оптимал йўл ҳамда усулларини аниқлаш имконини берадиган қилиб ташкил этилишини таъминлашдир. Синф билан олиб бориладиган тарбиявий ишни режалаштириш уқитувчи ва синф раҳбарларига ҳар бир ўқувчининг шахсини лойихалаштиришдан иборатдир. Тарбиявий ишни режалаштиришга бундай ёндошилганда тарбиявий иш режасига киритилган тадбирлар ўқувчиларнинг ижодий ишлари, ғоявий сиёсий тарбия, меҳнат ва ахлоқ тарбиясининг узвий бирлиги асосини умумий методик вазифаларнинг амалга ошишига қаратилиши керак.

Резюме:

Демак, бизнинг назаримизда, замонавий синф раҳбари қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўлиши керак:

1. Синф раҳбари ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри , асосли маълумотларни бера олиши лозим;
2. Замонавий синф раҳбарининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади;
- 3.Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак;
- 4.Замонавий синф раҳбари таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.
- 5.Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.
- 6.Синф раҳбарининг кийиниш маданияти юқори даражада бўлиши керак;
- 7.Синф раҳбари шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим;
- 8.Синф раҳбари ҳар бир синф ўқувчисини ўз фарзандидай яқин билмоғи ва унга яқин муносабатда бўлмоғи даркор.

Назорат үчүн саволлар:

1. Ўқитувчининг вазифалари нималардан иборат.
2. Ўқитувчига қўйилган талаблар.
3. Педагогик маҳорат нима.

4. Педагогик маҳоратга ўргатиш мумкинми.
5. Синф раҳбарининг вазифалари нималар.
6. Ўқувчиларни ўрганиш усуллари нима.
7. Ўзлаштириш ва давоматни яхшилашга қаратилган қандай омилларни биласиз.
8. Синф раҳбарининг тарбиявий иш режаси
9. Ўқитувчида бўлиши зарар бўлган қайси сифатларни биласиз.
10. Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар режаси.

Адабиётлар:

1. Н.Болдирев «Синф раҳбари» Т., «Ўқитувчи» 1995.
2. П.Юсупова «Мактабгача тарбия педагогикаси» Т., «Ўқитувчи» 1993.
3. С.Баранов «Педагогика дарслиги» Т., «Ўқитувчи» 1990.
4. С.Ражабов «Педагогика дарслиги» Т.

**8- мавзу: Дидактика – ўқитиш жараёни тўғрисидаги фан сифатида.
Мактабда таълимнинг мазмуни.**

Режа

1. Дидактика ҳақида тушунча.

2. Дидактиканинг предмети ва вазифалари.
3. Дидактиканинг асосий категориялари.
4. Дидактик назария ва уларнинг фалсафий асослари.

Асосий тушунчалар:

Дидактика, таълим жараёни, билим, малака, кўникма, ўқув режаси, ўқув дастури, дарсликлар.

Дидактика нима?

“Дидактика” юнон тилидан олинган бўлиб, *didaktikos* сўзи “ўргатувчи”, *didasko* эса – “ўрганувчи” маъносини билдиради.

Бу сўз 1613 йили Германияда немис педагоги, тилшунос ва она тилида ўқитиш тарафдори Вольфганг Ратке (1571-1635) томонидан киритилди. Ўзининг маърузалар курсини олим «Дидактикадан қасқача ҳисобот ёки Ратихияга ўқитиш санъати» деб атади.

Бу тушунчани шунга ўхшаш усулда Ян Амос Коменский «Буюк Дидактика» асарида талқин қилади. Аммо Коменский «Дидактика – бу фақатгина ўқитиш эмас, балки тарбиялаш ҳам», -деб таъкидлайди, у тарбиянинг “ҳар томонлама ахлоқли бўлишга қаратилган табиатини, феълини шакллантиришдаги” муҳим шарт сифатида талқин қилади.

“Буюк Дидактика”да Коменский ўқитиш назариясининг муҳим масалаларини: таълим мазмуни, ўқитишнинг кўргазмалилиги, кетма-кетлиги, дидактик ва бошқа тамойилларини, ўқитишнинг синф-дарс тизимини ташкил қилишни ўрганиб чиқди.

XX асрда ўқитишнинг назариясини ишлаб чиқишга россиялик олимлар С.Т.Шацких, П.Б.Блонский, М.Д.Данилов ва б.к. ката ҳисса қўшдилар. Улар фанлар асосларини, ижтимоий тажрибани онгли равишда ўзлаштириш жараёнларида ўқувчиларнинг узлуксиз ақлий ривожланишлари муҳим манбаи сифатида ўқитиш концепциясини ишлаб чиқдилар.

Дидактика фани учун Ўзбекистоннинг педагог олимлари С.Р.Ражабов, И.К.Қодиров, М.Очилов, У.Нишоналиев, Р.Мавлянова, К.Зарипов, Н.Н.Азизходжаева, Ф.Р.Юзликаев, Б.А.Фарберман, Б.Адизов ва бошқаларнинг ишлари ката аҳамиятга эга бўлди.

Миллий олимларимиз муаммоли ўқитиш концепциясини ўргандилар, ўқувчиларда ўрганишга қизиқишни орттиришни шакллантириш муаммоси ўрганилди, ўқитиш методлари, ўқитишнинг турли хил ташкилий шакллари, ўқувчиларнинг баркамол ривожланишлари муаммосини ҳал этишда замонавий дарснинг

имкониятлари, ўқитишда замонавий актив методлардан фойдаланиш муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказдилар.

Дидактика учун ўзбек психологларидан П.И.Иванова, М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров ва бошқаларнинг ишлари катта аҳамиятга эга.

Дидактиканинг предмети, функциялари ва вазифаси

Педагогик фан ўқитиш ва тарбиялашни, уларнинг яхлитлиги ва бирлигида ўрганади. Аммо - ўқитиш назарияси ва тарбиялаш назарияси ажратиб кўрсатилади.

Ҳозирги даврда дидактика ўқитишнинг мазмунига, методлари ва ташкилий шакллари илмий асослаб берувчи ўқитишнинг педагогик назарияси, педагогика соҳаси сифатида тушунилади. Дидактика ўз тадқиқотларида ҳамма фанлар бўйича ўқитиш ва ўқув ишларининг ҳамма даражаларини қамраб олади. Ана шу сабабли биз уни умумий дидактика ёки дарс ўтиш ва ўқитишнинг умумий назарияси деб атаёмиз.

Умумий дидактикадан ташқари хусусий дидактикалар ҳам ёки алоҳида фанлар бўйича ўқитиш методикаси деб аталувчи дидактика ҳам мавжуд (масалан, математика дидактикаси – математикага ўқитиш методикаси).

Дидактиклар қуйидаги энг умумий саволларга жавоб беришлари керак:

“Нимага ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?”. Аммо бу саволларга жавоб топиш йўлида яна кўплаб бошқа саволлар юзага келади, масалан: “Ўқитиш қандай боради, унга қандай қонуниятлар ҳосилдир?”, “Кимни ўқитиш керак?”, “Нима учун ўқитиш керак?”, “Қаерда ўқитиш керак?”.

Дидактика ўз объектини - ўқитишни биринчи навбатда ўсиб келаётган ёш авлодга ижтимоий тажрибаларни, жаҳон маданияти бойликларини беришга, ўргатишга қаратилган фаолиятнинг алоҳида тури сифатида қарайди. Педагогик нуқтаи назардан бу фаолият учун ўзига хос муносабат биргаликда иштирок этувчи ўқитувчи ва ўқувчининг ҳаракатлари сифатида дарс бериш ва билим олиш муносабатлари ҳисобланади.

Дидактиканинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқитиш жараёнларини ва уни амалга ошириш шартларини таърифлаш ва тушунтириш;

- ўқитиш жараёнини янада мукамал ташкил этишни, яъни ўқитиш системаларини, ўқитишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш;

- ўқитиш жараёни учун хос қонуниятларни аниқлаш, омилларни таҳлил қилиш ва таърифлаш;

Демак, дидактика – назарий ва бир вақтнинг ўзида меъёрий амалий фан. Дидактиканинг илмий-назарий вазифаси ўқитишнинг мавжуд жараёнларини ўрганиш, ўқитишнинг турли томонлари ўртасидаги фактлар ва қонуний боғлиқликларини, уларнинг моҳиятини очиб беришдан, ривожланиш тенденциялари ва келажагини аниқлашдан иборатдир.

Дидактиканинг тушунчавий тизими ва асосий категориялари

Ўзига хос дидактик тушунчаларга қуйидагилар киради: “ўқитиш”, “дарс бериш”, “билим олиш”, “ўқитиш жараёни”, “ўқув фани”, “таълим мазмуни” ва бошқ..

Дидактиканинг асосий категориялари қуйидагилардан иборат:

Дарс ўтиш, билим олиш, ўқитиш, таълим, билим, малака, кўникмалар ҳамда ўқитишнинг мақсади, мазмуни, ташкил этилиши, турлари, шакллари, методлари, воситалари, натижалари (маҳсулот).

Дарс ўтиш – педагогнинг ўқитиш мақсадларини (таълим бериш вазифаларини) амалга ошириш маълумот беришни таъминлаш, тарбиялаш, тушуниши, ва билимларни амалий қўллаш бўйича тартибга солинган фаолияти

Билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва эгалланган тажрибаси асосида хулқи ва фаолиятида янги шакллари юзага келадиган, илгари эгалланганлари ўзгарадиган жараёндир.

Ўқитиш – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог ва ўқувчининг тартибли ўзаро ҳаракатларидир

Бу уларнинг биргаликдаги фаолияти икки томонламалик жараёнидир. Ўқитиш махсус ташкил этилган ўқувчиларнинг ўрганиш фаолиятлари, бу жараёнда илмий билимлари, зарур бўлган фаолият усуллари, атрофдаги борлиққа эмоционал қимматли ва ижодий ёндашишлари шакллантирилади.

Ўқитишда болани ривожлантириш амалга оширилади:

Таълим – ўқитиш жараёнида эгалланган билимлари, малакаси, кўникмалари, фикрлаш усуллари системасидир;

Билим – фанни назарий эгаллашни гавдалантирувчи ғоялар тўплами. Ўқувчининг онгида атроф, борлиқ тушунчалари, схемалар, аниқ образлар кўринишида акс эттиришдир.

Малака – ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллаш усуллари (усул ва ҳаракатларини) эгаллай олиш.

Кўникмалар – юқори даража, мукамаллики, автоматлаштирилган малака

Мақсад – ўқитишнинг нимага интилаётгани, унинг уринишлари йўналтирилган

Мазмун – ўқитиш жараёнида ўқувчи эгаллаб олиши зарур бўлган илмий билимлар, амалий малака ва кўникмалар, фаолият ва фикрлаш усуллари системасидир.

Ташкил этиш – дидактик жараёни аниқ критерий(мезон)лар билан тартибга солиш, қўйилган мақсадни тўғри амалга ошириш учун унга зарур шакл беришдир.

Шакл – юнонча форма- ташқи кўриниш, қобик – ўқув жараёнининг мавжудлиги усули, унинг ички мантиғи. Шакл биринчи навбатда синфдаги ўқувчилар сони, ўқитиш жойи ва вақти, уни амалга ошириш тартиби ва шу қабилир Билан боғлиқ.

Метод – ўқитиш мақсади ва вазифасига эришиш йўлидир.

Восита – ўқув жараёнини предметли таъминлашдир. Педагогнинг овози(нутқи), унинг малакаси кенг маънода, дарсликлар, синфдаги жиҳозлар...

Натижалар – ўқитиш нимага эришиши, ўқув жараёни оқибати, белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси.

Дидактик назария (концепциялар) ва уларнинг фалсафий асослари

Ўқитиш жараёни психологик-педагогик концепцияларга асосланади, уларни кўпинча дидактик системалар ҳам деб атайдилар. Дидактик система деганда (юнонча СИСТЕМА яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – яхлит ташкил топган маълум критерийлари бўйича ажратиб кўрсатиш тушунилади.

Мавжуд дидактик концепцияларни умумлаштириб замонавий тадқиқотчилар дидактиканинг учта «анъанавий», «прогрессив», «замонавий» системаларга ажратадилар.

«Прогрессив» концепцияда боланинг билим олиши – фаолияти асосий роль ўйнайди.

«Анъанавий» концепциянинг асосчиси немис файласуфи, психолог ва педагог Иоганн Фридрих Гербарт, у немис идеалистик фалсафасидан келиб чиқиб, мактабнинг асосий вазифаси – бу ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши ҳақида ўйлаш, тарбиялаш эса бу оиланинг вазифаси дейди.

Бу назария турли ўқув юртларида ҳар хил фанлар бўйича дарс ўтадиган ва турли дидактик вазифаларни бажарадиган ўқитувчиларни дарс олиб тор схемага амал қилишга мажбур этади, бу схема

ўқувчиларга асосан тайёр билимни беришни, уларни ёд олиш зарур, ўқув жараёнида фақат ўқувчи фаол бўлиши керак, болалар «жим ўтиришлари, диққат қилишлари, ўқитувчининг кўрсатмаларини бажаришлари керак», тартиб ва интизомни сақлаш учун Гербарт таъқиқлаш, чеклаш ва жисмоний жазолашларни таклиф этади.

XX аср бошларида бу тизим қаттиқ танқидга учради ва кўпчилик педагоглар ўқувчилар қизиқишларини ҳисобга олувчи, уларнинг интеллекти билан бирга ҳиссиётлари ва иродасини ривожлантирувчи, уларни фикрлаш ва ҳаракат қилишга ўргатадиган, эркин ижодий ишлашга имкон берадиган, ҳамкорлик ва жамоа бўлиб ишлашга ўргатадиган, ўқишнинг мазмунини ҳамда мавзуларини индивидуаллаштирадиган, ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайдиган мактабни яратиш талаби билан чиқдилар ва шу шиорларнинг муаллифи сифатида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи (1859-1952) чиқади ва бу назария “прогрессив” назария деб ном олади.

Бу назарияга асосан, ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишлари ривожланишини диққат билан кузатиб бориши, уларга тушуниш ва ечиш учун кучлари етадиган муаммоларни ўртага ташлаб туриши керак. Ўқувчилар ўз навбатида бу муаммоларни ҳал этиб, улар ўзлари учун янги ва фойдали билимларни очишларига ишонишлари керак. Дарслар «фикрлаш тўла акти» асосида қурилиши керак, ўқувчилар уларда қуйидагиларни ҳис эта олсинлар:

- аниқ қийинчиликларни ҳис қилиш;
- уни аниқлаш (муаммоли аниқлаш);
- уни ҳал қилиш бўйича гипотезани ифода этиш;
- муаммонинг ечимини ёки унинг бир қисминини олиш;
- кузатишлар ёки тажрибалар ёрдамида гипотезани текшириш имкони (Дж.Дьюи. Менинг педагогик кредоим. – Львов, 1933)

XX асрнинг 50-йилларида америкалик психолог ва педагог Б. Скиннер материални ўзлаштиришни бошқариш самарадорлигини уни ахборотлар қисмларини етказиш ва уларни назорат қилиш мунтазам дастури сифатида қуриш йўли билан оширишни таклиф этади. Бу йўналиш дастурлаштирилган ўқитиш номини олди. Ўқитиш қурилмаси ёрдамида (ЭХМ, дастурлаштирилган дарслик, кинотренажер ва б.к.) дастурлаштирилган ўқув материални ўзлаштиришни бошқариш – дастурлаштирилган ўқитиш дейилади.

Дьюининг назарий қоидалари муаммоли ўқитишнинг асоси бўлиб қолди. Бугунги кунда муаммоли ўқитиш деб ўқитувчи

рахбарлиги остида муаммоли вазиятни яратиш ва уларни ҳал этишда ўқувчиларнинг фаол мустақил фаолиятларини кўзда тутувчи ўқув машғулоти тушунилади, бунинг натижасида касбий билимларни, кўникмаларни, малакаларни ижодий эгаллаш ҳамда фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши содир бўлади. Муаммоли ўқитиш – ўрта-махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида (академик лицей, касб-ҳунар коллежи) замонавий юқори самарали ўқитиш технологиясидир. Муаммоли ўқитишнинг вазифалари фаол ўрганиш жараёнини рағбатлантириш, фикрлаш тадқиқотчилик услубини шакллантиришдан иборат. Муаммоли ўқитиш ижодий фаол, баркамол ривожланган, эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш мақсадларига мос келади.

Л.В.Занковнинг (1901-1977) ривожлантирувчи ўқитиш концепцияси XX асрнинг 50-йилларида кенг тарқалди. Ривожлантирувчи ўқитишнинг ғояларини амалга ошириш инсонпарварлик ғоясини, шахсни баркамол ривожланиши ғоясини амалга оширишга яқинлашишга имкон беради.

Ўқитиш ривожланишдан олдинда бориши, янги ривожланишнинг манбаи бўлиши, яъни ривожланишда ўқитишнинг етакчи роли ҳақидаги ғоя психолог Л.С.Виготский (1896-1934) томонидан 30-йилларда ифода этилган эди: бола катталар ёрдамида билим олиб у шу пайтгача ўзи мустақил бажара олмаган ишларни бажара бошлайди. Ана шу ғояларни Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов, Л.В.Занковлар асос қилиб оладилар.

Ўқувчиларнинг умумий ривожланишлари янада самарали бўлиши учун Л.В.Занков ривожлантирувчи ўқитишнинг дидактик тамойилларини ишлаб чиқди:

- комплекс ривожлантирувчи система асосида мақсадга мувофиқ ривожланиш;
- мазмунининг системалилиги ва яхлитлиги;
- назарий билимларнинг асосий роли;
- қийинчилик юқори даражасида ўқитиш;
- материалларни ўрганишда тез суратлар билан илгари ҳаракатланиш;
- боланинг билим олиш жараёнини тушуниб етиши;
- ўқитиш жараёнига фақатгина рационал эмас, балки эмоционал муҳитни киритиш;
- мазмунини муаммолаштириш;
- ўқув жараёнининг вариативлиги, индивидуал ёндашиш
- ҳамма болалар (кучли ва бўш) ривожланиши устида ишлаш.

Занковнинг фикрича, дарснинг методик мақсади – ўқувчиларнинг ўрганиш фаолликларини намоён этишлари учун шароитлар яратишдан иборат.

Бу мақсад қуйидаги йўллар билан яратилади:

Ўқитувчи муаммоли вазиятни юзага келтиради; ўқув фаолиятини ташкил этиш турли хил шакли ва методларидан фойдаланилади; дарс режасини ўқувчилар билан бирга тузади ва муҳокама этади; Синф ишларида ҳар бир ўқувчининг қизиқувчанлик муҳитини яратади; ўқувчиларнинг фикрларини айтишга рағбатлантиради; ўз иш усулини топишга интиланган ўқувчини тақдирлайди ва ҳ.к.

Шундай қилиб, XX асрнинг охирларида дидактикани ўқитиш назарияси соҳасида изланишлар давом эттирилади. Улар, айниқса, 1991 йили мустақилликка эришилгандан сўнг жадал суратларда олиб борила бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида «Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади, - ўқитиш ва тарбиялашни инсонпарварлик, демократик йўналиш...”

Назорат учун саволлар:

1. Дидактика сўзи қандай маънони англатади?
2. Таълим жараёнининг моҳияти деганда нимани тушунаси?
3. Таълим жараёнининг қонуниятлари қачон намоён бўлади?
4. Билим нима?
5. Кўникма ва малака деганда нимани тушунаси?
6. Билиш босқичларини тавсифланг.
7. Ўқув режаси нима?
8. Ўқув дастурларида нималар акс этади?
9. Дидактиканинг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
10. Дидактиканинг асосий категорияларини сананг ва тавсифлаб беринг..
11. Дидактик назария ва уларнинг фалсафий асослари ҳақида гапиринг.

Глоссарий

Дидактика - (юнонча *didaktikos* – ўргатувчи, ўқитишга тааллуқли) – ўқитиш педагогик назарияси, педагогика соҳаси. Дидактиканинг предмети ўқитувчи томонидан ташкил этилган ўқувчиларнинг таълим мазмунини ўзлаштиришларини таъминловчи

дарс ўтиш ва билим олишнинг ўзаро ҳаракатлари, уларнинг бирлиги ҳисобланади.

Вербал - сўз билан , оғзаки

Гностик - ўрганувчи

Дарс ўтиш – педагогнинг ўқитиш мақсадларини (таълим бериш вазифаларини) амалга ошириш маълумот беришни таъминлаш, тарбиялаш, тушуниши, ва билимларни амалий қўллаш бўйича тартибга солинган фаолияти

Билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва эгалланган тажрибаси асосида хулқи ва фаолиятида янги шакллари юзага келадиган, илгари эгалланганлари ўзгарадиган жараёндир.

Ўқитиш – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог ва ўқувчининг тартибли ўзаро ҳаракатларидир

Адабиётлар:

1. И.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т., 2001.

2.Қурбонов Ш. , Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: Педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. Т.,»Фан», 1999.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т., 1997.

4. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.Т., 1997.

5. Подласўй «Педагогика». М.2002.

6. Фарберман «Педагогические технологии». Т.

7.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. 8-б.

9-мавзу: Ўқитишнинг қонуният ва тамойиллари

Режа:

1. Мактабда таълимнинг мазмуни.

2. Ўқитишнинг қонуниятлари

3. Ўқитиш тамойиллари.
3. Давлатнинг таълим стандартлари

Таянч тушунчалар:

Таълим мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, давлат таълим стандартлари

Ўқув жараёнида амал қилувчи ҳамма қонуниятлар умумий ва хусусий қонуниятларга ажратилади. Ўзи амал қилиши билан бутун дидактик тизимни қамраб оладиган қонуниятлар умумий деб аталади. Амал қилиш фақат алоҳида таркибий қисмларга тарқалувчи, қонуниятлар эса – хусусий (аниқ) деб аталади.

И.П.Подласий ўқитиш жараёни қуйидаги умумий қонуниятларини ажратиб кўрсатади:

- Ўқитиш мақсади, қонунияти . Ўқитиш мақсадлари қуйидагиларга боғлиқ бўлади: жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражасига; жамиятнинг талаб лари ва имкониятларига; педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари даражасига.
- Ўқитиш мазмуни қонунияти. Ўқитиш (таълим) мазмуни қуйидагиларга боғлиқ бўлади: ўқитиш ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадларига; ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръатига; ўқувчилар ёши, имкониятларига; ўқитиш назарияси ва амалиёти ривожланиш даражасига; ўқув юрти моддий-техник ва иқтисодий имкониятларига.

темпераменти, характери, қобилиятлари ифодаси ҳисобга олиниши керак.

Оқилона талабчанлик билан бола шахсига ҳурматнинг биргалиги тамойили педагогнинг тарбияланувчини шахс сифатида ҳурмат қилишини талаб этади. Оқилона талабчанлик - агарда у объектив мақсадга мувофиқ бўлса ўқув – тарбиявий жараён, шахснинг тўлиқ ва баркамол ривожланиши сабабли бўлса, самараси анча юқори бўладиган тарбиявий имкониятлар бола шахсини ҳурмат қилишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Ўқувчиларга талабчанликни ўз ўқувчиларининг ўзи

ҳақидаги фикрларини ҳисобга олиб ўқитувчининг талабчанлиги билан бирлаштириш зарурдир. Шахсга ҳурмат инсондаги ижобий хислатларига таянишни кўзда тутди.

Ҳамкорлик тамойили ўқитиш жараёнида шахснинг бирламчилигига қаратилишини, унинг ўзи амалга ошириши, ўзини англашига ва ривожланишида ўзини ҳаракатлантиришига мўлжалланишини талаб этади. Бу тамойил ўзаро муносабатлар субъектлар ўртасидаги алоқалари диалог асосида ва шахслараро муносабатларда эмпатиянинг устунлиги асосида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаётий фаолиятларини талаб этади.

Резюме:

Демак, ўқув жараёнида амал қилувчи ҳамма қонуниятлар умумий ва хусусий қонуниятларга ажратилади. Ибтидоий жамиятда инсоният ўсиб келаётган авлодни ўқитиш бўйича амалий билимларни аста-секин тўплаб келган. Ўша даврдаёқ ўқитишнинг амалий қоидалари ишлаб чиқилган ва авлоддан – авлодга бериб келинган.

Ўқитиш тамойиллари ҳам тарихий ўтиб келувчи ҳисобланади. Ўқитишнинг назарияси ва амалиёти ривожланиб борган сари, ўқитиш жараёни Янги қонуниятлар кашф этилиши билан ўқитишнинг янги тамойиллари ҳам шаклланади, эски кўринишлари ўзгаради.

Назорат учун саволлар:

1. Ўқитиш жараёни қандай қонуниятларга ажратилади?
2. Дидактик қонуниятлар қандай ифодаланади?
3. Ўрганилган қонуниятлардан ўқитиш жараёнида қандай фойдаланиш керак?

4. Ўқитишнинг тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?

5. Дарсни ташкил этиш жараёнининг педагогга боғлиқлиги ҳақида гапиринг.

Глоссарий:

Дидактик тамойиллар: бу ўқув жараёни унинг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан мазмунини, ташкилий шакл ва методларини белгиловчи бошланғич қоидадир.

Тамойиллар: (юнонча *principiūm*) – бирор бир назариянинг асоси, бошланиши, асосий бошланғич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолият асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.

Эмпатия: (юнонча *empathia* – биргаликда ташвишланиш, яъни бошқа одамнинг ташвишларини тушуниш) устунлиги асосида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаётий фаолиятларини талаб этади.

Адабиётлар:

1. И.П.Подласий. Педагогика. Новый курс. – М. Владос, 1999.

2. Ф.Р. Юзликаев. Педагогика институтида бўлажак ўқитувчини дидактик тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш. Т. Фан., 1995.

3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

10-мавзу: Ўқитишнинг методлари ва воситалари.

Режа.

1. Таълим методлари ҳақида тушунча.
2. Ўқитиш методларининг таснифи.
3. Таълим методларидан фойдаланиш шартлари.
4. Таълим методларидан фойдаланиш воситалари.

Асосий тушунчалар:

Ўқитиш тамойиллари, ўқитиш усуллари, турлари, ўқитиш жараёни самарадорлигини ошириш, ўқитиш усулларини танлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов магистратура, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг биринчи битирувчиларига бағишлаган нутқида “Сизлар ҳар қандай вазиятда ҳам юртимиз истиқлолининг, дунёда яқка-ю ягона бўлган она Ўзбекистонимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли фарзандлари бўлиб қолишингизни истардим.”¹- деб катта ишонч билдиради. Ёшларимизнинг ҳар томонлама етук, бахтли бўлишлари учун таълим тизимини яхшилаш, ўқитишнинг энг янги педагогик технологиялар асосида замонавий шакллари, методлари ва воситаларини қўллаш, улардан самарали фойдаланиш жуда муҳим ўрин тутди.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Шу боис таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди.

“Метод” юнонча сўз бўлиб, “йўл” маъносини англатади. Ўқитиш методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятлари усуллари дир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усуллари ҳамда ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан йўналтириш йўллари англатади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш-ҳаракатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўзи узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинадиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишини ҳисобга олсак, биринчи гуруҳ методларига сўз орқали узатиш ва ахборотни эшитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар – ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар); ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали қуроллар – тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар); ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (Амалий методлар – машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) киради.

¹¹ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т.: «Ўзбекистон», 2001.-374-б.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда амалиётда кенг қўлланилаётган методларни асосан қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин (1-расм)

Таълим методлари		
1) ўқув материалини оғзаки баён қилиш методи	2) кўргазмалилик методи	3) амалий машғулотлар методи

Ўқув материалини оғзаки баён қилиш методи мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, мазкур методга барча ўқув предметлари бўйича ҳамма синфларда мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу метод баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан-тўғри ўқитувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсияланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қилади ҳамда қуйида келтирилган 5 турда қўлланилади.

Материални оғзаки баён қилиш методининг турлари

- 1) Ҳикоя қилиш
- 2) Ўқув материалини тушунтириш
- 3) Мактаб маърузаси
- 4) Суҳбат
- 5) Дарслик ва китоблар билан ишлаш

Ҳикоя қилиш – ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир. (баён қилиш 1-1У синфларда 10-12 дақиқа, У-УП синфларда 15-20 дақиқа, УШ-1Х сисинфларда 30-40 дақиқа бўлиши мумкин). Ҳикоя қилиш ижтимоий гуманитар предметларни ўқитишда кенг қўлланилади. Ўқув материалларини ҳикоя қилиш орқали ўқувчиларга узатиш уларда нутқ бойлигининг ошишига ҳам замин яратади.

Ҳикоя қилиш давомида ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб қолмасликларига, аксинча, уларнинг фаолликларини ошириш, диққатларини мавзуга жалб қилиш, ҳодиса ва воқеалар хусусида фикр юритишларни таъминлаш мақсадида саволлар бериб бориш, кўргазмали қуроллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мактаб маърузаси – бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиқ бериш, унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этишдир.

Мактаб маърузаси асосан юқори синфларда қўлланилади. Маъруза жараёнида мавзу сидирғасига баён қилинса ҳам, ўқув материални оғзаки баён қилиш методининг бошқа турлари, хусусан, ҳикоя қилиш ва тушунтиришлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчилар томонидан муайян фанлар асосларининг моҳиятини ёритувчи муҳим тушунчаларни пухта ўзлаштириш, уларни амалиётда тўғри қўллай олишлари учун шароит яратишга ҳам хизмат қилади.

Мактаб маърузаси қуйидаги талаблар асосида ташкил этилади:

Мактаб маърузасини ташкил этишнинг шартлари:

- 1) Материал таълим тизими олдида турган умумий вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши зарур
- 2) Материалнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш, тарбиявий таъсир воситаларини аниқлаш
- 3) Маъруза жараёнида ўқувчиларни мавзуга оид янгиликлар, кашфиётлар билан таништириб бориш
- 4) Баён қилишда ўқитувчи нутқи ягона билим манбаи саналади, шу боис у раво, тушунарли, ифодавий бўлиши лозим
- 5) Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган таърифларни ёзиб боришлари керак

Маъруза жараёнида ўқувчи учун нотаниш бўлган сўз ва ибораларга изоҳ бериб бориш, қоида ва қонунларнинг таърифи содда, ихчам ва тушунарли тарзда ифодаланишига эътибор бериш лозим.

Ўқув материални тушунтириш ўрганилаётган ҳодиса, қонун, қоида ёки ҳаракатнинг моҳиятини очиқ беришга қаратилади.

Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзусига оид қонун, қоидалар қанчалик асосли эканлигини далиллар, мисоллар келтириш йўли билан исботлаб беради.

Суҳбат методи аксарият ҳолатларда савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки, ушбу метод асосида таълим жараёнини ташкил этиш асосан савол-жавоб тарзида олиб борилади. Суҳбат методи ўқувчиларда муайян фаолликни юзага келтиради, шунингдек, берилган саволга жавоб топиш жараёнида ўқувчи фикр юритади, шахсий фикрларини баён этади, уни далиллашга уринади. Бу эса уларда фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиради.

Таълим жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади. Ўқувчилар томонидан янги мавзунинг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ҳам суҳбат ташкил этилади.

Машғулотларни ташкил қилиш ва уни олиб бориш жараёнида ўқитувчи суҳбат методидан фойдаланганда қуйидаги шартларга амал қилиши керак бўлади:

- 1) Ўқитувчининг суҳбат учун тайёрлаб келган саволлари синф ўқувчиларининг барчасига тааллуқли бўлиб, савол ўртага умумий тарзда ташланиши керак.
- 2) Ўқувчилардан бири жавоб бериш учун чақирилади.
- 3) Синфнинг барча ўқувчилари жавоб бераётган ўқувчини кунт билан тинглашлари, унинг жавобини тўлдиришлари, тузатишлари, ойдинлаштиришга ёрдам беришлари лозим
- 4) Берилган саволга жавоб тўғри ёки тўла бўлмаса, шу савол навбатдаги 2- ёки 3- ўқувчидан сўралиши мумкин
- 5) Агарда савол юзасидан жавоб бериш истагида бўлган ўқувчилар сони кўпайиб кетса, у ҳолда ўқитувчи ва синф ўқувчилари жавобдан қаноат ҳосил қилганларидан сўнг навбатдаги савол ўртага ташланади
- 6) Ўқувчиларнинг жавоблари қай даражада тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар, ўқитувчи томонидан изоҳланиши, якунланиши ва баҳоланиши зарур.

Дарслик ёки манба (китоб) билан ишлаш – материални оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида муҳим ўрин тутди.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни назарда тутди. Таълим жараёнида Ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади:

- 1) Дарс жараёнида дарслик ва ўқув адабиётлари (манбалар) билан ишлаш;
- 2) Дарс мавзусига боғлиқ ҳолда ҳамда синфдан ташқари шароитларда дарслик ва ўқув адабиётлари билан мустақил ишлаш.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан бирга хилма-хил қўшимча адабиёт, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, шунингдек, газета-журнал материалларидан фойдаланишга ўргатиб бориш лозим.

Таълимда кўргазмалилик методининг қуйидаги турлардан фойдаланилади:

- 1) Тасвирлаш;
- 2) Намойиш этиш;
- 3) Экскурсия

Намойиш этиш ҳамда экскурсия ўқувчиларнинг ўқув материалларини аниқ образлар воситасида бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон беради.

Намойиш этиш методи мавзунинг хусусиятига кўра қуйидаги икки кўринишда қўлланилади:

1) Дарс ёки машғулотларнинг асосий қисмида ўрганилаётган мавзу мазмунини турли воситалар ёрдамида очиб бериш (намойиш қилиш);

2) Бошқа мустақил таълим методлари билан олиб борилаётган дарсда намойиш этиладиган материаллардан фойдаланиш;

Экскурсия услуби ўқувчиларнинг ўзлари яшайдиган жойларни билиб олишларига ёрдам беради, уларда Ватанга муҳаббат, ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиради. Ўз мазмунига кўра 4 та йўналишда бўлиши лозим:

1. Табиатни кузатиш ва ўрганиш мақсадида олиб борилади;

2. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид экскурсиялар;

3. Ижтимоий ва маиший мазмундаги материаллар билан танишишга оид экскурсиялар;

4. Санъат ва адабиётлар билан танишишни назарда тутувчи экскурсиялар.

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалдир. Таълим воситалари асбоб ускуналар, лаборатория жиҳозлари, ахборот ва

техник воситалар (қурилмалар), кўргазмалар қуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўқув қўлланмалари, радио, телевидение, компьютер ва б.к..

Резюме

Ўқитувчининг ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалари билан қуроллантириши ва ўқувчилар томонидан уларни ўзлаштириш усуллари ўқитиш усуллари дейилади. Улар ёрдамида ўқувчилар билим, кўникма ва малакалар орттирадилар, уларда дунёқараш таркиб топади. Мустақил билим олиш ва ижодий қўлланиш қобилияти тараққий этади.

Мактабларимиздаги таълим-тарбия ишларининг асоси уларни ҳаёт билан, меҳнат билан муштаҳкам бўлишидир. Ўқитиш услублари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс машғулоти давомидаги фаолияти характериға қараб бир-биридан фарқ қилади. Таълим жараёнида қўлланилган услуб ва воситалар ҳар икала фаолиятнинг бирлигини таъминлагандагина кутилган мақсадга эришиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Ўқитиш методи нима?
2. Таълим методларининг турларини айтинг ва уларнинг моҳиятини очиб беринг.
3. Таълимнинг амалий методлари нималардан иборат?
4. Таълимнинг амалий методларининг аҳамиятини кўрсатиб беринг.
5. Ўқитиш методларини тавсифланг.
6. Ўқитиш воситалари қайсилар?

Глоссарий (изоҳли луғат)

“Метод” - юнонча сўз бўлиб, “йўл” маъносини англатади.

Ўқитиш методи - таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишиға қаратилган биргаликдаги фаолиятларидир.

Ҳикоя қилиш – ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларға бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир.

Мактаб маърузаси – бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериш, унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этишидир.

Суҳбат методи - аксарият ҳолатларда савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки, ушбу метод асосида таълим жараёнини ташкил этиш асосан савол-жавоб тарзида олиб борилади. Суҳбат методи

ўқувчиларда муайян фаолликни юзага келтиради, шунингдек, берилган саволга жавоб топиш жараёнида ўқувчи фикр юритади, шахсий фикрларини баён этади, уни далиллашга уринади. Бу эса уларда фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиради.

Дарслик билан ишлаш методи - таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни назарда тутлади.

Намойиш этиш методи - ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон беради.

Экскурсия услуги ўқувчиларнинг ўзлари яшайдиган жойларни билиб олишларига ёрдам беради, уларда Ватанга муҳаббат, ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиради.

Таълим воситаси - муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. Т.: «Ўқитувчи», - 440б.
2. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т. "Шарқ", 1997.
3. Йўлдошев И.Т. , Нишоналиев У.Н. Педагогика курси.- Т.: "Ўқитувчи", 1996.

12-мавзу: Таълимнинг ташкилий шакллари. Дарс – таълимни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.

Режа:

1. Ўқишни ташкил этиш шакллари.
2. Ўқитишнинг синф-дарс шакли.

3.Дарсда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг замонавий шакллари

4.Ностандарт дарслар.

5. Лицейда, коллежда ўқитишнинг маъруза-амалий тизими белгилари ва хусусиятлари.

Асосий тушунчалар:

Таълимнинг ташкил этиш шакллари, синф-дарс тизими, таълимнинг бошқа шакллари, педагогик технология

Жаҳон педагогик фани ва амалиёти тарихида ўқитишни ташкил этишнинг турли хил шакллари маълум. Уларнинг юзага келиши, ривожланиши, такомиллашиши ва улардан баъзиларининг йўқолиб кетиши ривожланаётган жамият талаб ва эҳтиёжлари сабаблидир.

Олимлар ўқитишнинг қуйидаги шакллари ажабланиш кўрсатадилар: индивидуал, индивидуал-гурӯҳли, синф-дарс, лекцион-семинарли ва синфдан ташқари, аудиториядан ташқари, мактаб ва мактабдан ташқари. Агарда уларни ўқувчиларни қамраб олиш сони, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш жамоали ва индивидуал шакллари нисбатлари, уларнинг мустақиллиги даражаси ва ўқиш жараёнига раҳбарлик қилиш хусусиятлари каби белгилари билан турларга ажратилса, улар – индивидуал, синф –дарсли ва лекцион-семинарли турларга ажралади.

Ўқитишнинг индивидуал шакли – энг қадимги ҳисобланади. Бу шакл бир одамдан иккинчисига, каттадан кичикка тажрибаларни ўргатиш сифатида ибтидоий жамиятда юзага келган. Ҳозирги даврда ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита ва индивидуал алоқаларига мисол қилиб репетиторликни олиш мумкин. Индивидуал ўқитишга мисол тариқасида шуларни эслаш мумкин:

Абу Али ибн Сино (X аср) машҳур олим ва Бухоро исмоилийларида бўлган шахсий ўқитувчи Абу Абдуллоҳ ан-Нажимийдан таълим олган. Нажимий у билан мантиқ, фалсафа, математика ва фикҳ (мусулмон қонунчилиги) билан шуғулланган. 16 ёшида Абу Али ибн Сино ўз устозидан ўзиб кетади ва турли фанларни мустақил ўргана бошлайди.

Абу Райҳон Беруний (X аср) машҳур тарихчи олим ва Иракидлар сулоласи Хоразм шоҳи амакисининг ўғли бўлган Абу Наср ибн Иран уйида яшаган ва тарбияланган. У болалик йилларида ноқ анъанавий мусулмонлар билимларини ташкил этувчи фанлар бутун доирасини (Қуръон, араб тили ва грамматикаси, одоб(этика), риторика, мантиқ,

фалсафа, тарих, астрономия, математика, фикҳни ўзлаштиради. Юнон ва лотин тилига эса уни Ибн Ироқда қул ва боғбон бўлган юнон шифокор олими ўргатган. Ундан Беруний яна ботаника ва фармокологияни ўрганган.)

Индивидуал ўқитиш шакли қуйидаги устунликка эга, шу сабаб у бизнинг давримизгача репетиторлик шаклида етиб келган:

1. Ўқув фаолиятининг мазмуни, методи ва сурати тўла индивидуал;

2. Аниқ бир масалани ҳал этишда ўқувчининг ҳар бир ҳаракати ва операцияларини кузатиб бориш имконияти бўлади;

3. Ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг фаолиятидаги камчиликларга ўз вақтида тузатишлар киритилади;

Камчиликлари:

1. Вақтнинг тежамкор эмаслиги;

2. Ўқитувчининг таъсир кўрсатиши чекланганлиги;

3. Бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти чекланганлиги ;

4. Жамоада ишлаш тажрибаси бўлмаслиги.

XI асрдаёқ Абу Али ибн Сино ўзининг «Тадбири манзил» номли асарининг “Амузиш ва парвариши модрасас фарзанд” бўлимида (Болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш) ўқувчиларга жамоада ўқитишни тавсия қилади:

1) агарда ўқувчилар биргаликда ўқисалар, улар зерикмайдилар, фанни ўрганишга қизиқиш кучаяди; улар бирга ўқисалар бир-бирларидан ортда қолмаслик учун ўзаро мусобақалашиш истаги ривожланади: буларнинг ҳаммаси боланинг ўқиши яхшиланишига ёрдам беради.

2) ўзаро суҳбатларда ўқувчилар китобдан ўқишни ёки катталардан эшитган қизиқарли маълумотларни бир-бирларига айтиб берадилар.

3) Болалар ҳаммалари биргаликда йиғилганларида бир-бирлари билан дўстлашадилар ва ҳурмат-иззат қиладилар; улар фақатгина мусобақалашиш эмас, балки бир-бирларига ёрдам берадилар; бу билан болалар мағрурланадилар, яхши одатларни бир-бирларидан ўрганадилар.

Улуғбек ўзининг мадрасаларида индивидуал машғулотлар ўтишни бекор қилади ва «жамоа» синф-дарс тизимига яқин бўлган шаклни жорий қилади. Умумий маърузани 50-70 кишидан иборат бўлган гуруҳда ўз соҳасида машҳур бўлган олим-мударрис олиб боради; амалий машғулотларни эса 10-15 кишидан иборат кичик

гуруҳда кичик мударрис (ўқитувчи) олиб боради. Ўқитишнинг муҳим методлари мунозара ва тортишувлар ҳисобланган.

Лекин жамоа усулида ҳам ўзининг салбий томонлари бор.

XV ва XVI асрлар давомида Европада ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва маънавий ҳаётнинг роли ошиши кузатилади. Буларнинг ҳаммаси болаларни оммавий ўқитилишлари шакли юзага келишига олиб келди.

Ана шундай шакллардан биринчилардан бўлиб гуруҳли (жамоали) ўқитиш ташкил бўлди. Бу усулдан Ғарбий Русия (Ҳозирги Беларусия ва Украинанинг ғарбий қисмлари) братских мактабларида биринчи бор қўлланилган ва ўқиш синф-дарс шаклига асос солинди. Бу тизимлар XVI асрда Ян Амос Коменский томонидан назарий асослаб берилган ва оммавийлаштирилган. “Буюк Дидактика” китобида тасвирланган. У педагогикага ўқув йили, ўқув куни, дарс, машғулотлар орасидаги танаффус, ўқув таътиллари каби тушунчаларни киритади. Қуёш ит юлдузлари туркумида бўлганида болаларни дам олишга юборадилар (таътилар лотинчада – кунларнинг энг қизиган даври деганини билдиради).

Синф-дарс системасининг мазмуни ўқув ишларини ташкил этишнинг ўзига хос шакли сифатида қуйидагилардан иборат:

- бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилар синфни ташкил этади. Бу синф мактабда ўқишнинг бутун даврига асосан доимий тартибини сақлаб қолади;

- синф ягона йиллик режа ва дастур асосида доимий дарс жадвали бўйича олиб борилади. Анна шунинг натижасида болалар мактабга йилнинг бир вақтида ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади;

- машғулотлар асосий бирлиги дарс ҳисобланади;

- дарс одатда бир фанга, мавзуга бағишланган бўлади. Шу сабабли ўқувчилар синфда бита материал устида ишлайдилар;

- дарсда ўқувчилар ишига ўқитувчи раҳбарлик қилади, у ўз фани бўйича ўқиш натижаларини, ҳар бир ўқувчининг билимини алоҳида баҳолайди ва йил охирида ўқувчини кейинги синфга ўтиши ҳақида қарор қабул қилади.

Я.А.Коменский дарсни қуриш бўйича тавсиялар беради. Тузилиши бўйича дарснинг бошланиши бўлиши керак, бунда ўқитувчи ўқувчиларга саволлар ёрдамида илгари ўтилган материалларни эсга олишга ва оғзаки айтиб беришга ёрдам беради, давоми, бунда ўқитувчи янги материални тушунтиради ва якуни, бунда ўқувчилар ҳозирги

олган билимларини мустаҳкамлайдилар ва машқ бажарадилар. Я.А.Коменский уй вазифаларига қарши эди. Унинг фикрича, мактаб – ўқув устахонаси, демак уйда эмас шу ерда билим олиш ў муваффақиятини таъминлаш керак.

Ўқитишнинг синф-дарс системаси алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси ва дидактикаси бўйича кўплаб фундаментал асарларда устунликлари ва камчиликлари билан чуқур таҳлил қилинган ва таърифлаб берилган. Бу асарларнинг муаллифлари синф-дарсли ўқитиш системаси индивидуал ўқитишдан бир қатор устунликларга эгаллиги тўғрисида бир фикрга эгалар:

- бутун ўқув тарбиявий жараёни тартиблилигини таъминловчи аниқ ташкилий тизимдир;

- бу жараёнларни оддий бошқариш: муаммони жамоа бўлиб муҳокама қилиш, масаланинг ечимини ҳамма бирга бўлиб излашлари жараёнида болаларнинг ўзаро муносабатлари имконияти;

- ўқитувчи шахсининг ўқувчиларга ўқитиш жараёнида уларнинг тарбиясига доимий эмоционал таъсир кўрсатиши;

- ўқитишнинг эмоционаллиги, чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчилар катта гуруҳи билан иш олиб боради, ўқувчилар ўқув фаолиятига мусобақаланиш руҳини киритиш учун шароит яратади ва шу билан бир вақтда уларнинг билимсизликдан билимларга сари ҳаракатларини мунтазамлигини ва кетма-кетлигини таъминлайди.

Камчиликлари:

- Синф-дарс системаси асосан ўрта ўқувчига мўлжалланган, бўш ўқувчи учун анча қийинчиликлар туғдиради ва анча кучли ўқувчиларнинг қобилиятлари ривожланишини анча орқага суради;

- ўқитувчи учун ўқитиш мазмунида ҳам ва ўқитиш суратлари ҳамда методлари бўйича ҳам индивидуал ишлашни ташкил этишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олишга қийинчилик туғдиради;

- катта ва кичик ёшли ўқувчилар орасида уюшган муносабатларни таъминламайди.

Дарсда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг замонавий шакллари

Педагогик адабиётларда ва мактаб амалиётида асосан учта шакл қабул қилинган:

- фронтал;
- гуруҳли;
- индивидуал.

Ўқитишнинг фронтал шаклида ўқитувчи бир вазифа устида ишлаётган бутун синф ўқув фаолиятини бошқариб боради. У ўқувчиларнинг ҳамкорлигини таъминлайди ва ҳамма учун бир бўлган иш суратини белгилайди. Фронтал ишлашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг бутун синф ишини назорат қила билишига ва шу билан бир вақтда ҳар бир ўқувчининг ишини кўздан қочирмаслигига боғлиқ. Агарда ўқитувчи ижодий жамоали ишлаш муҳитини ярата олса, ўқувчилар диққатини ва фаолликларини таъминлаб тура олса самараси янада ошади. Аммо фронтал ишлаш индивидуал фарқларни ҳисобга олмайди, у ўрта ўқувчига мўлжалланган.

Гуруҳли шаклларда ўқитувчи синф ўқувчилари гуруҳлари ўқув-ўрганиш фаолиятларини бошқаради. Ўқувчиларни звеноли, бригадали, бирлаштириш-гуруҳли ва дифференциалланган гуруҳларга тақсимлаш мумкин. Ўқишнинг звеноли шакли ўқувчилар доимий гуруҳининг ўқув фаолиятини ташкил этишни кўзда тутаяди.

Бригадали шаклида таълим масалаларни ҳал этиш учун махсус тузилган ўқувчилар вақтинчалик гуруҳлари фаолиятини ташкил этилади.

Бирлаштириш-гуруҳли шаклида синфни одатда ката умумий топшириқни ҳар бири фақатгина бир қисмини бажарадиган гуруҳларга ажратишини кўзда тутаяди.

Дифференциалланган –гуруҳли ўқиш шакли доимий гуруҳлар ҳам, бир хилдаги ўқув имкониятларига эга ва ўқув малакалари, кўникмалари шаклланганлиги бир хил даражали ўқувчиларни бирлаштиришини кўзда тутаяди. Гуруҳли шаклларга ўқувчиларнинг жуфт бўлиб ишлашлари ҳам киритилади.

Ўқувчиларни индивидуал ўқитиш уларнинг бошқа ўқувчилар билан бевосита алоқаларини кўзда тутмайди. Ўз моҳияти билан у бутун синф ёки гуруҳлар учун бир хил топшириқни мустақил бажаришдан бошқа нарса эмас. Бу мақсадлар учун махсус тайёрланган карточкалардан фойдаланиш қулай.

Ностандарт дарслар.

Ностандарт дарс – бу анъанавий тузилишдаги импровизацион ўқув машғулотиدير. Ностандарт дарслар бўйича педагогларнинг фикри бир хил эмас: баъзилари унда педагогик фикрнинг тараққий этишини, мактабни демократлаштириш йўналишида тўғри қадам деб биладилар, бошқариш эса педагогик принципларнинг хавфли бузилиши, дангасалашиб кетган ўқувчилар таъсири остида педагогларнинг мажбурий чекинишлари, деб ҳисоблайдилар.

Педагогик адабиётларни таҳлил этиш ностандарт дарс турларининг бир неча ўнликларини ажратиб олиш имконини берди. Улар орасида «берилиш» дарси, амалий ўйинлар, матбуот конференциялари, ижодий ҳисоботлар, мусобақалар, КВН, танлов, театрлаштирилган, бинар, компьютерли, фантазиялар, “судлар”, ҳақиқатни излаш, “парадокслар”, аукционлар, диалоглар ва б.қ.

Лицейда, коллежда ўқитишнинг маъруза-амалий тизими белгилари ва хусусиятлари

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ва «Таълим тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилган ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари Янги тури ҳаётга кириб келаётган йигит ва қизларга чуқур соҳа йўналиши бўйича, дифференциаллашган касбий йўналган ўқиш учун ва танлаган йўналиши бўйича бир ёки бир неча замонавий мутахассисликларни эгаллашнинг ажойиб имкониятларини беради. Бу ерда ўқишни ташкил этиш шакли ҳам мактабникидан бир мунча фарқ қилади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқишнинг лекцион-амалий тизимидан фойдаланилади. Машғулотлар иккита бирлаштирилган дарслар кўринишида 90 минут давом этади. Уларнинг ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат:

- маъруза – бу ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун тахминий асос сифатида катта ҳажмдаги тизимлаштирилган ахборотларни беришнинг асосий шаклидир (90 минут вақт берилади);

- амалий машғулот – бу лицей, коллеж ўқитувчиси раҳбарлиги остида олган ўқув ахборотларини (лекция ва мустақил ишлари давомида) чуқурлаштириш, таҳлил, кенгайтириш, қўллаш ва ўзлаштирилишини назорат қилишни ташкил этиш шаклидир;

- лицей, коллежда ўқиш асоси сифатида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятлари иўтирок этади;

- ўқув гуруҳи – бу ўқувчиларни ташкил этишнинг марказий шаклидир (унинг доимий тартиби одатда ўқитишнинг тўла даврида сақланиб қолади);

- ўқув гуруҳлари тўплами лицей, коллежда ўқитишнинг маълум курсидан иборат бўлади;

- курс ўқув машғулотлари жадвалига биноан ягона ўқув режаси ва дастурлари бўйича иш олиб боради;

- ўқув йили икки семестрга, аттестация даврига ва таътиллارга бўлинади;

- ҳар бир семестр ҳамма ўқув фанлари бўйича якуний аттестация (имтиҳон топшириш) билан якунланади;

- лицей, коллежда ўқиш муҳим фанлар бўйича аттестация (битирув имтиҳонларини топшириш) ва мутахассислиги бўйича битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш билан якунланади.

Маъруза –ҳар қандай маърузанинг умумий тузилиш асоси – бу мавзунини ифода этиш, мустақил ишлаш учун режани ва тавсия этиладиган адабиётларни тавсия этиш, ундан кейин эса – таклиф этилган иш режасига қатъий амал қилишдир.

Маърузанинг турлари:

- 1.Кириш маърузаси
2. Ахборот маъруза
3. Муҳокама маъруза
4. Муаммоли маъруза
5. Визуаллаштириш маърузаси
6. Бинар маъруза.
7. Аввалдан режалаштирилган хатолар билан ишлаш маърузаси
8. Маъруза-конференция
9. Маъруза-консультация.

Лицейлар ва коллежларда маърузадан ташқари ўқишнинг бошқа ташкилий шаклларида ҳам фойдаланилади – семинар, лаборатория иши, ўқувчиларнинг илмий-тадқиқотчилик ишлари, ўқувчиларнинг мустақил ўқув ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти, чет элда иш тажрибасини олиш. Ўқиш натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш шакли сифатида кундалик, оралиқ ва якуний назорат, баҳолаш рейтинги тизимидан, рефератив ва курс, битирув ишларидан фойдаланилади.

Резюме

Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум бир белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятининг ташқи кўриниши таълимнинг ташкилий шаклини белгилайди. Таълимнинг шакллари ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини аниқлаб беради., оммавий таълим ва алоҳида ҳолдаги таълимнинг нисбатларини белгилайди.

Ўрта Шарқ таълими алоҳидалик, айримлик, яқка ҳолда ўргатиш хусусиятларига эга эди, ўрта аср даврида эса машғулотлар ўқувчиларнинг унча ката бўлмаган гуруҳларида ўтказилди. ХУ1 асрда Дуне мактабларининг тажрибаларини ўрганиш асосида Я.А.Коменский

характерли жиҳати дарс шаклидаги таълимни ташкил этишдан иборат таълимнинг синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан тушунтириб берди.

Назорат учун саволлар

1. Асосий таълим турларидан нималарни биласиз?
2. Мактаб амалиётида қайси таълим турлари қўлланилади?
3. Синф-дарс тизимига тасниф беринг.
4. Синф-дарс тизимининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?
5. Дарсда ўқув фаолиятини ташкил этишнинг замонавий шакллари ҳақида гапиринг.
6. Ностандарт дарсларни санаб ўтинг ва тавсифланг.
7. Лицейда, коллежда ўқитишнинг маъруза-амалий тизими белгилари ва хусусиятлари ҳақида гапиринг.

Глоссарий

Ўқитишнинг синф-дарс тизими – ўқиш доимий тартибдаги ўқувчилар билан, ўқув режаси асосида тузилган аниқ жадвал бўйича синфда олиб бориладиган ўқув жараёнини ташкил этиш – у ўқишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Ян Амос Коменский (1592-1670) – буюк чех мутафаккири, педагоги. Асосий асарлари: «Тиллар ва барча фанларга очиқ эшиклар», «Буюк Дидактика», «Инсон ишларини тузатиш ҳақидаги умумий маслаҳат», «Сезиб Қабул қилинадиган нарсалар дунёси расмларда», «Онанинг мактаби» ва бошқалар. Биринчи бўлиб она тилида умумий ўқитишни, табақасига, бойлиги, жинсига қарамай ҳамма болалар қабул қилинадиган ягона мактабини ташкил этиш зарурлиги ғоясини асослаб берган. Ёши босқичларини ва унга мос равишда таълим тизимини ишлаб чиққан. Коменский дидактик принциплари илмий ва назарий асослаб берди, ўқув машғулотларини ташкил этиш синф-дарс тизимининг илмий асосларини ишлаб чиқди, бу тизим бутун дунёда тарқалди ва ҳозирги кунда ҳам ўқитишнинг тан олинган шакли сифатида давом этмоқда.

Ностандарт дарс – бу анъанавий тузилишдаги импровизацион ўқув машғулотиدير. Ностандарт дарслар

- маъруза – бу ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун тахминий асос сифатида катта ҳажмдаги тизимлаштирилган ахборотларни беришнинг асосий шаклидир (90 минут вақт берилади);

- амалий машғулот – бу лицей, коллеж ўқитувчиси раҳбарлиги остида олган ўқув ахборотларини (лекция ва мустақил ишлари

давомида) чуқурлаштириш, таҳлил, кенгайтириш, қўллаш ва ўзлаштирилишини назорат қилишни ташкил этиш шаклидир;

Адабиётлар:

1. Баркамол авлод орзуси. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2000.
2. Жониматова Х. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1999.
3. Зуннунов А., Тўхлиев Б., Маъсудов Х. Педагогика тарихи. Т.: «Шарқ», 2002.
4. Нуриддинов Н.Г. Педагогические идеи Абу Райхана Беруний. Т.: "Фан", 1999.
5. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. Т.: «Ўқитувчи», 2001.
6. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Қуронов М., Аҳлиддинов Р., Мажидов И. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Т.: «Академик», 2002.

13- мавзу: Ўқувчилар билими ва кўникмаларини баҳолашнинг рейтинг усули.

Режа

1. Таълимда рейтинг тизимини қўллашдан кўзланган асосий мақсад.
2. Таълим жараёнида рейтинг (назорат ва ҳисобга олиш)нинг вазифалари.
3. Рейтинг тизимига қўйиладиган талаблар.
4. Рейтинг ва таълимнинг самарадорлиги.

Асосий тушунчалар:

Рейтинг тизими, назорат, рейтинг назорати хусусиятлари, рейтингга қўйиладиган талаблар.

Мустақилликка эришгач, юртимизнинг барча жабҳаларида янгиланиш, туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказишда миллий анъаналар, урф-одатлардан кенг фойдаланиш, уларда ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳозирги пайтда таълим соҳасини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим ва тарбия соҳасига Янги педагогик технологияларни жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Рейтинг тизимини таълим жараёнига киритиш, ўқитишнинг сифатини назорат қилишнинг объектив бўлиши, ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш, ютуқларга эришишда ижобий мотивларни шакллантириш мақсадини амалга ошириш учун қўлланилди.

Рейтинг инглизча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси инсон фаолиятидаги ижобий ёки салбий томонларга ўзгаришни англатади. Рейтинг тизими ўқувчилар билими сифатини назорат қилиш тури, методи ва шакли бўлиб, унинг ёрдамида ўқув Фани таълим стандартининг барча имкониятлар бўйича ўзлаштирилган билимлар сифатини баҳолаш жараёнини таъминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 май «Ўзбекистон Республикасида умумий таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сон қарорига мувофиқ ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ўқувчилар билимини рейтинг тизими орқали назорат қилиш йўлга қўйилди.

Нazorat ва ҳисобга олиш тушунчаларининг ўзига хос моҳияти, хусусиятлари бор, албатта. Ўқитувчи таълим жараёнида рейтинг тизимни тўғри йўлга қўя олса, таълим жараёнининг самарадорлиги ортади.

Нazorat тушунчаси таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади. Аниқлаш ва ўлчаш эса текшириш деб аталади.

Шу сабабли текшириш – назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида акс алоқани таъминлаш, педагог томонидан ўқув материални ўзлаштириш

ҳақида объектив ахборот олиниши, билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни таъминлашдир. Текширишнинг мақсади нафақат ўқувчининг таълим даражаси ва сифати, балки унинг ўқув меҳнати ҳажмини ҳам аниқлашдан иборат.

Текшириш тизимидаги биринчи бўғин таълим олувчиларнинг билимлари даражасини олдиндан аниқлаш саналади. Одатда, у ўқув йили бошида ўқувчиларнинг олдинги ўқув йили курси энг муҳим элементларини, билимларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бу каби текшириш нафақат ўқув йили бошида, балки унинг ўртасида Янги бўлимни ўрганиш бошланганида ҳам ўтказиш ўринли бўлади.

Билимларни текширишнинг иккинчи бўғини ҳар бир мавзуни ўзлаштириш жараёнидаги жорий текширишдир. Жорий текширишнинг асосий вазифаси – ўргатувчи вазифадир. Бундай текшириш методлари ва шакллари турлича бўлиши мумкин, улар ўқув материали мазмуни, мураккаблиги, ўқувчиларнинг ёши ва тайёргарлиги, таълим босқичи ва мақсадлари муайян шароитларига боғлиқ бўлади.

Такрорий текшириш билим ва малакаларни текширишнинг учинчи бўғини бўлиб, жорий текшириш каби мавзули бўлиши мумкин. Янги мавзуни ўрганиш билан бирга ўқувчилар аввал ўрганганларини такрорлайдилар.

Тизимнинг тўртинчи бўғини – ўқувчилар билимлари, малакаларини бутун бўлим ёки курснинг сезиларли жиддий мавзуси бўйича даврий текшириш. Бундай текширишнинг мақсади – курснинг турли қисмларида ўрганилган ўқув материалининг структуравий элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўзлаштириш сифатини ташҳислаш. Даврий текширишнинг асосий вазифалари – тизимлаштириш ва умумлаштириш.

Текширишнинг бешинчи бўғини – таълим олувчининг дидактик жараённинг барча босқичларида эгаллаган билим, малакаларини якуний текшириш ва ҳисобга олишдир. Бу назорат тури ҳар бир чорак ва ўқув йили охирида ўтказилади.

Умуман, назорат қилиш ва ҳисобга олиш **назорат, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш** вазифаларини бажаради.

Таълим натижаларини текшириш ва баҳолашга қўйилган талаблар. Ўқувчиларнинг таълим натижаларини текшириш ва баҳолашга қўйиладиган педагогик талаблар (буни педагог олим Н.А. Сорокин таърифида беришни маъқул топдик) ўқитиш назарияси ва амалиётида қуйидагича белгиланган:

1) Ҳар бир ўқувчининг ишини, ўқув ишини назорат қилишни талаб этадиган, синфнинг ёки гуруҳнинг ўқув иши натижалари

ўқувчининг шахсий натижалари ўрнини алмаштиришга йўл бермайдиган назоратнинг индивидуал тавсифи;

- 2) Назоратни таълим жараёнининг барча босқичларида: бошланғич идрок этишдан то билимларни билимларни амалда қўллашгача бўлган босқичларида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларининг бошқа томонлари билан биргаликда олиб боришнинг тизимлилиги (системалилиги);
- 3) Назоратнинг ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал этадиган, уни олиб боришга ўқувчиларни қизиқтирадиган ҳар хил шакллари;
- 4) Ўқув дастурининг барча қисмларини қамраб олган, ўқувчиларнинг назарий билимларини, интеллектуал ҳамда амалий малака ва кўникмаларини текширишдан иборат назоратнинг ҳар томонламалиги;
- 5) Ўқувчиларни ҳар жиҳатдан билиб олмасдан туриб, ўқитувчининг хато хулосалар чиқаришга, субъектив муносабатда бўлишига йўл қўймайдиган. Ўзлаштириш натижаларини баҳолашда баҳо мезонларига қатъий риоя қилишни талаб этадиган назоратнинг холислиги(объективлиги);
- 6) Ҳар бир фаннинг, унинг бўлимларининг махсус хусусиятларини, шунингдек ўқувчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда турли назорат методларини танлашнинг табақалашганлиги;
- 7) Муайян бир синф ўқувчиларининг ўқув ишларини назорат қилишда барча ўқитувчиларнинг талаблари бир хил бўлиши.

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилиш орқали назоратнинг ишончлилиги ортади ва ўқув жараёнида ўз вазифаларини ҳал қилишга имкон яратилади.

Рейтинг ва таълимнинг самарадорлиги.

Ўқув жараёнида назоратнинг рейтинг тизими амалиётда қуйидагиларни амалга оширади:

1.Машғулотнинг исталган турида ўзлаштириш сифатини доимий баҳолаш ва ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини мунтазам назорат қилиш;

2.Ўқувчиларнинг машғулотнинг исталган тури олган рейтинг даражасини баҳолашнинг дифференциаллашуви.

3. Назоратда ҳар бир ўқувчининг ўз рейтинг даражаси билан мунтазам танишиб бориши орқали назоратнинг ошкора бўлишига эришиш.

4. Формал характерга эга бўлган синов ва имтиҳонларнинг регламентли аҳамиятини даражасини камайтириш.

Назоратнинг рейтинг тизими ўқув режаси бўйича муайян фанга ажратилган соатларнинг умумий йиғиндисини жамлаш орқали баҳолашни амалга оширади.

Назорат системаси 3 турда:

1. Жорий назорат – Ж.Н.
2. Оралиқ назорат- О.Н.
3. Якуний назорат – Я.Н.

Ўқув режасига кўра назорат турлари ҳафтада белгиланган соатлар сони, ўқув дастурида белгиланган мажбурий билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг ҳажмига кўра, ҳамда фаннинг ўзига хос хусусиятига кўра аниқланади.

Минимал усуллар: оғзаки сўров, назорат иши, семинар, реферат, лаборатория иши, иншо, диктант, тестлар, масалалар ечиш.

Ҳар бир фан бўйича жорий ва оралиқ назорат турлари аввалдан белгиланади ва халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда ўқув йили бошида ўқувчиларга маълум қилинади.

Жорий назорат ўқувчилар билимини дарс жараёнида мунтазам равишда текширилиши ва ёзма уй вазифаларини текшируви киради. Жорий назорат турини ўқитувчи танлайди.

Жорий назоратнинг кенг тарқалган шакли:

1. Ўқув материали фрагментини ўзлаштирилишининг оғзаки назорати.

2. Кичик ёзма вазифа ёки 15 тагача педагогик тестлар.

Жорий назорат қуйидагиларни таъминлайди:

1. Ўқитувчини тезкор маълумот билан.

2. Ўқувчини системали вазифа билан.

3. Ўзлаштира олмаётган ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга ёрдам бериш .

Жорий назоратнинг ҳар бир тури ярим йил мобайнида аниқ шкала бўйича баҳоланади. Йил охирида барча баҳолар тенглаштирилади.

Оралиқ назорат ўқувчилар томонидан ўқув предметининг муайян бўлими бўйича (ёки бир қанча мавзулар) ўзлаштириш даражасини аниқлайди. Оралиқ назорат ўқитувчи томонидан битта дарсда оғзаки, ёзма ёки тест шаклида текширилади. Бир кунда, бир синфда оралиқ назорат иккита фандан кўп бўлмаслиги керак. Ўқувчилар оралиқ назоратдан бир ҳафта аввал огоҳлантирилади ва алоҳида баҳоланади.

Якуний назорат – ярим йиллик, йиллик, битирувчиларнинг давлат аттестацияси бўйича амалга оширилади. У оғзаки, ёзма, тест, усулида бўлиши мумкин. Оғзаки назорат якунлари бевосита дарс жараёнида эълон қилинади. Ёзма ва тест назорати якунлари 5 кун ичида эълон қилиниб, сўнгра хатолар устида ишлаш амалга оширилади. Оралиқ ва якуний назоратнинг ёзма ва тест ишлари 1 йилгача ўқув бўлимида сақланади.

“Рейтинг тизими”да ўзлаштириш натижаси назоратнинг кўрсатилган барча шаклларида ўтишда тўпланган балларни қўшиш йўли билан аниқланади. Ҳар бир назорат турига 10 баллдан тақсимланганда (ўқув Фани учун 100 балл ҳисобидан) унга 7, 5, 8, 7, балл қўйилса, ўқувчининг чорак ёки ярим йиллик учун тўплаган балли 27 балли ташкил этади, бу эса 55% дан кам, шунинг учун у етарлича рейтинг балл тўпламагунча ва барча назорат туридан ўтмагунча аттестация қилинмайди. Бу билан олинган баҳо эгалланган билимга тўғри келмай қолишидан сақланилади.

Ҳар бир ўқувчи ўз балларини керакли миқдорда йиғолмаган тақдирда унга 25-30 фоизгача баллар йиғиш имконияти берилади.

Резюме:

Демак, рейтинг тизими бир қанча афзалликларга эга-ки, бу унинг бугунги кун таълим олувчисининг билимини баҳолашда ягона тўғри тизим деб қабул қилишга тўғри келади:

1. Таълим жараёнида баҳолаш тизимининг имкониятлари кенгайишига олиб келади;
2. Ўқувчи билимини энг адолатли мезонлар асосида белгилайди;
3. Таълимни стандартлаштириш жараёни учун қимматли имкониятларни очиб беради;
4. таълим стандартларида кўзда тутилган ўқув дастурига кирган мажбурий ихтиёрий мавзулар тўлалигича ўрганилади;
5. Ўқувчиларда ўз устларида мустақил ишлашга интилиш, эркин фикр юритиш, билимларни эгаллашга изчил ёндашиш кучаяди.
6. Энг асосийси, ёмон баҳо олиб қўйишдан қўрқуви йўқолиб, унинг ўрнига ҳолисона тўлиқ ва ихтиёрий ўзлаштириш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш устида мустақил ишлаш имкониятларини беради. Бошқача қилиб айтганда, қўрқув ўрнига интилиш, режалаштириш, ҳаракат қилишга эҳтиёж туғилади,

ўрганишга ҳавас ортади, узлуксиз таълим равнақ топади, билим олиш иштиёқи кучаяди.

Назорат учун саволлар:

1. Рейтинг тизими нима? У қандай афзалликларга эга?
2. Таълимда рейтинг тизимини қўллашдан қўзланган асосий мақсад нима?
3. Таълим жараёнида рейтинг (назорат ва ҳисобга олиш)нинг вазифалари ҳақида гапиринг.
4. Рейтинг тизимига қандай талаблар қўйилган?
5. Рейтинг тизимининг таълим самарадорлигига қандай таъсири бор?

Глоссарий

Рейтинг - баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.

Назорат - таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш.

Жорий назорат - бу ўрганилаётган мавзуларни ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштирилаётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилиш.

Оралик назорат - бу мазкур Фан бўйича ўтилган (мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади) бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим бўйича ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш.

Якуний назорат - бу назорат чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўтиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.- “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида.- Т.: “Шарқ”, 1998.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.- “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида.- Т.: “Шарқ”, 1998. китобида
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда кўпбаллик рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳақида 121-сонли буйруғи// «Таълим тараққиёти». Ўзбекистон

Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси»
,2002, №4.

4. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низом// Маърифат, 2002, 5 август
5. Шагайдуллина О.Д. Рейтинговая система контроля качества обучения учащихся. Т., “Ўқитувчи”, 1998.
6. Педагогика (А.Қ.Мунавваров таҳрири остида)- Т.,1996
7. Подласый И.П. Педагогика.- М., 2001.